O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 10-yanvar, shanba • №2(3792)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2009 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. 2009 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар, шунингдек истисно тариқасида, 2008 йилнинг куз мавсумида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 6 январь*

**14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**



Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## КИПРИК ҚОҚМАЙ ҚЎРИҚЛАЙМИЗ

*Киприк қоқмай қўриқлаймиз байроғинг,*
*Ватан,*
*Кўзга суртиб улуғлаймиз тупроғинг,*
*Ватан,*
*Жон риштаси ила пайванд қароғинг,*
*Ватан,*
*Ҳар фарзандинг энг ишонган,*
*зўр тоғинг, Ватан!*

*Она бағри каби қайноқ қучоғинг,*
*Ватан,*
*Боладайин азиз нону ушоғинг,*
*Ватан,*
*Дил яйрайди янграганда ушшоқинг,*
*Ватан,*
*Ҳар фарзандинг энг ишонган,*
*зўр тоғинг Ватан!*

*Достонларга сиғмас яқин-йироғинг,*
*Ватан,*
*Буюкликка дахлдордир бу чоғинг,*
*Ватан,*
*Келажакни ёритгайдир маёғинг,*
*Ватан,*
*Ҳар фарзандинг энг ишонган,*
*зўр тоғинг Ватан!*

*Жаннатга тенг кошонадур ҳарёғинг,*
*Ватан,*
*Олам борки яшнагайдур чорбоғинг,*
*Ватан,*
*Обод бўлгай азм шаҳар, қишлоғинг,*
*Ватан,*
*Ҳар фарзандинг энг ишонган,*
*зўр тоғинг Ватан!*

*Киприк қоқмай қўриқлаймиз*
*байроғинг, Ватан!!!*

**Бекмурод УСМОНОВ.**

## ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

*Тонгда ҳам, тунда ҳам, ёзу қишда ҳам,*
*Шарафли хизматга шошар посбонлар.*
*Юрт меҳрин юракка жойлаб мустаҳкам,*
*Дарёю денгизлар ошар посбонлар.*

*Улар учун Ватан қалбдан бошланар,*
*Матонат қалбдаги зарбдан бошланар,*
*Сафларда мардона қадам ташланар,*
*Шиддатда дарёдай тошар посбонлар.*

*Ўпиб ҳур Ватаннинг мағрур байроғин,*
*Кўзларга тўтиё айлаб тупроғин,*
*Асраб юрт қўрғонин, боғу гулбоғин,*
*Дунёда тинчлик деб яшар посбонлар.*

*Бедордирлар гўдак севинчи учун,*
*Оналар алласи, қувончи учун,*
*Ватан озодлиги, эл тинчи учун,*
*Керак бўлса, жондан кечар посбонлар.*

*Ватан посбонлари — асл ўғлонлар,*
*Эл тинчин асраган кўкси қалқонлар,*
*Элу юрт бахтига бўлингиз омон,*
*Эй, ором билмаган фидойи жонлар!*

**Зикрилла НЕЪМАТ.**

**МИННАТДОРЧИЛИК**

## БЕҒАРАЗ КЎМАК

**Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож. Агар кимдир оғирингни енгил, мушкулингни осон қилишга бел боғласа, унинг беғараз ёрдамидан кўнглинг тоғдек кўтариларкан. Айниқса, ногирон киши учун саховатпешалик кўрсатилиши бир олам қувонч бахш этади.**

Мен ҳам ўттиз беш йил ички ишлар идораларининг турли соҳаларида хизмат қилдим. Бундан икки йил олдин истеъфога чиқдим. Шундан сўнг оғир хасталикка чалиндим. Юрак хуружи доимо безовта қилиб келади. Тез-тез шифохонада даволаниб тураман. II гуруҳ ногирониман.

Яқинда ҳарбий хизматни ўтай бошлаган ўғлим Ферузбекнинг қасамёд қабул қилиши муносабати билан ўтказиладиган тадбирга боришимда вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари яқиндан ёрдам кўрсатишди. Майорлар Собир Ҳайитов, Икром Очилов, сержантлар Санжар Шодмонов ҳамда Икром Турсуновнинг беғараз ёрдами учун уларга чин юракдан миннатдорчилик билдираман. Ички ишлар идоралари сафида ана шундай олижаноб йигитлар хизмат кўрсатаётганлигидан бошим осмонга етди.

**Алишер ЭШМУРОДОВ,**
**истеъфодаги катта сержант.**

*Қашқадарё вилояти.*

## ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Яқинда республика ИИВ Марказий госпиталида соғлигимни тиклаб қайтдим. Тўғри, бундай имкониятдан доимо фойдаланиб келаман. Машаққатли хизматдан сўнг мароқли ҳордиқ яхши наф беради, албатта. Мени бу ерда яратилган шарт-шароитлар, биз фахрийлар учун кўрсатилаётган хизмат лол қолдирди. Айнан шу соҳада ишлаб, бугунги кунда қарилик, фахрийлик гаштини сураётганимдан тўғриси ғururланиб кетдим. Мазкур сиҳатгоҳда фақат ўз касбининг фидойилари, жонга малҳам бўладиган хушмуомалали инсонлар хизмат қилишаётганига амин бўлдим.

Айниқса, биринчи тоифали шифокор, катта лейтенант Раъно Раҳимова, катта ҳамшира Гўзал Пармонова, ҳамширалар Мавжуда Юсупова, Гавҳар Жўраева ҳамда Комила Усмоноваларнинг саъй-ҳаракатларидан кўтаринки кайфият билан оилам бағрига қайтдим.

Барчаларига қўлингиз дард кўрмасин азиз шифокорлар дейман.

**Аҳмад РАҲМОНОВ,**
**истеъфодаги подполковник.**

## ЎЗБЕКИСТОН
## ҲАФТА ИЧИДА

**● Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Қуролли Кучларимиз учун мотоўқчи ва чегарачи офицерлар, шунингдек, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарлари тайёрланадиган мазкур даргоҳда курсантларнинг келгусида етук офицерлар бўлиб етишиши учун барча шароит яратилгани таъкидланди.**

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Ҳуқуқий мавзудаги энг яхши мақола» республика кўрик-танлови якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Г. Иномжонова, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Қ. Чориев, «Моҳият» газетаси жамоатчи мухбири А. Азимов, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Н. Мирмуҳамедова совринли ўринларни эгаллагани эътироф этилди.

**● «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши тизимида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни олдидан кўплаб учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Янгийўл автомобиль мактабида «Миллий армиямиз – Ватанимиз тинчлигининг мустаҳкам кафолати» мавзусида ўтказилган тадбирда шаҳар мудофаа ишлари бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлимлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.**

● «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг муҳандислик-техник марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ташкил этилган «ИП телефония НГН тармоқлари асоси сифатида, НГН тармоқлари хавфсизлиги» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

**● Қишки таътил кунларида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги кам таъминланган оилаларнинг юз нафардан ортиқ фарзанди пойтахт вилоятида жойлашган «Бўстон» шифохонасида дам олиб, соғлиғини тиклади. Ушбу хайрия тадбири «Соғлом авлод учун» нодавлат халқаро хайрия жамғармаси томонидан ёш авлодни соғломлаштириш ва баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат дастурлари ҳамда жамғарманинг бу йўналишдаги лойиҳалари доирасида ташкил қилинди.**

● Яқинда Фарғона вилоятида «Koreya xapa medical» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди. Элликдан зиёд йигит-қиз меҳнат қилаётган мазкур қўшма корхона йилига 700 тонна пахта толасини қайта ишлаб, маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи, подполковник Холмўмин Нормуратович ШЕРДАНОВ.**

Холмўмин Нормуратович Шерданов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Қашқадарё вилояти ИИБ ахлоқ тузатиш бўлими ишлаб чиқариш техника гуруҳи муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1995–2009 йилларда Қашқадарё вилояти ИИБ ШТБИХ жамлаш бўлинмаси катта инспектори, вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ёрдамчиси, биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, майор Ғайратдин Жайхиманович АЙТИМБЕТОВ.**

Ғайратдин Жайхиманович Айтимбетов 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, Қорақалпоғистон Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ИИБ ДАНГ инспектори лавозимидан бошлаган. 1997–2001 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ДАНБ бўлинма автоинспектори, катта автоинспектори, Қўнғирот тумани ИИБ ДАН бўлинмаси бошлиғи, 2001–2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ бўлинма бошлиғи, ЙҲХБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЙПХ отряди командири, бўлинма бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

ТАДБИР

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

**Юртимизнинг барча гўшаларида Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ҳамда кўтаринки руҳда нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилаяпти. Жумладан, республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам мазкур санага бағишланган тантанали тадбир бўлди.**

Уни олий мактаб бошлиғи, генерал-майор Матрасул Собиров кириш сўзи билан очди ва тадбир иштирокчилари, курсантларни байрам билан муборакбод этди.

Тадбирда иштирок этган республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғофур Раҳимов, истеъфодаги генерал-майор Ҳабибулло Ҳожиматов йиғилганларни айём билан табриклар экан, курсантларга она-Ватанга садоқатли фарзанд бўлиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан мамлакатимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшишини тилаб қолишди.

Сўнг олий билим юртининг тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, полковник Н. Расулов республика ИИВ ЁХОТМ бошлиғининг байрам муносабати билан буйруқларини ўқиб эшиттирди.

Мактаб бошлиғи М. Собиров курсантларга Фахрий ёрлиқ, ташаккурнома ҳамда ота-оналарга миннатдорчилик хатларини топширди. Курсантлар номидан сўз олган 5-курс курсанти Ойбек Ибрагимов барчани байрам билан қутлади.



Тадбир республика ИИВ Ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари ижросидаги Ватанни, истиқлолни, муҳаббатни мадҳ этувчи дилрабо куй-қўшиқларга уланиб кетди. Таниқли сўз устаси Ўткир Муҳаммадхўжаевнинг ичакузди ҳангомалари тантана иштирокчиларининг кайфиятига завқ улашди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Суратда:** ***тадбирдан лавҳа.***
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасида гендер масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда БМТ Тараққиёт дастури етакчи эксперти доктор Надия Тахер иштирок этди.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Тахер хоним Яман, Иордания, Миср, Мўғилистон, Жанубий Африка Республикаси, Судан, Намибия каби мамлакатларда гендер тараққиёти масалалари бўйича БМТ агентликлари ва давлат идоралари билан ишлаш борасида кўп йиллик тажрибага эга. Унинг Ўзбекистонга ташрифидан кўзланган асосий мақсад янги гендер дастурини ишлаб чиқиш ва республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган аёлларнинг камситилишига қарши қаратилган ҳамда меҳнат мигрантлари бўлган аёлларни ҳимоя қилишни кўзда тутувчи лойиҳаларда иштирок этиш, турмушнинг барча жабҳаларида гендер ёндашувни жорий этиш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам халқаро экспертни ички ишлар идораларида хизмат қилаётган хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, бутун дунёда эркаклар ҳам, аёллар ҳам жабр чекаётган одам савдоси жиноятининг олдини олиш масалалари қизиқтирди.

Тахер хонимнинг саволларига республика ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Саттаров жавоб берди. У республикамизда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга катта эътибор берилаётганига алоҳида тўхталди. Маълумки, бундай тенг ҳуқуқлилик мамлакатимизнинг Асосий қонунида мустаҳкамлаб қўйилган. Бугина эмас, хотин-қизларимиз ижтимоий ҳимояланиш борасида қатор имтиёзларга эга. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида ҳам аёлларнинг фаоллиги тобора ошмоқда. Республика парламентининг ҳар икки палатаси таркибига назар ташласак, бунга амин бўлишимиз мумкин. А. Саттаров ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Республика ИИВнинг барча бўлимларида улар фаолият кўрсатишмоқда. Вазирлик тизимида терговчи, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори, кадрлар бўлими ходими вазифаларида фаолият кўрсатаётган аёлларни учратиш мумкин. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари асло камситилмайди. Республика ИИВ Хотин-қизлар кенгаши томонидан аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий тарғибот бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг ташкил этилганлиги ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.



Ички ишлар идоралари ходимлари одам савдоси жиноятларининг олдини олиш борасида ноҳукумат ташкилотлари, жойлардаги хотин-қизлар кенгашлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда. Масалан, 2008 йил мобайнида республика ИИВ ташаббусига кўра «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази иштирокида Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Урганч, Нукус ва Фарғона шаҳарларида одам савдосига қарши кураш мавзусига бағишланган семинарлар ўтказилди.

А. Саттаров республика ИИВ ушбу масала бўйича профилактик хусусиятга эга бўлган кўргазмали материаллар, плакатлар тайёрлаш, шунингдек услубий ва бошқа адабиётлар чоп этиш борасида БМТнинг манфаатдор агентликлари ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкинлигини айтди. Шу ўринда вазирлик ходимлари томонидан «Ўзбекистонда гендер тенглиги (ечимлар ва истиқболлар)» номли ўқув қўлланмаси тайёрланганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Тахер хоним республика ИИВда, қолаверса, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларининг таъминланиши билан яқиндан танишиш имконини берган бундай мазмунли учрашувнинг ўтказилганлиги учун миннатдорчилик билдирди.

**Е. СЕРГЕЕВА.**
**Суратда: учрашувдан лавҳа.**
**С. РЯБОВ олган сурат.**

ҚОНУНЧИЛИКНИ ЎРГАНАМИЗ

# МУҲИМ ҚАДАМ

**Мамлакатимизда ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаёқ инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш тамойилига таяниб, миллий ҳуқуқий тизим барпо этилди ва инсон манфаатлари ислоҳотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди. Республикамизда демократия умуминсоний тамойилларига асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши Конституцияда мустаҳкамланди.**

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказиш ҳақида гапирар экан, мазкур мақсадларни амалга оширишда барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони эканлигини, бу – демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли қисқа вақт ичида фуқаролик жамиятининг асосларини қуришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлайдиган механизмларни яратишга муваффақ бўлинди. Одил судлов соҳасида қўлга киритилган ушбу ўзгаришлар ўлим жазосини бекор қилиш учун ҳам зарур шарт-шароитларни яратди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда бир қатор жиноятларга қарши ўлим жазоси бекор қилинди. 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги тарихий аҳамиятга эга бўлган Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда яшаш ҳуқуқи олий қадрият даражасига кўтарилганлигининг амалий ифодаси бўлди. Ниҳоят, ўлим жазосини бутунлай бекор қилишни қонунчилик йўли билан таъминлаш, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида 2006 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланиб, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида, 2008 йилнинг 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XVI ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

Ушбу факультатив Протокол «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 3-моддасида кўрсатилган «ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ҳамда шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»нинг (1966 йил 19 декабрь) 6-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди» деб белгиланган тамойилларга асосланган ҳолда қабул қилинган бўлиб, асосий мақсад ва вазифаси ўлим жазосини бекор қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизмини шакллантиришдир.

Факультатив Протоколнинг 1-моддасида кўрсатилишича, «факультатив Протоколга аъзо давлат юрисдикциясига кирувчи ҳеч бир шахс ўлим жазосига ҳукм қилинмаслиги лозим. Ҳар бир аъзо давлат ўз юрисдикциясига асосланган ҳолда ўлим жазосини бекор қилиш борасида барча муҳим чораларни кўриши лозим».

Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, ҳозирги кунга қадар дунё мамлакатларининг 92 таси ўлим жазосини қўллашдан бутунлай воз кечган. Яна 10 та давлатда эса ўлим жазоси фақатгина айрим ўта оғир жиноятларга нисбатан қўлланилади ва аксарият жиноятларга ўлим жазоси қўлланилишидан воз кечилган. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш керакки, айрим истисноларни ҳисобга олган ҳолда дунё халқларининг 115 тасида ҳалигача ўлим жазоси қўлланилиб келинмоқда. Хусусан, АҚШ, Россия, Ҳиндистон ҳамда Хитой давлатларида ўлим жазоси ҳозирги кунга қадар кенг қўлланиб келинади. Бундан ташқари, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия ва Сингапур каби либерал демократия йўлини танлаган ривожланган давлатларда ҳам бу соҳадаги ҳуқуқий тизим либераллашмаган ва ўлим жазоси ҳамон мавжуд. Бразилия ва Исроил каби ривожланган давлатларда ҳам ўлим жазосидан бутунлай воз кечилмаган.

Мисол тариқасида ўлим жазоси энг кўп қўлланиладиган мамлакатлар сирасига АҚШ ва Хитой давлатларини киритиш мумкин. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 2007 йилнинг ўзида биргина АҚШда 1252 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Ўлим жазоси қўлланилиши 92 та давлатда бутунлай бекор қилинган бўлса-да, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилнинг 15 декабрида қабул қилинган «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протокол»ни дунёнинг 60 га яқин давлатигина имзолаган. Мамлакатимизда ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида ҳурмат қилинишининг далили десак муболаға бўлмайди.

Хулоса ўрнида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият қуришнинг ўзбек модели ҳамда унинг ажралмас қисми бўлмиш суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлганлигини, халқимиз дунёқарашининг ўзгариши, тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, зарур шарт-шароитларнинг пишиб етилишига монанд тарзда босқичма-босқич ҳал этилганлигини, шунингдек, мазкур ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамиятнинг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлаётганлигини қайд этиш лозим.

**Адҳам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

ХАБАР

## ЯҚИНДАН ТАНИШИШДИ

**Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда бошқарма бошлиги, полковник Ўринбой Холмуродов сўзга чиқиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш каби муҳим масалаларга тўхталиб ўтди.**

Семинар-кенгашга таклиф этилган ҳайдовчилик курси ўқитувчилари бошқармада янги татбиқ қилинган имтиҳон олиш тажрибаси билан яқиндан танишишди. Шундан сўнг улар шу ернинг ўзида синов имтиҳонлари топширишди.

Иштирокчилар бу ерда ташкил этилган янги музейни ҳам кўздан кечиришди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**

ДИЛ ИЗҲОРИ

## ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМИЗ

*Ёшлар йили кўплаб юртдошларимиз қатори менинг ҳаётимда ҳам ўзига хос ўчмас из қолдирди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ва Ички ишлар бошқармаси кўмагида «Ипотека банк» вилоят бўлимидан кредит олиб, уйли бўлдим. Ҳозирда оилам билан бир хонали шинам, замонавий уйда яшаяпмиз.*

*Мамлакатимизда ёшларга яратилган бундай имкониятлар бизни беҳад қувонтириш билан бирга зиммамизга илм, фан-техниканинг юқори чўққиларини забт этиш, эгаллаган касбимизнинг очилмаган қирраларини забт этиш масъулиятини юклайди. Биз ёшлар бу вазифани уддалаб, халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.*

**З. АЛИҚУЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, капитан.**

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

### ФАЗОГА САЁҲАТ ҚИММАТЛАШДИ

Халқаро космик станцияга саёҳатлар ташкил этиш билан шуғулланувчи Американинг «Space Adventures» компанияси нархлар ошганлигини маълум қилди. Унга кўра, эндиликда фазога сайр қилишни хоҳловчилар 30-40 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тўлашларига тўғри келади. Компьютер ўйинлари асосчиси Ричард Герриот шунча маблағ эвазига ўн кун мобайнида самода бўлиб қайтди.

### ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ЁРДАМИДА

Японияниң «Toyota» компанияси қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган автомобиллар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Маълумотларда айтилишича, янги русумдаги автоуловларнинг тепа қисмига қуёшдан қувват олувчи махсус мослама ўрнатилади ҳамда яқин вақт ичида ушбу лойиҳа амалиётга жорий этилади.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йилда жаҳонда кузатилган молиявий инқироз туфайли «Toyota» маҳсулотларига бўлган талаб сўнгги 70 йил ичида энг паст кўрсаткичга тушиб қолганди.

### ТАБИИЙ ОФАТ

**France Presse** ахборот агентлигининг хабар беришича, Коста-Рикада Рихтер шкаласи бўйича 6,1 баллга тенг бўлган ер силкиниши рўй берди. Зилзиладан мамлакатнинг 42 та аҳоли пункти жиддий зарар кўриб, электр энергияси таъминоти издан чиққан.

Маълумотларда айтилишича, ушбу давлатда 1980 йилдан бери бундай кучли ер силкиниши биринчи бор қайд этилган.



### ҚАДИМИЙ ҚАЛЪА ТОПИЛДИ

Синай саҳросида фиравнлар даврига оид қадимий қалъа топилди. Миср мутахассисларининг таъкидлашича, у эрамиздан аввалги 1560–1081 йилларга тегишлидир. Бундан аввал француз археологлари томонидан шу ҳудудда кичикроқ икки қалъа топилган эди. Улар қадимги Миср чегараларида истеҳком вазифасини ўтаган.

### ҒАЗОДА НОТИНЧЛИК

Ғазо секторида Исроил ва Фаластиннинг ХАМАС гуруҳи ўртасида уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Исроил армияси танк ва бронемашиналар ёрдамида ҳужум уюштиряпти. Сўнгги маълумотларга кўра, уруш бошлангандан бери Ғазо секторида 555 киши ҳалок бўлган, 2700 нафари эса турли даражада жароҳатланган

### АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИДА ИНҚИРОЗ

«Ford» концерни иқтисодчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2008 йилнинг декабрида ўтган йилнинг шу даврига қараганда 35 фоизга кам автомобиль сотилган.

Иқтисодий инқироз туфайли фақатгина «Ford»га эмас, балки бошқа русумдаги машиналарга ҳам талаб камайган. АҚШда ўтган йили 2007 йилга нисбатан 3,2 миллион дона автомобиль кам сотилган.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ КАФОЛАТИ

**Мамлакатимиз Қуролли Кучлари шахсий таркиби ўз касб байрамининг 17 йиллигини нишонлаш арафасида. Ўтган қисқа давр ичида барча турдаги тизимларни модернизация ва ислоҳ қилиш, улар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Шулар қаторида қўшинлар таркибини замонавий ҳарбий техника, қурол-яроғ, махсус алоқа воситалари, компьютер билан таъминлаш, ўз касбини профессионал даражада эгаллаган, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлган ҳарбий кадрлар билан жамлашга алоҳида эътибор берилаяпти.**

Шу ўринда Қоровул қўшинларида кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш борасида муносиб ютуқлар қўлга киритилаётганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда шахсий таркиб шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар билан жамланмоқда. Уларнинг касб маҳоратини ошириш доимий диққат марказида. Офицер ва сержантларимиз ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Қуролли Кучлар сержантлар тайёрлаш мактабида ўз билим ҳамда малакаларини мустаҳкамлаб боришаяпти.

Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ўз сафларида хизмат қилаётган ҳарбийлар соғлом, жисмонан бақувват, замонавий ҳарбий техникани ўзлаштириб олган, ақлзаковатли, иродали, Ватани ва халқига садоқатли, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши учун бор имкониятларни ишга солаяпти. Хусусан, тизимдаги ҳарбий қисмларда тарбиявий, ҳуқуқий, маърифий ва маданий ишлар жонлантирилмоқда. Жойларда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият» тарғибот маркази, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, шоирлар, ёзувчилар ва санъаткорлар иштирокида «Ватанпарвар бўлиш, буюк аждодлар анъаналарини давом эттириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи» мавзуида давра суҳбатлари ташкил этилаяпти.

Айниқса, Қуролли Кучларимиз тизимида анъанага айланган «Энг илғор касб мутахассиси» кўрик-танлови ижобий самара бермоқда. 2008 йил декабрь ойида ўтказилган ушбу танловнинг учинчи босқичида майор Д. Левин «Энг илғор батальон командири», капитан А. Солиев «Энг илғор взвод командири», катта лейтенант У. Якубов «Энг илғор гуруҳ командири», сержант Ҳ. Умматов эса «Энг илғор сержант» номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар. Уюштирилаётган тадбирлар шуни кўрсатдики, қисмларимизда жанговар хизмат аълочилари, билимли, тажрибали, ўз касбини виждонан бажаришга қодир, ҳақиқий ватанпарвар ҳарбий хизматчилар сони ортиб бормоқда.

Ҳозирда Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб бораётгани сир эмас. Ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик машғулотларида сафдошларига намуна бўлган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тест синовларида яхши натижаларга эришган фуқаролар олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тўпланган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдоридаги тавсияномаларга эга бўлиши фикримиз далилидир. Аскарлар ўқув юртларига ўқишга киришга тайёргарлик кўриши учун барча ҳарбий қисмларда кутубхона ва компьютер синфлари ташкил этилган.



Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг овқатланиши ва яшаш шароитига ҳам катта эътибор берилаяпти. Кенг, ёруғ, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналар, замонавий спорт анжомлари улар ихтиёрида.

Бундан буён миллий армиямиз таркибида асосан шартнома асосида хизмат қилувчилар бўлишини назарда тутсак, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ҳарбий хизматга номзодларни танлаш масаласи нақадар муҳим эканлигини англаш қийин эмас. Ҳозир тинч замон бўлсада, ўз вазифаси бўйича асосан махсус иншоотларни қўриқлаш билан шуғулланаётган шахсий таркиб хизматни доимо жанговар ҳолатда ўтайди. Бу эса ўз навбатида сергак, эҳтиёткор, руҳан тетик бўлишни талаб қилади.

Ҳарбий жамоалар хизматини шу кун талаблари даражасида олиб бориш кўпроқ уларнинг ҳарбий Низом талабларига нечоғли амал қилишига боғлиқ. Ҳар бир ҳарбий хизматчи жамоанинг кичик аъзоси сифатида олдига қўйилган вазифаларни виждонан уддалар экан, бу албатта муносиб ютуқлар қўлга киритилишига олиб келади.

Бунда сержантларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Қоровул Қўшинлари сержантлари командирлик қобилияти билан ажралиб туриши, замонавий ҳарбий билимга эга аскарларни тайёрлаш ва тарбиялашда етук мураббий бўлиши, фуқаролар ўртасида юксак ҳарбий маданият ва маънавиятни тарғиб этмоғи зарур. Сафларимизда ана шундай ҳарбийлар қанча кўп бўлса, замонавий миллий армиямиз қудрати шунча ортади.

Фурсатдан фойдаланиб, республика Қуролли Кучлари сафларида сарҳадларимизни мардонавор ҳимоя қилаётган барча ҳарбийлар, фахрийларни Ватан ҳимоячилар куни билан чин қалбимдан табриклайман.

**М. МУХТАРОВ,**
**ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник.**

КАСБ ФИДОЙИЛАРИ

# ҚИСМНИНГ ИЛҒОР СЕРЖАНТИ

***Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли подполковник О. Ким сардорлик қилаётган ҳарбий қисмнинг алоқа взводи шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиси, сержант Ҳамза Умматов билан суҳбатимиз жуда самимий кечди.***

–Ҳамза, танлаган касбингизга қизиқар экансиз, буни сўзларингиздан сезиб турибман, – дедим унга.

– Тўғри айтдингиз. Ҳеч бир соҳада унга бутун вужудини бағишламай туриб, муносиб ютуққа эришиб бўлмайди. Ҳарбийликка ёшлигимдан ихлос қўйганман. 1997 йили Жиззах вилоятидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганимда мен ҳам Ватан ҳимоячиси бўлганимдан қувончим ичимга сиғмаган эди. Муддатли ҳарбий хизматни ИИВ Қоровул қўшинлари сафида ўтадим. Ўша вақтда олган билимларим ҳозир ҳам қўл келмоқда.

Ҳ. Умматов муддатли ҳарбий хизматни тугатгач, орзусини рўёбга чиқариш мақсадида шартнома асосида ишлаш учун қолди. Ҳамзадаги касбга бўлган қизиқиш, интилувчанлик йилдан-йилга ютуқлар сари етаклай бошлади. Ҳарбий хизмати давомида у билимини янада мустаҳкамлаш ниятида Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтига сиртдан ўқишга кирди. У 2004 йилдан бошлаб Қуролли Кучлар ва Қоровул қўшинлари миқёсида ўтказилган «Энг илгор касб мутахассиси» кўрик-танловларида иштирок этиб, "Энг илғор сержант" номинацияси бўйича фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

– Бундай беллашувларда қатнашаётганим қобилиятимни синаш имконини бермоқда, – деди у. – Бўш вақт топдим дегунча қўлимга китоб олиб, билимимни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпман.

2008 йил декабрь ойида Қуролли Кучлар тизимида ўтказилган кўрик-танловда иштирок этган Ҳ. Умматов "Энг илғор сержант" номинацияси бўйича яна ғолиб чиқиб, биринчи ўрин соҳиби бўлди.

**Б. ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**катта сержант.**

ХИЗМАТ ЖОЙИМ – ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ

# АСКАРЛИК КАТТА ШАРАФ

Ватан осойишталиги, халқ хотиржамлиги йўлида кунларни тунларга улаб хизмат қилаётган ўғлонларга барча ҳавас билан боқади. Уларнинг машаққатли ва мардонавор хизмати туфайли осмонимиз мусаффо, юртимизда тинчлик ва хотиржамлик ҳамиша ҳукмрон.

Ҳар бир йигит ҳаётида армия муҳим аҳамият касб этади. Ўғлонларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлишида ҳарбий хизматнинг ўрни катта. Республика Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари тасарруфидаги полковник В. Бударников командирлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлганимизда хизмат ўтаётган ўғлонларга яратиб берилган шарт-шароитлардан мамнун бўлдик.

Қисмда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш, сиёсий ва маънавий билимларини оширишга алоҳида аҳамият қаратилган. «Миллий армия – тинчлик ва осойишталик ҳимояси кафолати», «Ҳушёрликни сақлаш, касбий маҳоратни ошириш, ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи» мавзуларида Маърифат дарслари ўтказилади.

– Яқинда қисмда «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этдик. Унда ҳар бир батальондан беш нафардан ҳарбий хизматчини ўзига бириктирган бешта жамоа қатнашди, – дейди қисм командири ўринбосарининг ёрдамчиси, подполковник Ёдгор Ҳайитов. – Йигитлар тадбир шартларига асосан Ватанимиз тарихи, миллий мафкура ҳақидаги саволларга жавоб бериш билан бирга жанговар қобилиятларини ҳам намоён қилишди. Барча шартларга тўлақонли жавоб берган 1-батальоннинг «Турон» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Тадбир барчага манзур бўлди. Ҳарбий хизматчилар дам олиш кунларини мазмунли ва мароқли ўтиши учун Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда таниқли адиблар билан учрашувлар ташкил этамиз. Таниқли санъаткорлар қисмимизга ташриф буюриб, куй-қўшиқлари билан аскарларга хушкайфият улашади. «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамжиҳатликда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан учрашувлар мунтазам ташкиллаштирилади. Бундан ташқари, қисмимизда фаолият кўрсатиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатиш ҳам диққат марказимизда.

Қисмда фаолият кўрсатаётган ўғлонлар республика миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, етакчи ўринларни қўлга киритмоқдалар. Сержант Баҳодир Хушвақтов ҳақида алоҳида гапириш ўринли. У Бухоро шаҳрида ўтказилган кураш мусобақасида ғолибликни қўлга киритди. Республика миқёсидаги ҳарбийлар ўртасида кураш беллашувида кумуш медаль билан тақдирланди.

Ҳар бир жамоада ўзининг интизоми, меҳнатсеварлиги билан ном таратган инсонлар бўлади. Майорлар Р. Тувалов, Ю. Шерназаров, катта сержантлар И. Рўзиев, Ж. Тожиевлар хизматда барчага намуна бўлаяпти. Ҳарбий қисмдаги аскар ва офицерларнинг олиб бораётган ишлари, садоқатли хизматлари таҳсинга лойиқ. Ана шундай баҳодир ўғлонларимиз борлиги учун ҳам халқимиз тинч, осуда ҳаёт кечирмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти*

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ – АМАЛДА

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, унинг замирида инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазаси ётганлигига амин бўламиз. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида қадамба-қадам, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам бундан мустасно эмас. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан жиноий жазоларни либераллаштириш сари йўл тутилди. Бунда жазонинг қаттиқлиги эмас, муқаррарлиги ва тарбиявий таъсири муҳим эканлигидан келиб чиқилди. Айниқса, қонунда ўлим жазоси кўзда тутилган жиноят тоифалари сони аста-секин қисқартириб борилди. Ва ниҳоят 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан ўлим жазоси бутунлай бекор қилинди. Унинг ўрнига узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланиладиган бўлди. Миллий менталитетимиздан келиб чиқиб, қонунчиликка ярашув институти жорий этилди. Натижада ижтимоий хавфи катта бўлмаган бир қатор жиноятларни содир этган шахсларнинг шаъни, қадр-қимматини, одамлар ўртасидаги биродарлик ришталари сақлаб қолинаяпти. Шу ўринда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо турлари камайиб, муқобил жазо турлари кўпаяётганини ҳам алоҳида таъкидлашни истардик.

Маълумки, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда адвокатларнинг роли каттадир. Ана шуни назарда тутиб давлатимиз адвокатура институтининг мавқеини, нуфузини ошириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахс судда ўз қонуний манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли ҳимояланиши кафолатланган. Яъни ушбу муътабар ҳужжатнинг 26-моддасида «Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», дейилган. Шунингдек, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунда ушбу институтнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. Орадан икки йил ўтиб эса Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда, ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва адвокатларнинг ижтимоий муҳофазаси янада такомиллаштирилди. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ўз ҳимояси остидаги шахснинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қилиш имкониятлари кенгайтирилди. Ва ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур тизимнинг мустақиллигини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни малакали кадрлар билан жамлашда янги босқични бошлаб берди.

Шу ўринда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг 2008 йилнинг 1 январидан судларга ўтказилганлиги нафақат судларнинг, балки адвокатларнинг ҳам нуфузини оширганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Энди ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш-қўлламаслик масаласини ҳал қилаётган суд жараёнида прокурорлар билан бир қаторда адвокатлар ҳам қатнашишади. Бу эса гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳақ-ҳуқуқларини, хусусан шахсий дахлсизлик, эркинлик ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш имконини беради.

Кези келганда, ислоҳотлар жараёнида судларнинг мавқеи, нуфузи тобора ортиб бораётгани шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари ишончлироқ таъминланиши, қонун устуворлигига эришилишининг гарови бўлаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу нималарда кўринади? Авваламбор, суд ҳокимияти чинакам мустақилликка эришаяпти. Унинг фаолиятига эндиликда ҳеч бир давлат идораси тазйиқ ўтказмайди. Суд жараёнлари устидан прокурор назорати деган тушунчага чек қўйилди. Аксинча, прокуратура идораларининг айрим ваколатлари судларга ўтказилаяпти. Юқорида айтганимиздек, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бундан буён судлар томонидан қўлланилади. Натижада ушбу масалани ҳал этиш чоғида айблов ва оқлов томони ўртасида чинакамига тортишувчанлик принципи амалга ошади. Суд эса тарозининг қайси палласи тош босишига қараб холис қарор қабул қилади. Бу дастлабки тергов жараёни устидан суд назоратини бошлаб берди, дейиш мумкин. Аста-секин тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш, ёзиб олиш, шахсий ёзишмалар билан танишиш сингари бир қатор процессуал ҳаракатларни ўтказишга ҳам суд томонидан рухсат бериладиган бўлиши ушбу жараённинг мантиқий давоми бўларди, деб ўйлаймиз. Зеро, юқоридаги барча процессуал хатти-ҳаракатлар шахснинг эркинлигини, ҳақ-ҳуқуқларини чеклайди. Бунга эса Асосий қонунимизга мувофиқ фақат судгина ҳақлидир. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», деб белгилаб қўйилган.

Эътибор берган бўлсангиз, республика Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги сўнгги Қарорини ҳам маҳкумларга нисбатан суд қўллаяпти. Бунинг замирида ҳам кучли мантиқ бор. Чунки шахсни озодликдан маҳрум этишга суд ҳақли бўлганидек, уни муддатидан илгари озодликка чиқаришга ваколатини ҳам судга бериш керак.

> **Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.**
>
> **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-модда.**

Қонунга мувофиқ, ички ишлар идоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тузилмалар сирасига киради. Шундай экан, уларнинг тергов фаолиятини олиб боришдаги ваколатларини кенгайтириш ҳам содир этилган жиноятларни фош қилишда яхши самара беради. Сабаби, ички ишлар идораларининг жиноят қидирув хизматидан ташқари профилактика, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл-патруль хизмати каби бир қатор соҳавий хизматлари ҳам жиноятчиликка қарши кураш олиб борадилар. Уларнинг шу тизимдаги тергов идоралари билан ҳамкорлиги самарали кечади. Натижада жиноятлар тез суръатларда очилади, ортиқча оворагарчиликлар, сансоларликларнинг олди олинади, вақт тежалади. Ана шу мақсадларни кўзлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мамлакатимиз Президенти томонидан 2008 йил 22 сентябрда имзоланган ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50 дан зиёд моддасида назарда тутилган жиноятларни тергов қилиш прокуратурадан ички ишлар идораларига ўтказилди. Ушбу Қонуннинг аҳамиятли томони яна шундаки, прокуратура идораларининг тергов борасидаги иш ҳажми камайиб, Асосий қонунимизда белгиланган асосий вазифасини янаям самаралироқ, тўлақонлироқ бажариш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш имконияти кенгаяди. Бу эса ўз навбатида инсон ҳуқуқларининг тўлароқ таъминланишига олиб келади. Зеро, республикамиз қонунлари биринчи навбатда инсон манфаатларини кўзлайди.

Халқимиз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Бу мамлакатда қонун устуворлигига, инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларидан устун туришига эришиш демакдир. Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар авваламбор ана шу мақсадга йўналтирилгандир. Албатта, узоқ вақт ҳукм сурган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тузумидан сўнг бунга бирданига эришиб бўлмайди. Фақат қонунларни ўзгартириш, янгиларини қабул қилиш билан иш битмайди. Бунинг баробарида аҳолининг ҳуқуқий онгини, маданиятини ҳам юксалтириб бориш, психологиясини ўзгартириш зарур. Айни пайтда нисбатан қисқа вақт ичида танлаган йўлимизда улкан қадамлар ташлаганимизни ҳам эътироф этишимиз керак. Жумладан, фуқаролик институтлари шаклланди, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли, нуфузи ортмоқда. Қолаверса, биз юқорида тўхталган масалаларга ҳам ана шу ўзгариш ва янгиланишларнинг узвий, таркибий қисми деб қараш керак. Бу узоқ, таъбир жоиз бўлса, узлуксиз давом этадиган жараёндир. Зеро, тараққиётнинг, такомиллашувнинг ҳам чеки-чегараси йўқ.

**Илҳом ТУРГУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник.**

**ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ • • • ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ • • • ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ**

## ҚУРОЛ – ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Ўқ отар қуролни ҳеч қандай ҳужжатсиз сақлаб юриш — жиноят. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида яшовчи А. Эркин буни билмаган ёхуд билса-да, эътибор бермаган кўринади. Тезкор тадбирлар давомида унинг уйида ИИБ рўйхатида бўлмаган «ИЖ» русумли, 16 калибрли ов милтиги сақланаётгани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан терговолди ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## «ҚАҲРАМОН»ЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшовчи А. Раулнинг уйига калит танлаш йўли билан кирилиб, у ердан «ASER» русумли ноутбук компьютери, «Нокия» русумли уяли телефон ва ярим миллион сўм миқдордаги пул олиб кетилган эди. Орадан бир кун ҳам ўтмай ушбу жиноятни содир этган «қаҳрамон»лар фош бўлди. Улар пойтахтнинг Ҳамза туманида яшовчи М. Рафаэл ва Бектемир туманилик А. Эльмира бўлиб чиқди.

## УЧ МАЪЛУМ ШАХС

Уч номаълум шахс кунпа-кундузи Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида яшовчи М. Натальянинг уйига бостириб кириб, уни таёқ билан урганча 60 минг сўм пули ва уй-рўзғор буюмларини ўмариб кетишди. Ички ишлар идораларининг зийрак ва шижоатли ходимлари гумондорлар кимлигини аниқлашди. Мазкур жиноятни ака-ука Х. Виталий ва Н. Вячеслав ҳамтовоқлари Қ. Вячеслав билан бирга содир этишган экан. Энди уч ҳамтовоқ ўлжани эмас, суд ҳукмида ёзилганини баҳам кўришадиган бўлди.

## МАШИНАЛИ БЎЛМОҚЧИ ЭДИ...

Фуқаро Ҳ. Маҳмуд машинали бўлишни кўпдан орзу қилиб юрарди. Орзуга айб йўқ. Унга етишиш учун заҳмат чекиш лозим. Бироқ йигит енгил йўлни танлади: ҳаялламай ҳамшаҳрига тегишли автомашинани ҳайдаб қочди. Ички ишлар ходимлари зудликда жиноятчининг изига тушишди. Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида фуқаро А. Тўтигул томонидан қаровсиз қолдирилган «М–412» русумли автомашина техник соз ҳолда эгасига қайтарилди. Ҳ. Маҳмуднинг устидан эса жиноят иши қўзғатилди.

**Н. ОЧИЛОВ, лейтенант.**

**ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ • • • ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ • • • ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ**

*Кўрик-танлов ғолиблари орасида республикамизнинг кўпгина вилоятларидаги хўжалик, ташкилот, корхона, муассасалар ҳамда меҳнат жамоалари ҳам бор.*

«ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЯКУНЛАРИ

# ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



Мамлакатимиз иқтисодий захираларини юксалтириш ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда мавжуд моддий-маънавий бойликларни ёнғин офатларидан муҳофаза қилиш, халқимиз меҳнати эвазига бунёд этилган маҳсулотлар нобуд бўлишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Ҳар йили республикамиздаги халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, жойларда ёнғинларнинг олдини олиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 ноябрдаги фармойишига асосан 2008 йилнинг 10 ноябридан 10 декабрига қадар мамлакатимизда навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Ойликда фаол иштирок этган ва ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда юқори натижаларга эришган жамоаларни муносиб тақдирлаш учун республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасининг буйруғига асосан 7 йўналиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди ҳамда унда юртимиздаги барча ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимлари, меҳнат жамоалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхоналар, идоралар, хўжаликлар, муассасалар иштирок этди.

Кўрик-танлов якунларига кўра «Юқори натижа ва яхши кўрсаткичларга эришган шаҳар ва туман ёнғин хавфсизлиги бўлим, бўлинма ва гуруҳи» йўналиши бўйича Самарқанд вилояти Ургут тумани ИИБ ЁХБ 1-ўрин, Наманган вилояти Наманган шаҳар ИИБ ЁХБ 2-ўрин, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ИИБ ЁХБ ва Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар ИИБ ЁХБлар 3-ўринни қўлга киритди.

«Ўта муҳим ва тоифаланган масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда юқори натижа ва кўрсаткичларга эришган, шу масканларни қўриқловчи ҲЁХО ва ҲЁХК» йўналиши бўйича 1-ўрин «Тошкент иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятида ёнғин хавфсизлигини таъминлаётган Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ 15-Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми. 2-ўрин «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида ёнгин хавфсизлигини таъминлаётган Навоий вилояти ИИБ ЁХБ 2-Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди, 3-ўрин «Фарғоназот» очиқ акциядорлик жамиятида ёнғин хавфсизлигини таъминлаётган Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ 11-Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ҳамда «Муборакнефтгаз» унитар шуъба корхонасида ёнғин хавфсизлигини таъминлаётган Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ 3-Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отрядига берилди.

«Ёнғин хавфсизлиги ҳолати намунали бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектлар» йўналиши бўйича 1-ўрин Бухоро вилоятидаги «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар шуъба корхонаси, 2-ўрин Қашқадарё вилоятидаги «Шўртан газкимё мажмуаси» унитар шуъба корхонаси, 3-ўринлар Самарқанд вилоятидаги «Зирабулоқ газ қувурлари ишлаб чиқариш бошқармаси» акциядорлик жамияти ҳамда Андижон вилоятидаги «Хўжаобод газ қувурлари ишлаб чиқариш бошқармаси» акциядорлик жамиятига насиб этди.

«Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда намуна бўлган халқ хўжалиги маскани» йўналиши бўйича 1-ўринга Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманидаги «Гулистон нефть базаси» унитар корхонаси, 2-ўринга Бухоро вилояти Когон шаҳридаги «Магистрал газ қувурлари» корхонаси, 3-ўринларга Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Нефтбаза» ҳамда Навоий кон-металлургия комбинатидаги «5-автокорхона» жамоалари сазовор бўлди.

«Намунали маҳалла, гузар ва мавзе» йўналиши бўйича 1-ўринга Навоий вилояти, Кармана туманидаги «Каловат» маҳалла фуқаролар йиғини, 2-ўринга Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Ровут» маҳалла фуқаролар йиғини, 3-ўринларга Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Аҳиллик» маҳалла фуқаролар йигини ҳамда Андижон вилояти Андижон туманидаги «Орол» маҳалла фуқаролар йиғини лозим топилди.

«Юқори натижа ва кўрсаткичларга эришган меъёрий техник экспертиза бўлинма ва гуруҳ» йўналиши бўйича 1-ўринни Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ меъёрий техник экспертиза гуруҳи, 2-ўринни Андижон вилояти ИИБ ЁХБ меъёрий техник экспертиза гуруҳи, 3-ўринларни Фарғона ва Наманган вилояти ИИБ ЁХБ меъёрий техник экспертиза гуруҳлари эгаллади.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказишда намуна бўлган милиция таянч пункти» йўналиши бўйича 1-ўрин Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 270-милиция таянч пункти, 2-ўрин Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 2-милиция таянч пункти, 3-ўринлар Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳарчасидаги 11-милиция таянч пункти ҳамда Жиззах шаҳридаги 10-милиция таянч пунктига берилди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур ойлик якунига кўра кўрик-танлов ғолиблари орасида республикамизнинг кўпгина вилоятларидаги хўжалик, ташкилот, корхона, муассасалар ҳамда меҳнат жамоалари ҳам бор. Улар республика ИИВ ЁХББ раҳбариятининг буйруғига кўра муносиб тақдирланди.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**ИИВ ЁХББ муҳандиси катта лейтенант.**

**Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 432 та ёнғин ҳолати қайд этилди. Улар туфайли етказилган моддий зарар миқдори 3 млн сўмдан ортиқни ташкил қилди. Турли сабабларга кўра юзага келган офатларда 11 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олди, 8 нафари оламдан бевақт кўз юмди.**

Андижон вилояти Андижон тумани Бўрибой маҳалласида яшовчи Б. Халиловнинг «Саноат» хусусий корхонасида ёнғин рўй берди. Бунинг натижасида маъмурий бинонинг 90 кв.м. майдондаги томи, шифти ва жиҳозлари зарар кўрди. Бунга газли иситиш печи назоратсиз қолдирилиши сабаб бўлди.

Андижон вилояти Шаҳрихон тумани «Тоштепа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи С. Исомовнинг уйига

## «01» ХАБАР ҚИЛАДИ

ўрнатилган ностандарт иситиш печига уланган газ тунда ўчиб қолди. Вақт ўтиши билан қайта келиши натижасида хонага газ йиғилди. Уй соҳибаси печни ёқиш учун гугурт чаққан вақтида чақнаш содир бўлди. Алангадан С. Исомов 40 фоиз, турмуш ўртоғи эса 90 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани А. Ортиқов кўчасида яшовчи Х. Юсупованинг хонадонидаги ҳаммомнинг сув иситиш сиғимига уланган газ ўчиб қолиб, табиий газ сизиб чиқа бошлайди. Уй бекаси ҳаммомга кириб, гугурт чаққан вақтида чақнаш рўй беради. Натижада алангадан Х. Юсупова 50 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди.

Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчасида яшовчи Ю. Павловнинг уйида келиб чиққан ёнғин натижасида уйнинг 60 кв.м. майдондаги жиҳозлари ёнди. Шунингдек, қўшни А. Давлетовнинг уй жиҳозлари офатдан зарар кўрди. Саросимага тушган Ю. Павлов ёнғинни ўчирмоқчи бўлганида 25 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди.

Азиз юртдошлар! Бундай кўнгилсизликлар фақат лоқайдлигимиз оқибатида келиб чиқмоқда. Шунинг учун Сиз, азизларга доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, газ ва электр жиҳозлардан фойдаланганда огоҳ бўлиш лозимлиги, ёш болаларни ёлғиз қолдирмасликни эслатиб ўтамиз. Мабодо бирор хавфни сезсангиз «01» рақамига қўнғироқ қилишни унутманг.

**У. ВАФОЕВ.**

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

# ТЕЗЛИК ПАНД БЕРАДИ

***«Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»да ҳар бир ҳайдовчи ҳаракатланиш олдидан транспорт воситасининг техник ҳолатига жиддий эътибор бериши, тезликни белгиланган меъёрдан оширмаслиги кўрсатилган. Йўл четига қўйилган белгилар ҳайдовчи учун ҳаракатни тартибга солиб турувчи муҳим омил ҳисобланади.***

Содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлил этилганда ҳайдовчилар юқоридаги қоидаларга амал қилмагани маълум бўлиб қолмоқда. Жумладан, Асака туманилик И. Фурқат «Нексия» русумли автомашинасини Асака шаҳридаги Умид кўчасида тезликни ошириб юборгани боис бошқарувни йўқотади. Автомашина йўлнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетиб, шу йўналишда келаётган А. Мухтор бошқарувидаги «Дамас» русумли автомашина билан тўқнашиб кетади. Натижада «Дамас»даги йўловчилардан бири ҳамда ҳар икки машина ҳайдовчиси тан жароҳати билан касалхонага ётқизилган.

Олтинкўл туманида яшовчи Д. Азизбекнинг ярим тунда транспорт воситасини белгиланган меъёрдан ортиқ тезликда бошқариши кўнгилсиз ҳодиса билан якунланди. У ўзининг «Тико» русумли автомашинасини Имом Бухорий кўчасида бошқариб бораётиб, қатнов йўлини маст ҳолда кесиб ўтаётган Л. Эркинни уриб юборади. Натижада пиёда тан жароҳати олди.

Халқимизда «Фалокат оёқ остида», деган ибора бежиз айтилмаган. Ҳайдовчининг транспорт воситасини бошқариш чоғида озгина ҳушёрликни йўқотиши кўплаб нохушликларни келтириб чиқаради. Бунда тажрибали ҳайдовчилар ҳам панд еб қолиши мумкин. «Асака автобус-такси саройи» масъулияти чекланган жамият ҳайдовчиси М. Юнусали ўзига тегишли «Дамас» автомашинасини «Асака–Шаҳрихон» йўлида бошқариб бораётиб ҳушёрликни йўқотди. Оқибатда йўлнинг пиёдалар ўтиш жойидан кесиб ўтаётган Т. Ёрқинойни уриб юборди. Мазкур ҳодиса туфайли жароҳат олган пиёда касалхонага ётқизилган.

Бу каби қоидабузарликларнинг аянчли оқибатлари ҳақидаги мисолларни яна келтиришимиз мумкин. Бундай нохушликларнинг бўлмаслиги учун ҳар бир ҳаракат иштирокчиси билан кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз керак. Бошланғич таълим муассасаларидаги болалар тарбиясига масъул шахслар билан ҳамкорликда йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ёшларга чуқур тушунтириб бориш улар томонидан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига хизмат қилади.

**Ойбек УМАРОВ,**
**Асака шаҳар ИИБ ЙҲХГ инспектори, кичик сержант.**
**Азизхон БУЗРУКОВ, журналист.**
*Андижон вилояти.*

# POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 12–18-yanvar


«O'ZBEKISTON» ШАНБА, 15.20

**«Иван Василевич касбини ўзгартиради». Б/ф.**



«YOSHLAR» ШАНБА, 10.30

**«Шимолий Кутб экспресси». М/ф.**



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

**Қўй.**

Бу ҳафтада эски танишлар билан учрашиш имконияти бўлади. Аввал режалаштирилиб, амалга оширишни кейинга қолдирилган ишларни поёнига етказиш вақти етди. Режаларни яна бир бор таҳлил қилиб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Ишга жиддий киришиш лозим.

**Сигир.**

Ҳафта ўқиш, билимни ошириш, ижод қилиш, янги тадқиқотлар ўтказиш учун қулай бўлади. Дўстлар билан муносабатни янада мустаҳкамлаш учун кўнгилочар жойларга бориш, гап-гаштаклар уюштириш айни муддао бўлади. Кейинга қолдирилган ишларни тугалланг.

**Эгизаклар.**

Билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил этиш, амалиётда қўллаш учун қулай ҳафта бўлади. Сафарларга чиқиш, саёҳатга боришга шошилмасликни маслаҳат берамиз. Кўпдан бери кўришмаган узоқ қариндошдан хабар олишингиз ёки у меҳмон бўлиб келиши кутиляпти.

**Қисқичбақа.**

Қарзларни узиш, кредитнинг катта қисмини тўлаш вақти етди. Аммо қарз бериш, инвестиция билан шуғулланишга шошилманг. Мерос, алимент масалаларини ҳал этишни кечиктирмасликни маслаҳат берамиз. Ўзаро муносабатларда тортишиш, баҳслашишдан четроқда бўлинг.

**Арслон.**

Бу ҳафта шахсий ва иш юзасидан муносабатлардаги муаммоларни ҳал этиш учун қулай бўлади. Унутиб юборган севикли кишингиз, ажрашиб кетган умр йўлдошингиз билан учрашиб қолишингиз мумкин.Бу эски хатоларни қайта такрорламасликни яна бир бор эслатади.

**Бошоқ.**

Уйда ва ишдаги мажбурият, вазифангизни таҳлил этиб олинг. Бажарилмаган ишларни поёнига етказиш вақти етди. Эски қарзлардан қутулиш имкониятини қидиринг. Сурункали касалликнинг кўзгалмаслигини олдини олишга ҳаракат қилиш лозим.

**Тарози.**

Собиқ севикли кишингиз билан муносабатларни тиклашда эҳтиёткор бўлишни эслатиб ўтамиз. Фарзандлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг вақти етди. Тарбия борасидаги ишларни таҳлил қилиб, хулоса чиқариб олишни маслаҳат берамиз.

**Чаён.**

Аввалдан хотиржамликни бузаётган оилавий муаммоларни ҳал этиш имкони бўлади. Севикли кишингиз билан учрашиб, висол онларидан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Саломатликни мустаҳкамлаш, сақлаш ва яхшилашга ҳам жиддий эътибор беришни унутманг.

**Ёй.**

Бу ҳафтада сафар ва саёҳатларга бормасликни маслаҳат берамиз. Иш юзасидан шартнома, битим ва келишувларни ҳам кейинга сурган маъқул. Эски ҳужжатларни тартибга келтириш, қонунлаштириб олишни кечиктирмаслик лозим.

**Тоғ эчкиси.**

Оила бюджетини ҳисоб-китоб қилиб, даромад ва харажатларни таҳлил этишни маслаҳат берамиз. Даромад қилишнинг янги манбаларини топиш имкони туғилади. Бироқ молиявий битим ва келишувларга аралашмаслик лозим бўлади. Шунингдек, савдо-харид ишларида ҳам шошилмаслик маъқул.

**Қовға.**

Ортингизга қараб, яхши натижалар берган иш, ташаббусларни яна бир бор эслаб, яна ютуқлар келтириши мумкин бўлганларга қайта қўл уришни маслаҳат берамиз. Савдо-харид ишлари омадли бўлиши кутиляпти. Саломатлик ҳақида ҳам қайғуриш эсдан чиқмасин.

**Балиқ.**

Юлдузлар ўтмишга нигоҳ ташлаб қўйишни маслаҳат беряпти. Фаолиятингизни таҳлил қилиб, ички дунёингизни ўрганиш учун қулай бўлади. Ташқи кўринишни яхшилаш билан ўзгариб қолмайсиз. Ҳар қандай кўринишда ҳам ички ҳиссиётингизни жиловлай билинг.

## «O'zbekiston»

«O'zbekiston» телерадиоканали» ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.40 ТВ - анонс.
15.45 Т/с «Сардор».
16.10 «Ватанпарвар».
16.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хива».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Ҳает ва қонун».
«Болалар сайераси».
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Олтин мерос».
18.55 ТВ - анонс.
19.00 2009 йил - Қишлоқ тараққиети ва фаровонлиги йили. «Келажак боғбони».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Евузлик».
21.50 «Елгиз куш». Т/с.
22.55 «Иқлим».
23.00 «Шов-шув». Т/с.
23.50-00.00 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Келажак боғбони».
00.25 Т/с «Сардор».
00.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хива».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 Т/с «Туташ тақдирлар».
02.40 «Чемпион».
03.00 «Ватанпарвар».
03.40 «Рангин дуне».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Шарқ тароналари».
04.45 ТВ - анонс.
04.50 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.40-05.55 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Даврнинг боласи».
7.40 «Мультипанорама».
8.00 «Янги йил шукухи».
8.10 «Ғолиб». Т/с.
8.45 «Айемингиз муборак!».
8.50 «Йигитлар».
9.10 «Аскар қўшиқлари».
9.15 «Камолот».
9.25 «Ватан хизматида».
9.45 «Қиш хаели».
9.55 «Бугундан эсдалик».
10.00 «Давр». Ҳафта якуни.
10.30 «Аскарлар».
10.35 «Алпомиш». Б/ф.
13.10 «KINOMANIYA».
13.40 «Дутор».
13.50 «Соғинч қорлари».
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.45 «Телетухфа».
15.00 «Келажак эгалари».
15.10 «Алпомиш авлодлари».
15.15 «Ипак сехри».
15.55 «Кун тартиби».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Қора ўрдак». М/с.
17.00 «Ёшлар майдони».
17.30 «Пазанда». Б/ф.
18.40 «Қорли наволар».
18.50 «Онажон қишлоғим».
18.55 «Ватан химоячилари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ғолиб». Т/с.
20.10 «UzEX».
20.20 «Қишлоғимиз қаҳрамони».
20.40 «Ватан хизматида».
20.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
21.35 «Ҳарбийлар».
21.40 «Янги йил наволари».
21.55 «Алпомиш авлодлари».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Яшаш сирлари».
22.50 «Ҳает-мамот». Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультсериал: «Тоғлиқ». 64-қисм.
18.10 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Тошкент -2200».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Анонс».
18.55 Т/с «Эсмеральда».
19.25 Бизнес - «Пойтахт».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус).
20.00 «Пойтахт» (рус).
20.20 «Анонс».
20.25 Т/с «Милагрос» (рус).
20.55 «Интервью». (рус).
21.05 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Уйларим».
22.00 «Телекурьер - маркет».
22.15 «Аел қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.50 Кино SMS со звездами.
22.55- 00.35 Кино: «Снежная королева».

## «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.00 Т/с «Властелин моря».
11.00 «Шижоат майдони». Ярим финал.
12.00 «Футбол-2008». Мавсум якунлари.
12.30–13.30 «Профринг».
18.00 Мультфильм.
18.15 «Тет-а-тет». Ватан химоячилар кунига бағишланади.
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.50 «O'zbektelfilm» представляет: «Дорога в небо». Документальный фильм.
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».
19.45 Автоспорт. «Дакар - 2009».
20.40 Т/с «Монтекристо».
21.30 «Хабарлар»
21.50 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.25 Т/с «Властелин моря».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 0.35, 3.00 Новости.
9.25 Малахов +.
10.25 Модный приговор.
11.25 Контрольная закупка.
12.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм
13.20 «Детективы».
14.25 Понять. Простить.
15.20 «ОГОНЬ ЛЮБВИ». Фильм
16.10 «Давай поженимся!».
17.00 Федеральный судья.
18.20 «Пусть говорят».
19.10 Т/с «СЛЕД».
20.00 «Богатая и любимая». Фильм
21.00 Время.
21.30 «Широка река». Фильм
22.35 «СПАСИТЕ НАШИ ДУШИ». Фильм
0.55 Комедия «Мистер Бин».
2.30 Комедия «Жена по почте».
4.00 «Детективы».

## «Россия»

5.00 Доброе утро, Россия!
8.55 «Светлана Аллилуева и ее мужчины».
9.50 Т/с «ЭКСПЕРТЫ».
10.45, 14.00, 17.00, 20.00, 23.45 Вести.
11.50, 14.40 Детектив «Инспектор Лосев».
16.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
18.05 Т/с «ЖЕНЩИНА БЕЗ ПРОШЛОГО».
19.00 Т/с «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ».
20.45 Спокойной ночи, малыши!
21.00 Т/с «Срочно в номер-2».
22.45 «Мой серебряный шар. Инна Ульянова».
0.05 «Обитаемый остров». Фильм.
0.40 «Честный детектив».
1.10 Дорожный патруль.
1.25 Комедия «Не будите спящую собаку».
3.40 Комната смеха.
4.25 Специальный корреспондент.

## НТВ

6.00 «Сегодня утром».
9.05 Т/с «СКОРАЯ ПОМОЩЬ».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня.
10.25 Чистосердечное признание.
11.00 Кулинарный поединок.
11.55 Квартирный вопрос.
13.30 Т/с «ДЮЖИНА ПРАВОСУДИЯ».
15.30, 18.30 Чрезвычайное происшествие.
16.30 Т/с «МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ».
19.30 Т/с «ПАУТИНА».
21.15 Т/с «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
22.10 Следствие вели....
23.25 «Ты смешной!».
0.10 «Школа злословия».
1.00 Главная дорога.
1.40 Х/ф «ЖИВАЯ МЕРТВЕЧИНА».
3.15 Т/с «ОТРАЖЕНИЯ».
4.35 Т/с «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА».
5.15 Т/с «БЕЗ СЛЕДА-5».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00, 17.00 Т/с «АНГЕЛ».
12.00 Док. фильм «Правда об НЛО. Бразилия».
13.00 Док. фильм «Тайные знаки. Убивающая любовь».
14.00 Т/с «УДИВИТЕЛЬНЫЕ ИСТОРИИ».
15.00, 19.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЙ КОРАБЛЬ ГАЛАКТИКА».
16.00 Док. фильм «Городские легенды. Соловецкие острова. Формула бессмертия».
18.00 Док. Т/с «Реальные пираты Карибского моря: Капитан Генри Морган».
20.00 Т/с «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК ДЖЕЙН».
21.00 Т/с «ЖЕНЩИНЫ И СМЕРТЬ».
22.00 Док. фильм «Тайные знаки. Михаил Ломоносов. Магия гения».
23.00 Т/с «Охотники на монстров».
0.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
1.00 Х/ф «ЗАХВАТЧИК».
3.00 Т/с «БИТВА ЭКСТРАСЕНСА ДРЕЗДЕНА».
4.00 Док. фильм «Разрушители мифов. Рождество».
5.00 Х/ф «ГРЯЗНЫЕ ПОДВИГИ».
7.00 Т/с «ЧЕРНЫЙ ВОРОН».

## ТНТ

6.00 «МОЕ ВТОРОЕ «Я». Теленовелла.
7.00 Такси.
7.30, 11.00 «Никелодеоны».
8.00 «Привет! Пока!»
8.30 «ЛОХМАТЫЙ СПЕЦНАЗ» Комедия.
10.30, 13.30, 18.00, 19.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
14.00 Такси.
14.30, 21.00, 23.40, 1.55 «Дом-2. Live».
16.00 «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ». Т/с.
18.30 «УНИВЕР». Ситком.
19.00 Такси.
20.30 «УНИВЕР». Ситком.
22.00 Комедия «БЕСПРЕДЕЛ В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ».
0.10 «Убойной ночи».
0.40 «Убойная лига».
2.50 «Необъяснимо, но факт».
3.45 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Мелодрама.
5.40 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

8.00 «ЗЕНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ». Т/с.
8.55, 15.00 Мультфильмы.
9.30, 19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
10.00, 22.00 «РЫЖАЯ». Мелодрама.
11.00, 20.30, 2.00 Истории в деталях.
11.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
13.00, 21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
14.00 «ШКОЛА №1». Драмеди.
18.00 Комедия «ДЖИНН ДОМА».
18.30 «Галилео». Журнал.
19.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
23.00 Кино «САНТА-КЛАУС-2».
1.00 «6 кадров»
1.30 «Смешнее, чем кролики». Скетч-шоу.
2.30 «Слава богу, ты пришел!»

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 Телемагазин.
9.30 Мультфильмы.
10.30 Состав преступлений.
11.00 Вне закона.
11.30, 18.00 Детектив «КОМИССАР РЕКС».
12.30, 3.45 Фильм «ВОЛКИ В ЗОНЕ».
14.30 Состав преступлений.
15.00 Судебные страсти.
16.00 Вне закона.
16.30, 23.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-2».
17.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК: ПРЕСТУПНЫЕ НАМЕРЕНИЯ».
19.00 Судебные страсти.
20.00, 1.00 Детектив «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА».
21.00 Состав преступлений.
21.30, 3.00 Детектив «ОТРЯД «АНТИТЕРРОР».
22.30 Брачное чтиво.
23.00 Вне закона.
2.00 Состав преступлений.
2.30 Карданный вал +.
5.00 Чудеса со всего света.

## 7 ТВ

7.00, 8.00 «7 новостей».
7.05 X-treme 99,9.
8.05 Мир свободного спорта.
8.35 Outrageous and Courageous.
Профилактика с 9.00 до 19.00.
19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
19.05 Бега и скачки.
19.35 Под водой с...
20.05, 23.05, 2.20 NBA Live!
20.20 Off-Road Drive.
20.35 Настольный хоккей.
21.05 KOTV: классика бокса.
22.05, 1.35 Диалоги о рыбалке.
22.20 Звезда автострады.
22.35, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
23.20 Классика: Премьер-лига.
0.05 Дартс.
1.05 Volvo Ocean Race.
2.35, 6.15 Outrageous and Courageous.
3.05 Шоу «Ночной выигрыш».
5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!
6.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Емгир симфонияси». Т/с.
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.40, 18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
9.30 «Изҳор».
9.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қашқадарё соҳиллари бўйлаб».
«Болалар сайёраси».
9.45 «Андерсен эртаклари». М/с.
10.10 «Уйла, Изла, Топ!»
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Туташ тақдирлар».
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Егиз қуш». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури. «Жиловланмаган Африка».
15.10 Т/с «Сардор».
15.50 «Рақснинг сеҳрли олами».
16.00 «Одамлардан бири».
16.25 «Минг бир ҳунар».
16.40 «Эл тинчлиги йўлида».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.30 «Стандарт ва сифат».
«Болалар сайёраси».
17.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.55 «Олтин мерос».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Сўз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам дастури.
23.05 «Егиз қуш». Т/с.
00.10-00.15 Тунги наволар.
**«Uzbekistan»**
00.20 Т/с «Сардор».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Сўз сеҳри».
01.40 «Навоийни англаш».
02.00 Т/с «Туташ тақдирлар».
02.40 «Муқаддас қадамжолар».
03.00 «Ахборот». (инглиз).
03.10 «Одамлардан бири».
03.30 «KINOMANIYA».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Олтин мерос».
04.35 «Икки дарё оралиғида».
04.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.45 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

Қадрли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан, 13 январь куни «Yoshlar» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Қишлоғимиз қаҳрамони».
15.20 «Қиш хаёли».
15.30 «Айёмингиз муборак!»
15.35 «Умр баҳори».
15.55 «Ватан ҳимоячилари».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Алпомиш авлодлари».
16.15 «Болалар табассуми».
16.20 «Қора ўрдак». М/с.
17.00 «Ўзбегим матолари».
17.20 «Аскар қўшиқлари».
17.30 «Омад ҳамиша кела вермайди». Б/ф.
18.45 «Қорли наволар».
18.55 «Ватан хизматида».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Голиб». Т/с.
20.10 «UzEX».
20.15 «Онажон қишлоғим».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ватан ҳимоячилари».
20.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
21.35 «Ҳарбийлар».
21.40 «Янги йил наволари».
21.55 «Алпомиш авлодлари».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Тасвир ва таассурот».
22.50 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультсериал: «Тоғлик». 65-қисм.
18.10, 22.00 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Анонс».
18.55 Т/с «Эсмеральда».
19.25 Бизнес- «Пойтахт».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Химоя».
20.00 «Пойтахт» (рус).
20.20 «Тошкент-2200» (рус).
20.25 Т/с «Милагрос» (рус).
20.55 «Репортаж».
21.05 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Йўлларимиз».
22.15 «O'zbektelifilm» намойиш этади: «Тошкент сувлари».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.55-00.15 Кино. «Очарован тобой».

## «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус).
8.25 «Малахов +».
9.15 «Тет-а-тет».
9.30 «Хабарлар».
9.50 Т/с «Властелин моря».
10.50 «Шижоат майдони». Ярим финал.
11.50 Футбол. Лига чемпионов - 2008. «Манчестер Юнайтед» - «Челси».
18.00 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус).
18.50 «Иқтидор». Ватан ҳимоячилар кунига бағишланади.
19.30 Биатлон. Кубок мира.
19.20 «Тақдир чизгилари». Ватан ҳимоячилар кунига бағишланади.
20.40 Т/с «Монтекристо».
21.30 «Хабарлар».
21.50 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.25 Т/с «Властелин моря».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 3.00 Новости.
9.25 Малахов +.
10.25 Модный приговор.
11.25 Контрольная закупка.
12.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.
13.20 «Детективы».
14.25 Понять. Простить.
15.20 «ОГОНЬ ЛЮБВИ». Фильм.
16.10 «Давай поженимся!».
17.00 Федеральный судья.
18.20 «Пусть говорят».
19.10 Т/с «СЛЕД».
20.00 «Богатая и любимая». Фильм.
21.00 Время.
21.30 «Широка река». Фильм.
22.35 «Две звезды».
1.05 Фильм «Последний легион».
2.45 Комедия «Уже вчера».
4.20 «Детективы».

## «Россия»

5.00 Доброе утро, Россия!
8.55 «Сотворившая чудо».
9.50 Т/с «ЭКСПЕРТЫ».
10.45, 14.00, 17.00, 20.00, 1.50 Вести.
11.50 Мультфильмы.
12.00 Т/с «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ».
14.40 Т/с «ВАША ЧЕСТЬ».
15.40 Суд идет.
16.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
18.05 Т/с «ЖЕНЩИНА БЕЗ ПРОШЛОГО».
19.00 Т/с «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ».
20.45 Спокойной ночи, малыши!
21.00 Т/с «Срочно в номер-2».
22.50 НОВОГОДНИЙ ПАРАД ЗВЕЗД с М. Галкиным и Н. Басковым.
2.10 Дорожный патруль.
2.30 Т/с «ЛЮДИ В ДЕРЕВЬЯХ».
3.15 Т/с «БОЛЬШАЯ ЛЮБОВЬ-2».
4.10 «Сотворившая чудо».

## НТВ

6.00 «Сегодня утром».
9.05 Т/с «СКОРАЯ ПОМОЩЬ».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня.
10.25 Чистосердечное признание.
11.00 Т/с «ИНОЕ».
12.00 Суд присяжных.
13.30 Т/с «ДЮЖИНА ПРАВОСУДИЯ».
15.30, 18.30 Чрезвычайное происшествие.
16.30 Т/с «МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ».
19.30 Т/с «ПАУТИНА».
21.15 Т/с «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
22.10 Следствие вели....
23.25 «СУПЕРСТАР - НОВОГОДНИЙ ХИТ-ПАРАД».
2.50 Т/с «ИХ СОБСТВЕННАЯ ВОЛЯ».
3.40 Т/с «ОТРАЖЕНИЯ».
4.35 Т/с «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА».
5.15 Т/с «БЕЗ СЛЕДА-5».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00, 17.00 Т/с «АНГЕЛ».
12.00, 4.00 Т/с «ГРАФ МОНТЕ-НЕГРО».
13.00 Док. фильм «Тайные знаки. Михаил Ломоносов. Магия гения».
14.00 Док. фильм «Разрушители мифов. Рождество».
15.00, 19.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЙ КОРАБЛЬ ГАЛАКТИКА».
16.00, 21.00 Т/с «ЖЕНЩИНЫ И СМЕРТЬ».
18.00 Т/с «Охотники на монстров».
20.00, 3.00 Т/с «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК ДЖЕЙН».
22.00 Док. фильм «Тайные знаки. Наколдовать наследника».
23.00 Т/с «Охотники на монстров».
0.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
1.00 Х/ф «РОЗВЕЛЛ: АТАКА ПРИШЕЛЬЦЕВ».
5.00 Х/ф «ЗАХВАТЧИК».
7.00 Т/с «ЧЕРНЫЙ ВОРОН».

## ТНТ

6.00 «МОЕ ВТОРОЕ «Я». Теленовелла.
7.00 Такси.
7.30, 11.00 «Никелодеоны».
8.00 «Привет! Пока!»
8.30 «БЕСПРЕДЕЛ В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ» Комедия.
10.30, 13.30, 18.00, 19.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
14.00 Такси.
14.30, 21.00, 0.00, 2.15 «Дом-2. Live».
16.00 Т/с «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ».
18.30 «УНИВЕР». Ситком.
19.00 Такси.
20.30 «УНИВЕР». Ситком.
22.00 Комедия «КТО ТВОИ ПРЕДКИ?».
0.30 «Убойной ночи».
1.05 «Убойная лига».
3.10 «Необъяснимо, но факт».
4.10 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Мелодрама.

## СТС

8.00 «ЗЕНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ». Т/с.
8.55, 15.00 Мультфильмы.
9.30, 19.00, 1.30 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
10.00, 22.00 «РЫЖАЯ». Мелодрама.
11.00, 20.30 Истории в деталях.
11.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
12.00 «ВЛЮБЛЕННЫЙ АГЕНТ». Х/ф.
13.00, 21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
14.00 «ШКОЛА №1». Драмеди.
18.00 Комедия «ДЖИНН ДОМА».
18.30 «Галилео». Журнал.
19.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
23.00 Кино «БЕЛЫЙ ПЛЕН».
1.15 «6 кадров».
3.00 «Слава богу, Новый год!»
4.30 «АНАТОМИЯ СТРАСТИ». Х/ф.
5.30 «О.С. - ОДИНОКИЕ СЕРДЦА». Х/ф.
7.10 Музыка.

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 Телемагазин.
9.30 Мультфильмы.
10.30 Состав преступлений.
11.00 Вне закона.
11.30, 18.00 Детектив «КОМИССАР РЕКС».
12.30 Фильм «ИНСПЕКТОР ГАИ».
14.30 Состав преступлений.
15.00 Судебные страсти.
16.00 Вне закона.
16.30, 23.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-2».
17.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК: ПРЕСТУПНЫЕ НАМЕРЕНИЯ».
19.00 Судебные страсти.
20.00, 1.00 Детектив «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА».
21.00 Состав преступлений.
21.30, 3.00 Детектив «ОТРЯД «АНТИТЕРРОР».
22.30 Брачное чтиво.
23.00 Вне закона.
2.00 Состав преступлений.
2.30 Карданный вал +.
4.00 Клуб детективов.
6.00 Т/с «СЕКРЕТНЫЙ АГЕНТ МАКГАЙВЕР».
7.00 «Самое смешное видео».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
11.05, 16.05 Классика NHL.
12.05, 21.05 KOTV: классика бокса.
13.05, 20.05, 23.05 NBA Live!
13.20, 18.05, 22.35 NHL. Ежедневный обзор.
13.35 Настольный хоккей.
14.05, 14.35, 22.05 Диалоги о рыбалке.
14.20 Мир подводной охоты.
15.05 Под водой с....
15.20 Настольный футбол.
15.35 История NHL.
17.05 Wrestling: опасная зона.
17.35 Звезда автострады.
18.20 Картинг.
18.35 Автоспорт России.
19.05 Racing World.
19.35 Спорт собак.
20.20 Охота в Новом Свете.
20.35 Overdrive.
22.20 Zero Graviti.
23.20 Классика. Премьер-лига.
0.05 Дартс.
1.00 Футбол. Кубок Италии. 1/8 финала. «Inter» - «Genoa». Прямая трансляция.
3.05 Шоу «Ночной выигрыш».
4.05, 5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!
6.15 Outrageous and Courageous.
6.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 « Емғир симфонияси» Т/с.
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Издор».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.55 «Жалолиддин Мангуберди». М/ф.
9.10 Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам дастури.
10.40 «Ягона оилада».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Туташ тақдирлар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Елғиз куш». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
14.50 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестрининг концерти
15.10 Т/с «Сардор».
15.45 «Тўмарис». М/ф.
16.20 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
16.40 «Эркин иктисодиет».
17.00 «Ахборот».
17.10 Ватан ҳимоячилари кунига «Бир кун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - ёшликка етаклар».
17.55 Миллий кино: «Касамёд».
19.05 «Жанговар сафда».
19.30 «Ахборот» (рус)
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Аскар бўламан». «O'zbektelefilm».
21.50 «Елғиз куш». Т/с.
23.00 «Шов-шув». Т/с.
23.50-23.55 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.00 «Бир кун».
00.25 Т/с «Сардор».
01.00 «Ахборот» (рус).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 Т/с «Туташ тақдирлар».
02.40 «Самарқанд жавоҳири».
03.15 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестрининг концерти.
03.35 «Ўзбегим матолари».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Олтин мерос».
04.35 «Икки дарё оралиғида».
04.55 Т/с «Туман чорраҳаларида».
05.45 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Даврнинг боласи».
7.40 «Мультипанорама».
8.00 «Йигитлар».
8.10 «Ғолиб». Т/с.
8.45 «Тошкент тароваси».
8.55 «Алпомиш авлодлари».
9.00 «Ошиқ». Т/с.
9.50 «UzEX».
9.55 «Бугундан эсдалик».
10.00 «ДАВР».
10.10 «18-квадрат». Б/ф
11.40 «Аскар қўшиғи».
11.50 «Сўнмас юлдузлар».
12.10 «Соғинч қорлари».
12.20 «Самарқанд жавоҳири».
12.50 «UzEX».
12.55 «Кун тартиби».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Ватанпарвар».
13.50 «Киш хаёли».
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.50 «Сахроли қўллар».
15.20 «Эверест».
15.55 «Ватан хизматида».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Қора йўлдак». М/с.
17.00 «Ёшлар майдони».
17.30 «Хақиқий аркаклар ови». Б/ф.
18.50 «Йигитлар».
18.55 «Ватан ҳимоячилари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ғолиб». Т/с.
20.10 «UzEX».
20.20 «Келажак эгалари».
20.30 «Ёшлар ва таълим».
20.40 «Ватан хизматида».
20.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
21.35 «Харбийлар».
21.40 «Янги йил наволари».
21.55 «Алпомиш авлодлари».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Хаёт сўқмоқлари».
22.50 «Хаёт-мамот». Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес «Пойтахт».
8.35 Т/с «Эсмеральда».
9.00, 18.10, 22.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Химоя».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Репортаж».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 Т/с «Милагрос» (рус)
11.10 «Интервью» (рус)
11.20 «Мысли вслух».
11.25 «Тошкент-2200» (рус)
11.35 Х/ф «Очарован тобой».
18.00 Мультсериал
18.25 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Т/с «Эсмеральда».
19.25 Бизнес «Пойтахт».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Дурдона».
20.00 «Пойтахт» (рус)
20.20 «Тошкент-2200» (рус)
20.25 Т/с «Милагрос» (рус)
20.55 «Интервью».
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Уйларим».
22.15 Ватан ҳимоячилари кунига: «Эртамиз эгалари».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.55-00.35 Кино: «Титаник». 1-қисм.

## «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.15 «Тет-а-тет».
9.30 «Хабарлар»
9.50 Т/с «Властелин моря».
10.50 Профессионал бокс. Рейтинг жанглари.
11.50-13.50 Теннис.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Футбол мундиал».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.50 «Шижоат майдони» Финал. Ватан ҳимоячилар кунига бағишланади.
19.50 «Спортлото».
20.00 «Спортимиз маликалари». Ватан ҳимоячилар кунига бағишланади.
20.40 Т/с «Монтекристо».
21.30 «Хабарлар».
21.50 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.25 Х/ф «Квадрат - 18».
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 23.35, 3.00 Новости.
9.25 Малахов +.
10.25 Модный приговор.
11.25 Контрольная закупка.
12.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм
13.20 «Детективы».
14.25 Понять. Простить.
15.20 «ОГОНЬ ЛЮБВИ». Фильм
16.10 «Давай поженимся!».
17.00 Федеральный судья.
18.20 «Пусть говорят».
19.10 Т/с «СЛЕД».
20.00 «Богатая и любимая». Фильм
21.00 Время.
21.30 «Широка река». Фильм
22.35 «СПАСИТЕ НАШИ ДУШИ». Фильм
23.50 Комедия «Тушите свет».
1.20 Комедия «Суперагент Саймон».
2.45 Комедия «Как стать счастливым».
4.15 «Детективы».

## «Россия»

5.00 Доброе утро, Россия!
8.55 «Ирония судьбы Юрия Яковлева».
9.50 Т/с «ЭКСПЕРТЫ».
10.45, 14.00, 17.00, 20.00, 23.45, 4.40 Вести.
11.50 Мультфильмы.
12.00 Т/с «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ».
14.40 «ВАША ЧЕСТЬ». Т/с.
15.40 Суд идет.
16.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
18.05 Т/с «ЖЕНЩИНА БЕЗ ПРОШЛОГО».
19.00 Т/с «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ».
20.45 Спокойной ночи, малыши!
21.00 Т/с «Срочно в номер-2».
22.50 «Гибель «воздушного Титаника». Стратонавты».
0.05 Фильм «Выкуп».
1.45 Дорожный патруль.
2.00 Т/с «ЛЮДИ В ДЕРЕВЬЯХ».
2.50 Т/с «БОЛЬШАЯ ЛЮБОВЬ-2».
3.40 «Ирония судьбы Юрия Яковлева».
4.30 «Ха». Комедия.

## НТВ

6.00 «Сегодня утром».
9.05 Т/с «СКОРАЯ ПОМОЩЬ».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня.
10.25 «Комната отдыха».
11.00 Т/с «ИНОЕ».
12.00 Суд присяжных.
13.30 Т/с «ДЮЖИНА ПРАВОСУДИЯ».
15.30, 18.30 Чрезвычайное происшествие.
16.30 Т/с «МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ».
19.30 Т/с «ПАУТИНА».
21.15 Т/с «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
22.10 Следствие вели....
23.25 «Ты смешной!».
0.10 Фильм «ЧУЖОЙ».
1.45 Суд присяжных.
2.40 Т/с «ИХ СОБСТВЕННАЯ ВОЛЯ».

3.20 Т/с «ОТРАЖЕНИЯ».
4.35 Т/с «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА».
5.15 Т/с «БЕЗ СЛЕДА-5».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00, 17.00 Т/с «АНГЕЛ».
12.00, 4.00 Т/с «ГРАФ МОНТЕ-НЕГРО».
13.00 Док. фильм «Тайные знаки. Наколдовать наследника».
14.00 Док. фильм «Разрушители мифов».
15.00, 19.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЙ КОРАБЛЬ ГАЛАКТИКА».
16.00, 21.00 Т/с «ЖЕНЩИНЫ И СМЕРТЬ».
18.00 Т/с «Охотники на монстров».
20.00, 3.00 Т/с «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК ДЖЕЙН».
22.00 Док. фильм «Тайные знаки. Знаю, когда умру. Игорь Тальков».
23.00 Т/с «Охотники на монстров».
0.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
1.00 Х/ф «ОСАДА ПРИШЕЛЬЦЕВ».
5.00 Х/ф «РОЗВЕЛЛ: АТАКА ПРИШЕЛЬЦЕВ».
7.00 Т/с «ЧЕРНЫЙ ВОРОН».

## ТНТ

6.00 «МОЕ ВТОРОЕ «Я». Теленовелла.
7.00 Такси.
7.30, 11.00 «Никелодеоны».
8.00 «Привет! Пока!»
8.30 «КТО ТВОИ ПРЕДКИ?» Комедия.
10.30, 13.30, 18.00, 19.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
14.00 Такси.
14.30, 21.00, 23.40, 1.55 «Дом-2. Live».
16.00 «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ». Т/с.
18.30 «УНИВЕР». Ситком.
19.00 Такси.
20.30 «УНИВЕР». Ситком.
22.00 Комедия «ДОСПЕХИ БОГА».
0.10 «Убойной ночи».
0.45 «Убойная лига».
2.50 «Необъяснимо, но факт».
3.45 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Мелодрама.
5.40 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

8.00 «ЗЕНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ». Т/с.
8.55, 15.00 Мультфильмы.
9.30, 19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
10.00, 22.00 «РЫЖАЯ». Мелодрама.
11.00, 20.30, 2.00 Истории в деталях.
11.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
12.00 «ВЛЮБЛЕННЫЙ АГЕНТ». Х/ф.
13.00, 21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
14.00 «ШКОЛА №1». Драмеди.
18.00 Комедия «ДЖИНН ДОМА».
18.30 «Галилео». Журнал.
19.30 «КАДЕТСТВО».
23.00 Кино «СЧАСТЛИВЧИК ГИЛМОР».

0.45 «6 кадров».
1.30 «Смешнее, чем кролики».
2.30 «Обитаемый остров». Фильм.
3.45 «АНАТОМИЯ СТРАСТИ». Х/ф.
5.40 «О.С. - ОДИНОКИЕ СЕРДЦА». Х/ф.

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 Телемагазин.
9.30 Мультфильмы.
10.30 Состав преступлений.
11.00 Вне закона.
11.30, 18.00 Детектив «КОМИССАР РЕКС».
12.30 Фильм «БАРМЕН ИЗ «ЗОЛОТОГО ЯКОРЯ».
14.30, 21.00 Состав преступлений.
15.00 Судебные страсти.
16.00 Вне закона.
16.30, 23.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-2».
17.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК: ПРЕСТУПНЫЕ НАМЕРЕНИЯ».
19.00 Судебные страсти.
20.00, 1.00 Детектив «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА».
21.30, 3.00 Детектив «ОТРЯД «АНТИТЕРРОР».
22.30 Брачное чтиво.
23.00 Вне закона.
2.00 Состав преступлений.
2.30 Карданный вал +.
4.00 Клуб детективов.
6.00 Фильм «СЕКРЕТНЫЙ АГЕНТ МАКГАЙВЕР».
7.00 «Самое смешное видео».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
11.05 Классика: NHL.
12.05 KOTV: классика бокса.
13.05, 20.05, 23.05 NBA Live!
13.20, 18.05, 22.35 NHL. Ежедневный обзор.
13.35 Game Sport.
14.05, 22.05 Диалоги о рыбалке.
14.20 Основной инстинкт.
14.35 Overdrive.
15.05 Бега и скачки.
15.35 Море дайвинга.
16.00 Футбол. Кубок Италии. 1/8 финала. «Inter» - «Genoa».
18.20 Motor World.
19.05 Экстрим: начало века.
19.35 Настольный футбол.
20.20 FIBA.
21.05 NBA 360.
22.20 Zero Gravity.
23.20 Классика: Премьер-лига.
0.05 Football League Show.
0.45 Футбол. Кубок Италии. 1/8 финала «Juventus» - «Catania». Прямая трансляция.
2.35, 6.15 Outrageous and Courageous.
3.05 Шоу «Ночной выигрыш».
4.05, 5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!
6.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.40, 18.00 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
9.30 «Изҳор».
9.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхона манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Андерсен эртаклари». М/с.
10.10 «Цирк, цирк, цирк».
10.35 «Мозий сирлари».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Туташ тақдирлар».
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Елғиз қуш». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Жиловланмаган Африка».
15.10 Т/с «Сардор».
15.40 «Рангин дунё».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.20 «Воқеа».
16.45 «Дунё манзаралари».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Маҳалла».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
18.50 «Олтин мерос».
19.00 Тошкент - 2200. «Тарих кўзгуси».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Бекат».
21.55 «Ёлғиз қуш». Т/с.
23.05 «Шов-шув». Т/с.
23.55-00.00 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.05 Т/с «Сардор».
00.35 «Бекат».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 Т/с «Туташ тақдирлар».
02.40 «Тарих кўзгуси».
03.00 «Ахборот». (инглиз).
03.10 «Тараннум».
03.50 «Нафосат олами».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Олтин мерос».
04.35 «Икки дарё оралиғида».
04.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.45-05.55 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Даврнинг боласи».
7.40 «Мультипанорама».
8.00 «Киш хаёли».
8.10 «Голиб». Т/с.
8.45 «Тошкент таронаси».
8.55 «Алпомиш авлодлари».
9.00 «Ошин». Т/с.
9.50 «UzEX».
9.55 «Бугундан эздалик».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Қишлоғимиз қаҳрамони».
10.30 «KINOMANIYA».
11.00 Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
12.30 «Тасвир ва таассурот».
12.50 «UzEX».
12.55 «Кун тартиби».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Чемпион».
13.30 «Автопатруль».
13.50 «Согинч қорлари».
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.45 «Телетухфа».
14.50 «Ватаним менинг».
15.00 «Сеҳрли кўллар».
15.50 «Онажон қишлоғим».
15.55 «Ватан ҳимоячилари».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Қора ўрдак». М/с.
17.00 «Ёшлар майдони».
17.30 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Б/ф.
18.40 «Қорли наволар».
18.50 «Темурхон наслига».
18.55 «Ватан хизматида».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Голиб». Т/с.
20.10 «UzEX».
20.20 «Жанговар сафда».
20.40 «Ватан ҳимоячилари».
20.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
21.35 «Ҳарбийлар».
21.40 «Янги йил наволари».
21.55 «Алпомиш авлодлари».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Яшаш сирлари».
22.50 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес - «Пойтахт».
8.35 Т/с «Эсмеральда».
9.00, 18.10, 22.00 «Телехурсер – маркет».
9.20 «Тошкентда латифа».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Интервью».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Милагрос» Т/с. (рус).
11.10 «Саломат бўлинг». (рус).
11.20 «Тошкент-2200». (рус).
11.30-13.10 Кино: «Титаник». 1-қисм.
18.00 Мультсериал.
18.25 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Т/с «Эсмеральда».
19.25 Бизнес- «Пойтахт».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Иқтисод-ревю» (рус).
20.00 «Пойтахт» (рус).
20.20 «Тошкент-2200» (рус).
20.25 Т/с «Милагрос» (рус).
20.55 «Интервью». (рус).
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Уйларим».
22.15 «Юртим жамоли».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.55 – 00.35 Кино: «Титаник». 2-қисм.

## «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус).
8.25 «Малахов +».
9.15 «Тет-а-тет».
9.30 «Хабарлар».
9.50 Т/с «Властелин моря».
10.50 Профессионал бокс.
11.50 Футбол – 2008.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Спорт салтанати».
18.30 «Хабарлар» (рус).
18.50 «Кулгу шифо».
19.30 Футбол. ФИФА. Дунёнинг энг яхши футболчисини аниқлаш маросими.
20.10 «Ринг қироллари».
20.40 Т/с «Монтекристо».
21.30 «Хабарлар».
21.50 Интерфутбол.
23.25 Т/с «Властелин моря».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 23.30, 3.00 Новости.
9.25 Малахов +.
10.25 Модный приговор.
11.25 Контрольная закупка.
12.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.
13.20 «Детективы».
14.25 Понять. Простить.
15.20 «ОГОНЬ ЛЮБВИ». Фильм.
16.10 «Давай поженимся!».
17.00 Федеральный судья.
18.20 «Пусть говорят».
19.10 Т/с «СЛЕД».
20.00 «Богатая и любимая». Фильм.
21.00 Время.
21.30 «Широка река». Фильм.
22.35 «СПАСИТЕ НАШИ ДУШИ». Фильм.
23.40 Фильм «Миротворец».
2.00 Фильм «Цветы от победителей».
3.50 Т/с «Акула».

## «Россия»

5.00 Доброе утро, Россия!
8.55 «Уроки французского. Джо Дассен, Катрин Денев и другие».
9.50 Т/с «ЭКСПЕРТЫ».
10.45, 14.00, 17.00, 20.00, 23.45 Вести.
11.50 Мультфильмы.
12.00 «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ». Т/с.
14.40 «ВАША ЧЕСТЬ». Т/с.
15.40 Суд идет.
16.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
18.05 «ЖЕНЩИНА БЕЗ ПРОШЛОГО». Т/с.
19.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ». Т/с.
20.45 Спокойной ночи, малыши!
21.00 Т/с «Срочно в номер-2».
22.50 К юбилею. «Алые паруса В. Ланового».
0.05 Фильм «Черная книга».
2.35 Дорожный патруль.
2.50 Т/с «ЛЮДИ В ДЕРЕВЬЯХ».
3.35 Т/с «БОЛЬШАЯ ЛЮБОВЬ-2».
4.30 «Городок».

## НТВ

6.00 «Сегодня утром».
9.05 Т/с «СКОРАЯ ПОМОЩЬ».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня.
10.25 «ЧУДО - ЛЮДИ».
11.00 Т/с «ИНОЕ».
12.00 Суд присяжных.
13.30 Т/с «ДЮЖИНА ПРАВОСУДИЯ».
15.30, 18.30 Чрезвычайное происшествие.
16.30 Т/с «МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ».
19.30 Т/с «ПАУТИНА».
21.15 Т/с «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
22.10 Следствие вели...
23.25 «Ты смешной!».
0.10 Фильм «ЗАГАДОЧНОЕ УБИЙСТВО В МАНХЕТТЕНЕ».
2.10 Суд присяжных.
3.00 Т/с «ИХ СОБСТВЕННАЯ ВОЙНА».
4.20 Т/с «ОТРАЖЕНИЯ».
4.45 Т/с «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА».
5.20 Т/с «БЕЗ СЛЕДА-5».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00, 17.00 Т/с «АНГЕЛ».
12.00, 4.00 Т/с «ГРАФ МОНТЕ-НЕГРО».
13.00 Док. фильм «Тайные знаки. Знаю, когда умру. Игорь Тальков».
14.00 Док. фильм «Разрушители мифов».
15.00, 19.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЙ КОРАБЛЬ ГАЛАКТИКА».
16.00, 21.00 Т/с «ЖЕНЩИНЫ И СМЕРТЬ».
18.00, 23.00 Т/с «Охотники на монстров».
20.00, 3.00 Т/с «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК ДЖЕЙН».
22.00 Док. фильм «Тайные знаки. Приворотное зелье».
0.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
1.00 Х/ф «ПЕРЕХВАТЧИКИ».
5.00 Х/ф «ОСАДА ПРИШЕЛЬЦЕВ».
7.00 Т/с «ЧЕРНЫЙ ВОРОН».

## ТНТ

6.00 «МОЕ ВТОРОЕ «Я». Теленовелла.
7.00 Такси.
7.30, 11.00 «Никелодеоны».
8.00 «Привет! Пока!».
8.30 «ДОСПЕХИ БОГА». Боевик.
10.30, 13.30, 18.00, 19.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
14.00 Такси.
14.30, 21.00, 0.05, 2.20 «Дом-2. Live».
16.00 «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ». Т/с.
18.30 «УНИВЕР». Ситком.
19.00 Такси.
20.30 «УНИВЕР». Ситком.
22.00 Комедия «ДОСПЕХИ БОГА-II. ОПЕРАЦИЯ «КОНДОР».
0.35 «Убойной ночи».
1.05 «Убойная лига».
3.15 «Необъяснимо, но факт».
4.10 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Мелодрама.
5.05 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

8.00 «ЗЕНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ». Т/с.
8.55, 15.00 Мультфильмы.
9.30, 19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
10.00, 22.00 «РЫЖАЯ». Мелодрама.
11.00, 20.30, 2.00 Истории в деталях.
11.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
12.00 «ВЛЮБЛЕННЫЙ АГЕНТ». Х/ф.
13.00, 21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
14.00 «ШКОЛА №1». Драмеди.
18.00 Комедия «ДЖИНН ДОМА».
18.30 «Галилео». Журнал.
19.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
23.00 Кино «БОЛЬШОЕ ДЕЛО».
0.45 «6 кадров».
1.30 «Смешнее, чем кролики».
2.30 «Слава богу, Новый год!»
3.40 «АНАТОМИЯ СТРАСТИ». Х/ф.
5.40 «О.С. - ОДИНОКИЕ СЕРДЦА». Х/ф.

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 Телемагазин.
9.30 Мультфильмы.
10.30 Состав преступлений.
11.00 Вне закона.
11.30, 18.00 Детектив «КОМИССАР РЕКС».
12.30 Фильм «ЗМЕЕЛОВ».
14.30 Состав преступлений.
15.00 Судебные страсти.
16.00 Вне закона.
16.30, 23.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-2».
17.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК: ПРЕСТУПНЫЕ НАМЕРЕНИЯ».
19.00 Судебные страсти.
20.00, 1.00 Детектив «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА».
21.00 Состав преступлений.
21.30, 3.00 Детектив «ОТРЯД «АНТИТЕРРОР».
22.30 Брачное чтиво.
23.00 Вне закона.
2.00 Состав преступлений.
2.30 Карданный вал +.
4.00 Клуб детективов.
6.00 Фильм «СЕКРЕТНЫЙ АГЕНТ МАКГАЙВЕР».
7.00 «Самое смешное видео».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
11.05, 21.05 Классика: NHL.
12.05 Хоккей с мячом. Чемпионат России. «Зоркий» (Красногорск) - «Динамо» (Москва).
13.05, 20.05, 2.20 NBA Live!
13.20, 18.05, 22.35, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
13.35 Киберспорт.
14.05, 18.35, 22.05 Диалоги о рыбалке.
14.20 Football League Show.
15.05 Планета рыбака.
15.20 Предельная глубина.
15.35 Автоспорт России.
16.00 Футбол. Кубок Италии. 1/8 финала. «Juventus» - «Catania».
18.20 Клуб покорителей пространства.
19.05 Мировая футбольная неделя.
19.35 Основной инстинкт.
20.20 Мир подводной охоты.
20.35 История NHL.
22.20 Zero Graviti.
23.05 Бадминтон. Чемпионат России. Суперлига. 1-й тур.
23.20 FIBA.
0.05 NBA 360.
1.05 Покер.
2.35, 6.15 Outrageous and Courageous.
3.05 Шоу «Ночной выигрыш».
4.05, 5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!
6.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Ёмғир симфонияси» Т/с.
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.40, 18.00 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
9.30 «Издор».
9.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нодир хазина».
«Болалар сайёраси».
9.45 «Андерсен эртаклари». М/с.
10.15 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.35 «Хонадон».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Туташ тақдирлар».
11.55 «Эски альбом».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Ёлғиз қуш». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Жиловланмаган Африка».
15.10 Т/с «Сардор».
15.55 «Келажак боғбони».
16.20 Тошкент - 2200. «Тарих кўзгуси».
16.40 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.50 «Олтин мерос».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Зие» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус)
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Сўз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Муқаддас қадамжолар».
21.50 «Ёлғиз қуш». Т/с.
23.00 «Шов-шув». Т/с.
23.50-00.00 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нодир хазина».
00.15 Т/с «Сардор».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 Т/с «Туташ тақдирлар».
02.40 «Тошкентнома».
02.55 Кино: «Қора ёл».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Олтин мерос».
04.35 «Икки дарё оралиғида».
04.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.45-05.55 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Даврнинг боласи».
7.40 «Мультипанорама».
8.00 «Қиш хаёли».
8.10 «Ғолиб». Т/с.
8.45 «Тошкент таронаси».
8.55 «Алпомиш авлодлари».
9.00 «Ошин». Т/с.
9.50 «UzEX».
9.55 «Бугундан эсдалик».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Мўъжизавий дунё».
11.30 «Ёшлар ва таълим».
11.40 «Қиш хаёли».
11.50 «Умр баҳори».
12.10 «Олтин тупроқ».
12.40 «Келажак эгалари».
12.50 «UzEX».
12.55 «Кун тартиби».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Чемпион».
13.30 «Уйимдаги фариштам».
13.50 «Соғинч қорлари».
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.45 «Телетуҳфа».
14.50 «Ёшлик баёзи».
15.00 «Мўйқалам сеҳри».
15.55 «Ватан хизматида».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Қора ўрдак». М/с.
17.00 «Ёшлар майдони».
17.30 «Ўрдаккўл воқеаси». Б/ф.
18.40 «Кишлоқдаги тенгдошим».
18.55 «Ватан ҳимоячилари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ғолиб». Т/с.
20.10 «UzEX».
20.20 «Ёшлар-FM».
20.40 «Ватан хизматида».
20.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
21.35 «Ҳарбийлар».
21.40 «Янги йил наволари».
21.55 «Алпомиш авлодлари».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Сўнмас юлдузлар».
22.50 «Хаёт мамот». Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес «Пойтахт».
8.35 Т/с «Эсмеральда».
9.00, 18.10, 22.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Дурдона».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Эртамиз эгалари».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 Т/с «Милагрос» (рус).
11.10 «Интервью» (рус).
11.20 «Иқтисод- ревью».
11.30 «Тошкент-2200» (рус).
11.40 – 13.20 Кино: «Титаник». 2-қисм.
18.00 «Афиша»(рус).
18.25 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Т/с «Эсмеральда».
19.25 Бизнес- «Пойтахт».
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус).
20.20 «Тошкент-2200» (рус).
20.25 Т/с «Милагрос» (рус).
20.55 «Репортаж» (рус).
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Уйларим».
22.15 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.55 Х/ф «Афоня».

## «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус).
8.25 «Малахов +».
9.15 «Тет-а-тет».
9.30 «Хабарлар».
9.50 Т/с «Властелин моря».
10.50 «Снукер».
11.50 Футбол – 2008.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус).
18.50 «Японские национальные игры». Документальный фильм.
19.00 Биатлон. Кубок мира.
20.00 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
20.40 Т/с «Монтекристо».
21.30 «Хабарлар».
21.50 Интерфутбол.
23.25 Т/с «Властелин моря».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!».

## «Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00 Новости.
9.25 Малахов +.
10.25 Модный приговор.
11.25 Контрольная закупка.
12.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.
13.20 «Детективы».
14.25 Понять. Простить.
15.20 «ОГОНЬ ЛЮБВИ». Фильм.
16.10 «Давай поженимся!».
17.00 Федеральный судья.
18.20 «Пусть говорят».
19.00 «Поле чудес».
20.00 «Богатая и любимая». Фильм.
21.00 Время.
21.30 «Василий Лановой. И страсть, и слезы, и любовь...».
22.35 Концерт В. Меладзе.
0.20 Фильм «Сломанная стрела».
2.15 Фильм «Удачи вам, господа!».
3.55 Фильм «Детский мир».

## «Россия»

5.00 Доброе утро, Россия!
8.55 Мусульмане.
9.05 «Мой серебряный шар. Нелли Мышкова».
10.00 Т/с «ЭКСПЕРТЫ».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.50 Мультфильмы.
12.00 «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ». Т/с.
14.40 «ВАША ЧЕСТЬ». Т/с.
15.40 Суд идет.
16.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
18.05 «ЖЕНЩИНА БЕЗ ПРОШЛОГО». Т/с.
19.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ».Т/с.
20.45 Спокойной ночи, малыши!
21.00 «Аншлаг. Старый Новый год».
0.15 Фильм «Снегурочка для взрослого сына».
2.05 Триллер «Глюки».
3.45 Дорожный патруль.
4.00 Комедия «Любовь не стоит ничего».

## НТВ

6.00 «Сегодня утром».
9.05 Т/с «СКОРАЯ ПОМОЩЬ».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня.
10.25 «Лихие 90-е».
11.00 Т/с «ИНОЕ».
12.00 Суд присяжных.
13.30 Т/с «ДЮЖИНА ПРАВОСУДИЯ».
15.30 Обзор. Спасатели.
16.30 Т/с «МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ».
18.30 Чрезвычайное происшествие.
19.30 Т/с «ПАУТИНА».
21.20 Фильм «ПРИСТУПИТЬ К ЛИКВИДАЦИИ».
23.40 «Ты смешной!».
0.20 Боевик «ОПЕКУН».
2.05 Наша тема.
2.30 Суд присяжных.
3.20 Т/с «ИХ СОБСТВЕННАЯ ВОЛЯ».
4.05 Т/с «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА».
4.45 Т/с «БЕЗ СЛЕДА-5».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00, 17.00 Т/с «АНГЕЛ».
12.00, 4.00 Т/с «ГРАФ МОНТЕ-НЕГРО».
13.00 Док. фильм «Тайные знаки. Приворотное зелье».
14.00 Док. фильм «Разрушители мифов».
15.00, 19.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЙ КОРАБЛЬ ГАЛАКТИКА».
16.00, 21.00 Т/с «ЖЕНЩИНЫ И СМЕРТЬ».
18.00 Т/с «Охотники на монстров».
20.00, 3.00 Т/с «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК ДЖЕЙН».
22.00 Х/ф «ПОБЕГ ИЗ ШОУШЕНКА».
1.00 Х/ф «ЛЕТОПИСЬ ОСИРИСА».
5.00 Х/ф «ПЕРЕХВАТЧИКИ».
7.00 Т/с «ЧЕРНЫЙ ВОРОН».

## ТНТ

6.00 «МОЕ ВТОРОЕ «Я».
Теленовелла.
7.00 Такси.
7.30, 11.00 «Никелодеоны».
8.00 «Привет! Пока!» Реалити-шоу.
8.30 «ДОСПЕХИ БОГА-II: ОПЕРАЦИЯ «КОНДОР» Боевик.
13.30, 18.00, 19.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
14.00 Такси.
14.30, 21.00, 0.00, 2.10 «Дом-2. Live».
16.00 «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ». Т/с.
18.30 «УНИВЕР». Ситком.
19.00 Такси.
20.00 «Интуиция».
22.00 «Наша Russia». Комедия.
22.30 «ЛЮБОВЬ НА РАЙОНЕ». Комедия.
23.30 «Секс».
0.30 «Убойной ночи».
1.00 «Убойная лига».
3.05 «Необъяснимо, но факт».
4.00 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Мелодрама.
5.50 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

8.00 «ЗЕНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ». Т/с.
8.55, 15.00 Мультфильмы.
9.30, 19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
10.00, 22.00 «РЫЖАЯ». Мелодрама.
11.00, 20.30 Истории в деталях.
11.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
12.00 «ВЛЮБЛЕННЫЙ АГЕНТ». Х/ф.
13.00, 21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
14.00 «ШКОЛА №1». Драмеди.
18.00 Комедия «ДЖИНН ДОМА».
18.30 «Галилео». Журнал.
19.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
23.00 Кино «ОБИТЕЛЬ ЗЛА».
0.55 Кино «ПЛОХОЙ САНТА».

2.40 «АНАТОМИЯ СТРАСТИ». Х/ф.
4.40 «О.С. - ОДИНОКИЕ СЕРДЦА». Х/ф.
7.10 Музыка.

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 Телемагазин.
9.20 Предприниматель.
9.30 Мультфильмы.
10.30 Состав преступления.
11.00 Вне закона.
11.30, 18.00 Детектив «КОМИССАР РЕКС».
12.30 Фильм «ПРЕФЕРАНС ПО ПЯТНИЦАМ».
14.30 Состав преступления.
15.00 Судебные страсти.
16.00 Вне закона.
16.30, 23.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-2».
17.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК: ПРЕСТУПНЫЕ НАМЕРЕНИЯ».
19.00 Судебные страсти.
20.00, 1.00 Детектив «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА».
21.00 Состав преступления.
21.30, 3.00 Детектив «ОТРЯД «АНТИТЕРРОР».
22.30 Брачное чтиво.
23.00 Вне закона.
2.00 Брачное чтиво.
4.00 Клуб детективов.
6.00 Фильм «СЕКРЕТНЫЙ АГЕНТ МАКГАЙВЕР».
7.00 «Самое смешное видео».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
11.05, 21.05 Классика NHL.
12.05 Гандбол. Чемпионат России. Женщины. «Звезда» - «Лада».
13.05, 20.05, 23.05, 2.20 NBA Live!
13.20, 18.20, 22.35, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
13.35 Бадминтон. Чемпионат России.
14.05, 22.05 Диалоги о рыбалке.
14.20, 23.20 Мировая футбольная неделя.
15.05 Ралли - рейды России.
15.20 Планета рыбака.
15.35 Картинг.
16.05 NBA 360.
17.00 Сноуборд. Мировой тур TTR. Laax European Open. Прямая трансляция.
18.35 Настольный хоккей.
19.05 Классика: Премьер-лига.
19.35 Game Sport.
20.20 Диагноз: горы.
20.35 История NHL.
22.20 Zero Graviti.
0.05 Пул.
1.05 Покер.
2.35, 6.15 Outrageous and Courageous.
3.05 Шоу «Ночной выигрыш».
4.05, 5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!
6.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 Кино. «Танка». 1-қисм.
7.45 «Тонгги наволар»
8.00 «Ахборот»
«Болалар сайёраси»
8.40 «Болалар соати»
9.00 «Андерсен эртаклари» М/ф
9.25 «Сизнинг адвокатингиз»
9.35 «Мусиқа дунёси».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Зиё» студияси. «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида»
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маўрит»
11.00 «Оналар мактаби»
11.20 Т/с «Туташ тақдирлар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Елғиз қуш». Т/с
14.00 «Ахборот»
14.20 «Азизим»
14.50 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
15.20 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Б/ф.
«Болалар сайёраси»
16.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар»
17.50 «Қорақалпоқ наволари»
18.05 «Саломатлик сирлари»
18.25 Миллий кино. «Қиш эртаги».
19.25 «ТВ – шифокор»
19.30 «Ахборот» (рус)
20.05 Т/с «Денгиздан томчи»
20.35 «Шарқ тароналари»
21.00 «Ахборот»
21.35 «Кинотақдим»
22.00 «Малика ва жангчи» Б/ф. Премьера.
00.05-00.15 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.20 «Кинотақдим»
00.45 «Шарқ тароналари».
01.00 «Ахборот» (рус).
01.30 «Ёшлар майдони»
02.00 Миллий кино: «Телба»
03.40 «Тошкент – телевидение ватани».
04.00 «Ахборот»
04.30 «Олтин мерос».
04.35 Кино: «Орзулар ортида»
05.45 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони»
7.30 «Тараннум»
8.10 «Ғолиб». Т/с.
8.45 «Қиш хаёли»
8.55 «Алпомиш авлодлари»
9.00 «Ошин». Т/с
9.50 «UzEX»
9.55 «Бугундан эсдалик»
10.00 «ДАВР».
10.10 «Ёшлар-FM»
10.30 «Шимолий Қутб экспресси». М/ф.
12.00 «Қалпоқ». Ҳажвия.
12.25 «Онажон қишлоғим».
12.30 «Тошкентнома»
12.50 «UzEX».
12.55 «Кун тартиби»
13.00 «ДАВР»
13.10 «Эверест»
13.45 «Ҳарбийлар»
13.50 «Соғинч қорлари»
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.45 «Қишлоқдаги тенгдошим».
15.00 «Ўзбегим матолари»
15.20 «Мўйқалам сеҳри».
15.50 «Аёлга таъзим»
15.55 «Ватан ҳимоячилари».
16.00 «ДАВР»
16.10 «Болалар илҳоми»
16.15 «Болалар табассуми»
16.20 «Меҳмонхона».
16.40 «Мультипанорама».
17.00 «Ёшлар майдони»
17.30 «Дон Кихот болалари» Б/ф.
18.45 «Қорли наволар»
18.55 «Ватан хизматида»
19.00 «ДАВР»
19.30 «Диёнат». Б/ф.
20.10 «Айланай...»
20.35 «Ёшлар киноси»
20.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
21.35 «Эълонлар»
21.40 «Янги йил наволари»
21.55 «Алпомиш авлодлари»
22.00 «ДАВР»
22.30 «Зўраки ногирон» Б/ф.
00.20 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес «Пойтахт».
8.35 «Дил пайванди». Миллий сериал. 18-қисм.
9.00 «Телекурьер-маркет»
9.20 «Тошкентда латифа»
9.30 «Пойтахт»
9.40 «Аёл қалби»
9.55 «Ўйларим»
10.00 «Мусиқа SMS»
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» (рус)
10.40 Т/с «Милагрос» (рус)
11.10 «Репортаж» (рус).
11.25 «Афиша» (рус)
11.35 Кино: «Афоня»
13.10 «Открытая дверь»
13.40 «Тошкент-2200». (рус)
13.45 Мультфильм: «Ледниковый период 2»
15.20 «Юртим жамоли»
15.40 «Мулоҳаза учун мавзу»
16.10 «Саломат бўлинг»
16.25 Кино. «Чавандоз»
17.55 «Афиша»
18.05 «Ягонамсан, Тошкентим»
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Тошкент-2200»
18.30 «Пойтахт»
18.55 «Дил пайванди». Миллий сериал. 19-қисм.
19.25 Бизнес «Пойтахт».
19.30 «Мусиқа SMS»
19.50 «Интервью»
20.00 «Пойтахт» (рус)
20.20 Бевосита мулоқот.
21.05 «Жозиба»
21.30 «Пойтахт»
21.50 «Тошкентда латифа».
21.55 «Телекурьер-маркет»
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Мысли вслух».
22.30 «Пойтахт» (рус)
22.55 Кино. «Непобедимый»

## «Sport»

8.00 «Хабарлар» (рус)
8.20 «Бодрое утро»
9.20 «Тет-а-тет»
9.30 Мультфильм.
10.00 «Хабарлар»
10.20 Х/ф «Огонь, вода и медные трубы».
11.40 «Фоторевю»
12.00 Футбол-2008.
13.40 – 14.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
18.00 «Маҳалламиз паҳлавонлари»
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.50 «Японские национальные игры». Документальный фильм.
19.00 «Стиль».
19.20 Автоспорт.
20.05 «Ring-да Муҳаммад Али – Жорж Формен.
20.40 «Монтекристо»
21.30 «Хабарлар»
21.50 Интерфутбол.
23.25 Х/ф «Приходи на меня посмотреть»
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

6.00, 10.00, 12.00, 18.00 Новости.
6.10 «Звезды эфира»
6.35 Фильм «Белые волки»
8.20 «Играй, гармонь любимая!»
9.00 «Слово пастыря»
9.15 «Здоровье»
10.20 Смак.
10.55 «Наталья Крачковская. Знойная женщина, мечта поэта».
12.10 Фильме «Анна Каренина»
14.50 «Василий Лановой. И страсть, и слезы, и любовь...»
15.55 Детектив «Живописная авантюра»
18.10 Праздничный концерт к Дню спасателя.
19.50, 21.20 «Ледниковый период».
21.00 Время.
23.05 Фильм «Плохие парни»
1.10 Комедия «Миссис Хендерсон представляет»
2.55 Комедия «Мужья и жены»
4.35 Т/с «Акула».

## «Россия»

5.35 Комедия «Вечерний лабиринт»
6.50 Вся Россия.
7.00 Сельский час.
7.30 Диалоги о животных.
8.00, 11.00, 14.00, 20.00 Вести.
8.20 «Военная программа»
8.45 Субботник.
9.25 Мультфильмы.
9.30 Фильм «Маленькие беглецы»
11.20 «Формула власти»
11.50 «Очевидное-невероятное»
12.20 Комната смеха.
13.10 «2012. Сбудутся ли пророчества майя?»
14.30 Фильм «Счастье по рецепту»
16.30 Юбилейный вечер Е. Петросяна «60 лет в обед»
20.40 НОВОГОДНИЙ ГОЛУБОЙ ОГОНЕК - 2009.
23.40 Комедия «Вилла раздора, или Танец солнечного затмения».
1.15 Фильм «Водопад ангела».
3.10 Горячая десятка.
4.00 Боевик «Кровавый полет».

## НТВ

5.30 Сказка «ВИЛЛИ ВОНКА И ШОКОЛАДНАЯ ФАБРИКА»
7.05 Мультфильмы.
7.30 Сказки Баженова.
8.00, 10.00, 13.00, 19.00 Сегодня.
8.20 Лотерея «Золотой ключ».
8.45 «Без рецепта».
9.20 Смотр.
10.20 Главная дорога.
10.55 «Кулинарный поединок»
12.00 Квартирный вопрос.
13.25 Фильм «ЕСЛИ НАСТУПИТ ЗАВТРА».
19.25 Профессия - репортер.
19.50 «Программа максимум».
20.45 «Русские сенсации»
21.30 Ты не поверишь!
22.05 Детектив «СКВОЗНЫЕ РАНЕНИЯ»
0.05 «НТВ. ДНИ ТВОРЕНИЯ». Док. фильм.
1.05 Фильм «МУМИЯ»
2.30 «Дас ист фантастиш»
2.50 Фильм «ЖУКИ»
4.15 Т/с «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА»
4.55 Т/с «БЕЗ СЛЕДА-5».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00 Х/ф «СТАРЫЙ НОВЫЙ ГОД».
14.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
16.00 Х/ф «ДОЛИНА ЛАВИН».
18.00 Х/ф «ПОБЕГ ИЗ ШОУШЕНКА».
21.00 Док. фильм «С поправкой на неизвестное»
22.00 Док. фильм «Правда об НЛО: Великобритания»
23.00 Х/ф «ЛЕДЕНЕЦ».
1.00 Х/ф «АГЕНТ ПРИШЕЛЬЦЕВ».
3.00 Х/ф «ЛЕТОПИСЬ ОСИРИСА».
5.00 Х/ф «ГАМЕРА-3: МЕСТЬ ИРИС».
7.00 Комната страха.

## ТНТ

6.00 «НОЙ ЗНАЕТ ВСЕ». Т/с.
7.00 Мультфильмы.
8.15 «САША + МАША». Комедия.
9.00, 21.00, 1.40 «Дом-2. Город любви».
10.00 «Школа ремонта».
11.00 «Пропавшие». Док. фильм.
12.00 «Тело на заказ». Док. фильм.
13.00 Клуб бывших жен.
14.00 «Cosmopolitan». Видеоверсия.
15.00 «Возможности пластической хирургии».
16.00 «ПАТРИОТ». Драма.
19.30 «Женская лига: парни, деньги и любовь». Комедия.
20.00 «Битва экстрасенсов».
22.00 «Комеди Клаб».
23.00 «Наша Russia». Комедия.
23.30 «Убойная лига».
0.40 «Убойной ночи».
1.10 «Секс».
3.05 «Необъяснимо, но факт».
4.00 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Мелодрама.

## СТС

8.00 «ЧИТА ГЕРЛЗ». Х/ф.
9.50, 12.45, 15.00 Мультфильмы.
11.00 «Детские шалости».
13.10 Кино «ПРИНЦЕССА ЛЬДА».
18.00 «6 кадров».
19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
20.00 «Самый умный». Кадр.
22.00 Кино «ПОМЕНЯТЬСЯ МЕСТАМИ».
0.15 «6 кадров».
1.00 «Слава богу, ты пришел!»
2.00 Фильм «Как выжить в современном мире».
4.15 Кино «БЫТЬ СТЕНЛИ КУБРИКОМ. СЛЕГКА ПРАВДИВАЯ ИСТОРИЯ».
5.50 Кино «ВОЗМЕЗДИЕ».

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 Как уходили кумиры.
10.00 Тысяча мелочей.
10.20 Неотложная помощь.
10.30 Мультфильмы.
13.30 Фильм «ЗМЕЕЛОВ».
15.30 Как уходили кумиры.
16.30 Х/ф «ЛЕГЕНДА О ЗВЕРЕ».
18.30 Судебные страсти.
20.30, 2.30 «Приговоренные пожизненно».
21.00, 2.00 Брачное чтиво.
22.00 Фильм «ФАРА».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК».
1.00 Детектив на ДТВ. «ПРАВОСУДИЕ ДЕКСТЕРА».
3.00 Х/ф «ЛЕГЕНДА О ЗВЕРЕ».
5.00 Клуб детективов.
7.00 Каламбур.

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
11.05, 21.05 Классика: NHL.
12.05 KOTV: классика бокса.
13.05, 20.05, 23.05, 2.20 NBA Live!
13.20, 18.05, 22.35, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
13.35, 20.20 Охота в Новом Свете.
14.05, 22.05 Диалоги о рыбалке.
14.20 Мир подводной охоты.
14.35 Под водой с...
15.05 Автоспорт России.
15.20 Motor World.
16.05 Настольный хоккей.
16.20 Volvo Ocean Race.
17.05 Off-Road Drive.
17.20 Wrestling: опасная зона.
18.20 Ралли - рейды России.
18.35 Звезда автострады.
19.05 Классика: Премьер-лига.
19.35 Киберспорт.
20.35 История NHL.
22.20 Zero Gravity.
23.20 Американский футбол.
0.05 Пул.
1.05 Покер.
2.35, 6.15 Outrageous and Courageous.
3.05 Шоу «Ночной выигрыш».
4.05, 5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!
6.30 Спортивная неделя Подмосковья.
6.45 Спорт собак.

## «O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 Миллий кино: «Танка» 2-қисм.
7.45 «Болалик қўшиқлари».
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.35 «Бизнинг кутубхона».
8.45 «Алиса ғаройиботлар мамлакатида». М/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир хунар».
10.35 «Ойдин хаёт». Ток-шоу.
11.20 «Ҳамон ёдимда...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «КиноТеатр».
13.25 Ҳинд киноси: «Гоҳи шодлик, гоҳи ғам».
16.55 ТВ - анонс.
17.00 «Ҳажвия бисотидан».
«Болалар сайёраси»:
17.20 «Дангаса». М/ф.
17.45 «Очун».
17.50 Ўзбек опера санъати юлдузлари концерти.
18.20 ТВ - анонс.
18.25 Миллий кино: «Қиш эртаги».
19.30 «Таҳлилнома». (рус).
20.00, 20.55 Эълонлар.
20.05 ТВ - анонс.
20.10 Т/с «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ - анонс.
21.50 «Заковат».
22.50 «Уйга қайтиш». Б/ф.
00.10 - 00.20 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ҳикмат бешиги».
00.45 «Минг бир хунар».
01.00 «Таҳлилнома». (рус).
01.30 ТВ - анонс.
01.35 «Ойдин хаёт». Ток-шоу.
02.20 Ўзбек опера санъати юлдузлари концерти.
02.50 «Заковат».
03.50 «Нафосат олами».
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Миллий кино: «Хотира рашки».
05.40- 05.55 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» салони»
7.00 «Жумонг». Т/с.
8.10 «Қорли наволар».
8.25 «Алпомиш авлодлари».
8.30 «Беляночка ва Розочка». Б/ф.
9.40 «Якшанба нонуштаси».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Мультипанорама».
11.30 «Болалар давраси».
12.00 «Эртаклар оламида».
13.20 «Рўзғор мактаби».
13.50 «Соғинч қорлари».
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.45 «Телетуҳфа».
14.50 «Қиш хаёли».
15.00 «Диенат». Б/ф.
15.40 «Унутилмас оҳанглар».
16.10 «Камолот».
16.20 «Эверест».
16.55 «Болалар табассуми».
17.00 «Лабиринт». Б/ф.
18.35 «Ҳарбийлар».
18.40 «Янги йил наволари».
18.55 «Ватан ҳимоячилари».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Ўтган кунлар». Б/ф.
21.00 «13-студия».
21.20 «Қиш хаели».
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 «Дарз». Б/ф.
00.00 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Дил пайванди». Миллий сериал. 19-қисм.
9.00 «Телекурьер - маркет».
9.15 «Анонс».
9.20 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Афиша».
9.50 «Интервью».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.20 «Анонс».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Анонс».
10.45 Индийское кино: «Как Боссу утерли нос». 1-2-серии.
13.30 «Мысли вслух».
13.35 «Телекурьер-маркет».
13.50 «Анонс».
13.55 Мультфильм: «Делай ноги».
15.45 «Истеъдод».
16.00 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан: «Менинг шаҳрим».
16.15 «Телекурьер - маркет».
16.30 Мультфильм: «Простоквашиналик учовлон».
17.20 «Жозиба».
17.40 «Нима учун?»
18.25 «Саргузаштлар ороли».
18.50 «Анонс».
18.55 «Дил пайванди». Миллий сериал. 20-қисм.
19.25 «Телекурьер-маркет».
19.45 «Тошкентда латифа».
19.55 «КИНОТАҚДИМ».
20.25 «Открытая дверь».
20.55 «Мысли вслух».
21.00 «Анонс».
21.05–22.50 Кино SMS со звездами: «Перевозчик 3», «Случайный муж», «Напряги извлины».

## «Sport»

8.00 «Хабарлар» (рус)
8.20 «Бодрое утро».
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар»
10.20 Х/ф «Варвара - краса, длинная коса».
11.45 «Аптека слушает».
12.30 Цирк в Монте Карло.
13.30 – 13.50 «АВТОграф».
18.00 Мультфильм.
18.15 «Тет-а-тет».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.25 Х/ф «Небесные ласточки».
21.30 «Талқин».
22.00 «Профринг».
23.00 Интерфутбол.
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

6.00, 10.00, 12.00, 18.00 Новости.
6.10 «Звезды эфира».
6.35 Комедия «Спортивная честь».
8.40 Армейский магазин.
9.10 Умницы и умники.
10.20 «Непутевые заметки».
10.35 «Пока все дома».
11.25 Фазенда.
12.10 «Секс-символы. Российские звезды. Мужчины».
13.10 Комедия «Барышня-крестьянка».
15.05 «Фамилия. Равикович».
16.30 «Элька». Фильм.
18.10 «Проводы Старого года».
21.00 «Время».
22.00 «Последний герой: Забытые в раю».
23.15 Комедия «Миллионер поневоле».
0.55 Комедия «Старый Новый год».
3.20 «Принцесса вампиров».
4.00 Профилактика.

## «Россия»

5.35 Комедия «Берегите женщин».
8.00 Сам себе режиссер.
8.45 Утренняя почта.
9.20 Мультфильмы.
11.00, 14.00, 20.00 Вести.
11.50 «Городок».
12.20 «Сто к одному».
13.15 Парламентский час.
15.00 «Честный детектив».
15.30 «Разбитые мечты актрисы Никищихиной».
16.20 Комедия «Смокинг по-рязански».
18.10 «Смеяться разрешается».
21.05 «Золотая рыбка». Комедия.
23.10 Фильм «ТРИ ПОЛУГРАЦИИ».

## НТВ

5.30 Детектив «СКВОЗНЫЕ РАНЕНИЯ».
7.05 Мультфильмы.
7.30 «Дикий мир».
8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня.
8.20 Лотерея «Русское лото».
8.45 Их нравы.
9.25 Едим дома.
10.20, 19.55 Чрезвычайное происшествие.
10.55 «Quattroruote».
11.25 Авиаторы.
12.00 Дачный ответ.
13.25 Боевик «ВОЛКОДАВ».
15.05 Своя игра.
16.20 Борьба за собственность.
17.00, 3.05 Т/с «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
19.25 Чистосердечное признание.
20.30 «Главный герой».
21.35 Комедия «ЭВАН ВСЕМОГУЩИЙ».
23.20 Фильм «РОКОВОЕ ВЛЕЧЕНИЕ».
1.30 Фильм «ДОЛИНА ЛАВИН».
4.40 Т/с «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА».
5.20 Т/с «БЕЗ СЛЕДА-5».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00 Х/ф «МОЙ НАУЧНЫЙ ПРОЕКТ».
13.00 Док. фильм «Разрушители мифов».
14.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
16.00 Док. фильм «Городские легенды. Передвинуть улицу. Тайна Тверской».
17.00 Док. фильм «Городские легенды. «Летучий голландец» Ладожского озера».
18.00 Док. фильм «Городские легенды. Двойная жизнь Невского проспекта».
19.00 Док. фильм «Городские легенды. Тайный ход «Лужников».
20.00 Док. фильм «Городские легенды. Перенестись в прошлое. Байкальские миражи».
21.00 Док. фильм «Городские легенды. Магическая сила Крымского моста».
22.00 Док. фильм «Правда об НЛО: Канада».
23.00 Х/ф «ШТОРМ».
1.30 Х/ф «ТРИО».
3.45 Х/ф «МАЛХОЛЛАНД ДРАЙВ».
7.00 Комната страха.

## ТНТ

6.00 «НОЙ ЗНАЕТ ВСЕ». Т/с.
7.00 Мультфильмы.
8.15 «САША + МАША». Комедия.
9.00, 21.00, 1.35 «Дом-2. Город любви».
10.00 «Школа ремонта».
11.00 «Меня не любят родители». Док. фильм.
12.00 Клуб бывших жен.
13.10 «ПАТРИОТ» Драма.
16.25 «ФИЛАДЕЛЬФИЯ» Драма.
19.00, 23.00 «Женская лига: парни, деньги и любовь». Комедия.
20.00 «Битва экстрасенсов».
22.00 «Комеди Клаб».
23.30 «Смех без правил».
0.30 «Убойной ночи».
1.05 «Секс».
3.00 «Необъяснимо, но факт».
3.55 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Мелодрама.
5.45 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

8.00 «ЧИТА ГЕРЛЗ-2». Х/ф.
9.55, 15.00 Мультфильмы.
11.15 «Самый умный».
13.00 «Галилео». Журнал.
14.00 «Снимите это немедленно!»
18.00 «6 кадров».
19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
20.00 «6 кадров».
20.15 Кино «БЕТХОВЕН-5».
22.00 Кино «1408».
0.00 «6 кадров».
1.00 «Хорошие шутки».
3.00 Кино «КЛУБ «ЗАВТРАК».

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 Как уходили кумиры.
10.00 Тысяча мелочей.
10.20 Предприниматель.
10.30 Мультфильмы.
13.30 Фильм «ПРЕФЕРАНС ПО ПЯТНИЦАМ».
15.30 Как уходили кумиры.
16.30 Х/ф «ЭРА ВАМПИРОВ».
18.30 Судебные страсти.
20.30, 2.30 «Приговоренные пожизненно».
21.00, 2.00 Брачное чтиво.
22.00 Фильм «ШИК».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК».
1.00 Детектив «ПРАВОСУДИЕ ДЕКСТЕРА».
3.00 Х/ф «ЭРА ВАМПИРОВ».
5.00 Клуб детективов.
7.00 Каламбур.

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
11.05 Классика: NHL.
12.05, 4.05, 5.05 KOTV: классика бокса.
13.00 Game Sport.
13.10, 20.10, 23.10, 2.20 NBA Live!
13.30, 18.10, 22.40, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
13.40 Киберспорт.
14.00 X-Games.
15.00 Спортивные танцы. Кубок имени Николая Озерова.
16.00 Предельная глубина.
16.10 Море дайвинга.
16.30 Мир подводной охоты.
16.40 Основной инстинкт.
17.00 Под водой с...
17.10 Американский футбол.
17.40, 6.30 Wrestling: опасная зона.
18.30 X-treme 99,9.
19.30 Диалоги о рыбалке.
19.40 Бега и скачки.
20.30 Клуб покорителей пространства.
20.40 Motor World.
21.10 Картинг.
21.30 Off-Road Drive.
21.40 Диагноз: горы.
22.00 Ралли - рейды России.
22.10 Volvo Ocean Race.
23.00 Overdrive.
23.30 Настольный хоккей.
23.40 Настольный футбол.
0.00 IndyCar. Обзор сезона.
1.05 Покер.
2.35, 6.15 Outrageous and Courageous.
3.05 Хоккей с мячом. Чемпионат России. «Зоркий» (Красногорск) - «Динамо» (Москва).
6.05 Только не это!

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАДИМГИ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

Марказий Осиё халқлари ўзларининг минг йиллар давомида шаклланган оламшумул сиёсатлари, маънавий баркамол давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги ва сиёсати тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Бутун дунёда бўлгани каби Марказий Осиёда ҳам давлатчилик инсоният тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлди.

Инсониятга маълум бўлган дастлабки давлатлар эрамиздан аввалги 6-5 минг йилдан 2 минг йилгача дунёнинг турли географик минтақаларида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда (одатда, йирик дарёларнинг водийларида) пайдо бўлди ва маданий цивилизация марказларига айланди.

Марказий Осиёдаги икки дарё оралиғи –Амударё (қадимги Окс) ҳамда Сирдарё (қадимги Яксарт) дарёлари оралиғидаги ҳудудларда кўпминг йиллар давомида деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг юқори даражага кўтарилиши натижасида қадимги давлатлар пайдо бўлди ва ривожланди. Бу жойда юзага келган давлатлар қадимги даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам Марказий Осиёнинг бошқа қисмларидаги давлатлардан ўзига хос белгилари билан ажралиб турган. Шунингдек, Марказий Осиёдаги бу ҳудуднинг шимолий томони (Хоразм) ва жанубий томони (Бақтрия)да этник ҳамда маданий, тил ва ёзув, давлат бошқаруви тизими жиҳатларига кўра бир-биридан фарқ қилган.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида Марказий Осиё аҳолиси тўрт гуруҳга бўлинган: зодагонлар, ҳарбийлар, зироатчилар ва ҳунармандлар. Бу даврда уруғ-қабила бошлиқларининг нуфузи ўсиб боради. Айниқса, отадан ўғилга мерос бўлиб қоладиган, ҳарбий йўлбошчиларнинг обрў-эътибори кучайиб кетади. Шундай қилиб, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари бўлган деҳқончилик, чорвачилик ҳамда ҳунармандчиликнинг ривожланиши уруғ ва қабилалар ичида айрим тўқ оилаларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Уруғ-жамоалар орасида мунтазам бўлиб турадиган ҳарбий тўқнашувлар шароитида уруғ-қабила бошлиқларининг таъсири кучаяди. Жамият энди ҳарбий демократия қонун-қоидалари асосида яшай бошлайди. Ҳарбий демократия – давлатга ўтиш даврининг бошқарув шакли бўлиб, уни ҳарбийлар ва қабила бошлиқлари бошқарганлар.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да эътироф этилишича, жамиятда бошқарув тизими оқсоқоллар кенгаши, халқ йиғини ва айрим вилоят ҳамда туман ҳукмдорларидан иборат бўлган. Вужудга келаётган давлат тузилишига аҳолининг уруғ-қабилавий хусусиятлари эмас, ҳудудий белгилари асосида бўлинган. Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги IX-VIII асрларда жамият тузилиши ана шу тахлитда бўлиб, илк давлат бирлашмалари ривожланишининг бошланиш даври эди. Бу жараён аҳоли жойлашган ерларни, деҳқончилик билан машғул воҳаларни душмандан ҳимоя қилиш заруриятидан келиб чиққан. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги VII-VI асрларда Ўзбекистон ҳудудида сўғдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагет элатлари яшаганлар. Зарафшон ва Қашқадарё водийсида деҳқончилик билан шуғулланувчи суғдийлар истиқомат қилишган. Суғдийларнинг энг яқин қўшнилари бақтрияликлар бўлиб, уларнинг юрти Сурхон водийси, Афғонистоннинг шимоли, Тожикистоннинг жанубий ҳудудлари эди. Амударёнинг қуйи оқимида яшовчи ўтроқ деҳқон элатлари хоразмликлар бўлган. Саҳрода ва Амударё бўйларида кўчманчи массагет қабилалари яшаганлар. Марказий Осиёнинг тоғлик, чўл ва саҳро ерларида асосий машғулоти чорвачилик бўлган саклар истиқомат қилишган.

Ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши натижасида милоддан аввалги VII-VI асрларда қадимги шаҳарлар ривожланган. Қадимий шаҳарларга хос умумий белги уларнинг мудофаа деворлари билан ўралганлигидир. Шаҳарда ҳоким яшайдиган қалъа бўлган. Қалъада катта сарой жойлашган. Шаҳарларнинг бир гуруҳи савдо ва ҳунармандчилик марказлари бўлса, бошқалари алоҳида туман ва вилоятлар марказлари ҳисобланган. Масалан Қизилтепа шаҳри мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралиб, девор сув тўлдирилган хандақ билан иҳоталанган. Деворнинг буржлари ва ўқ отиш учун махсус жойлари бўлган. Шаҳар ичкарисида хонадонлар ва ҳунармандчилик устахоналари жойлашган.

Ўзбекистоннинг милоддан аввалги VII-VI асрларда ташкил топган энг қадимги давлат бирлашмалари Қадимги Хоразм ва Қадимги Бақтрия давлатларидир. Қадимги Бақтрия давлатининг таркибига Марғиёна ва Сўғдиёна ҳам кирган.









Шунинг учун у қадимги бир-бирига қариндош бўлган элатларнинг давлат бирлашмаси дейилган. Шунингдек, Қадимги Бақтрия давлати таркибига Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон водийлари ҳам кирган. Қизилтепа, Узунқир, Еркўрғон ҳамда Афросиёб ўрнида Бақтрия ва Сўғднинг марказий шаҳарлари жойлашган. Бу шаҳарлар Ўзбекистон ҳудудида энг қадимгилари бўлиб уларнинг ёши 2700 йилдан кам эмас.

Иккинчи қадимги давлат Хоразм ҳудудида ташкил топади. Бу давлат Хоразмдан ташқаридаги ерларни ҳам бирлаштирган эди. Қадимги Хоразмнинг марказларидан бири Кўзалиқир шаҳри бўлган. У қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Унинг деҳқончилик билан машғул бўлган аҳолиси турли хил уй-қўрғонларда ва қишлоқларида яшаган. Қадимги Хоразмда ҳунармандчилик, бинокорлик ва савдо-сотиқ юксак даражада ривожланган.

Милоддан аввалги IX-VII асрларда Ўзбекистон ҳудудида илк темир асрига ўтиш бошланган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда бу ерда қадимги йирик давлатлар мавжуд бўлган. Шаҳарларда ҳунармандчилик ҳамда савдо тараққий этган. Қадимги Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқалар ўрнатилган. Давлатчилик тараққиёти маҳаллий аҳолининг юксак даражада ривожланган зироатчилигига асосланган эди.

Қадимги даврлар тарихини ўрганган олим И. Ртвеладзенинг маълумотига кўра, давлатчиликнинг илк шакли қарор топиши Ўзбекистон жанубида тарқалган сўнгги бронза даврининг ўтроқ деҳқончилик маданиятига асосланади. Унинг якунланиши эса Марказий Осиё ҳудудида эрамизнинг III асри биринчи ярмида мавжуд бўлган Кушон ва Парфия империялари ҳалокати билан деярли бир вақтга тўғри келади. Қанғ давлати ҳам тахминан ўша пайтда инқирозга учрайди.

Шуни ҳам эътироф этиб ўтиш керакки, милоддан аввалги иккинчи мингйилликнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон жанубида давлат кўринишидаги тузилма қарор топади. Давлатнинг бундай намунаси Жарқўтон (Сурхондарё)да вужудга келган эди. Лекин бу маълумотлар давлатлар тарихини белгиловчи олимлар томонидан тасдиқланмаган. Агар ушбу маълумотлар ўз тасдиғини топгудек бўлса, бизнинг ҳудудимиздаги давлатларнинг ёши ҳам Месопотамия ва Мисрда ташкил топган давлатлар ёшига тенглашиб қолади. Шунингдек, айрим манбаларда Қадимги Бақтрия ва Катта Хоразм давлатларига ўхшаш йирик ҳудудий ёки сакларда бўлгани каби (Зарина, Тўмарис) аёл ҳукмдорлар бошчилигидаги қабилалар ҳам худди шу пайтларда мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотларни учратамиз.

Милоддан аввалги (540 –330 йилларда) Аҳамонийлар босқини ва Марказий Осиёнинг Аҳамонийлар давлати таркибига кириши туфайли, Марказий Осиёда ташкил топган қадимги давлатларда маҳаллий давлатчиликка хос анъаналар ривожланмай қолади.

Аҳамонийлар салтанатининг барҳам топиши Искандар Зулқарнайннинг босқини натижасида юз беради. Искандар вафотидан сўнг Марказий Осиё ҳудудлари Салавкийлар давлати (милоддан аввалги 312 – 250 йиллар) таркибига кирган. Бироқ милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида Бақтрия сатрапи Диододнинг салавкийларга қарши кўтарган қўзғолони натижасида Салавкийлар давлати парчаланиб кетади ва Юнон-Бақтрия деб номланган мустақил давлат ташкил топади.

Юнон-Бақтрия давлатини Диододдан сўнг унинг ўғли Евтидем бошқаради. Евтидемнинг ўғли Деметрий даври (милоддан аввалги 199 – 167 йиллар)да Юнон-Бақтрия подшолиги ўз тараққиётининг юқори чўққисига кўтарилади. Бу давлат Ҳиндистоннинг бир қисмини ҳам ўз таркибига қўшиб олади. Парфияда ҳокимият Митридат I қўлига ўтгандан сўнг Бақтрияга бўлган ҳарбий тазйиқ кучаяди. Шундай қилиб, Митридат I Марғиёнани босиб олади. Бир оз вақт ўтгач, Суғдиёна Бақтриядан ажралиб чиқади. Юнон – Бақтрия подшолиги тинимсиз ўзаро урушлар олиб боради. Бу ҳол унинг кучсизланишига сабаб бўлади. Бундан фойдаланган кўчманчи юэчжи қабилалари милоддан аввалги 140 – 130 йилларда Юнон-Бақтрия давлатини босиб олади. Шундай қилиб Юнон – Бақтрия давлати 120 йил мавжуд бўлади.

Милоддан аввалги IV – III асрларда Марказий Осиё ҳудудида Қанғ, Хоразм, Довон (Фарғона) каби давлатлар ташкил топади. Ана шу қадимги давлатлар орасида Қанғ давлатининг ҳам ўзига хос ўрни бор эди. Хитой манбаларга асосланадиган бўлсак, бу давлат миллоддан аввалги III асрда ташкил топади. Қанғ давлати ҳозирги Тошкент воҳаси, Чимкент вилояти ва Сирдарё ҳавзаси ерларини эгаллаган. Давлатнинг пойтахти Қанғдез бўлиб, Хитой тарихчилари бу шаҳарни Битян деб аташган. Қанғ давлати милоддан аввалги II аср охирига келиб энг қудратли давлатга айланади. Милоддан аввалги аввалги IV асрга келиб, Хоразм аҳамонийлардан ажралиб чиқади ва мустақил давлатга айланади. Милоддан аввали III – II асрларда Хоразм Марказий Осиёнинг йирик давлатлари – Юнон-Бақтрия ва Парфия таркибига ҳам кирмаган. Бу ҳол Хоразмда ўзига хос маданиятнинг вужудга келишида муҳим омил бўлади. Жонбосқалъа, Қўйқирилганқалъа ёдгорликлари мазкур маданият намуналаридандир. Қўйқирилганқалъа харобалари остидан айлана шаклда қурилган мустаҳкам ибодатхона қолдиқлари топилган. Шунингдек, астроном олимларнинг фикрига кўра, бу ерда улкан расадхона бўлиб, юлдуз ва сайёралар ҳаракати кузатилган.

Хоразм ҳудудида Марказий Осиё бўйича энг қадимги ёзувлар топилган. Ойбуйирқалъа (милоддан аввалги V-IV асрлар) ёдгорлигида хум сиртига чекилган маҳаллий ёзув топилди. Қўйқирилганқалъада ҳам баъзи ёзув намуналари аниқланган Улар милоддан аввалги IV – III асрларга оиддир. Хоразмдаги Тупроққалъа ёдгорлигини ўрганишда оромий ёзуви асосидаги бутун бир архив ҳужжатлари топилган.

Довон – (Қадимги Фарғона, Хитой манбаларида бу ўлка шу ном билан тилга олинади, бошқа манбаларда эса Паркана дейилган) давлати тахминан, милоддан аввалги III асрдан милоднинг II асрларигача мавжуд бўлган. Бу давлат тарихи ҳақидаги батафсил маълумот Хитой йилномаларида учрайди ва улар милоднинг I-II асрларига доирдир. Хитой тарихчисининг ёзишича, бу давлат аҳолиси 70 дан ортиқ шаҳарларда истиқомат қилган. Масалан, Довонда бўлган хитой сайёҳи Чжан Цян: "Довон диёрида 70 тача катта-кичик шаҳар бор, аҳолисининг сони бир неча юз мингга етади. Ўқ-ёй ва найзалар билан қуролланишган. Халқи от чоптириб ўқ отишга моҳир", деб ёзади.

Хитой ҳукмдорлари бир неча бор Довонни босиб олмоқчи бўладилар, бироқ уларнинг барча ҳаракатлари беҳуда кетади. Хитой ҳукмдорларини кўпроқ Фарғонанинг наслдор отлари қизиқтирарди.

Милоддан аввалги 140-130 йилларда юэчжи қабилалари шимоли-шарқдан келиб, Юнон-Бақтрия давлатининг юнонлар зулмидан озод бўлишига ёрдам бердилар ва шу ерда ўрнашиб қолдилар. Улар деҳқончиликни яхши билар эдилар. Юз йил ичида юэчжилар беш оилага бўлиниб кетдилар: Гуйшуан, Шуанми, Хисми, Хюми, Хуанми. Сўнгра Гуйшуан қабиласи қолган қабилалар ерларини эгаллайди. Гуйшуан (Кушон) қабиласининг бошлиғи Кудзула Кадфиз янги Кушон давлатига асос солади ва унинг ҳукмдорига айланади. Унинг дастлабки пойтахти Далварзинтепа ёдгорлиги ўрнида бўлган (Сурхондарё вилояти) Кудзула Кадфиз ҳукмронлиги даврида Афғонистон ва Кашмир Кушон давлати таркибига қўшиб олинган. Унинг ўғли Вима Кадфиз даврида Кушон давлати янада кенгаяди. Подшо Канишка замонида пойтахт Пешоварга кўчирилади ва энг қудратли давлатлардан бирига айланади.

Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Хитой давлатининг элчиси Чжан Цяннинг ташриф буюриши, Марказий Осиё билан Хитой ўртасида мунтазам дипломатик ва савдо муносабатлариниг ўрнатилишига олиб келади. Цивилизация тарихида биринчи марта Хитой элчиси юрган йўллар бўйлаб, Ғарб ва Шарқ мамлакатларини бирлаштирган қитъалараро «Буюк Ипак йўли»нинг қарор топиши, қадимги давлатларнинг савдо, дипломатик муносабатларни ўрнатишларига имконият яратади.

Милоднинг III – IV асрларига келиб, Марказий Осиё давлатчилиги тарихида катта из қолдирган Кушон ва Парфия империялари ҳалокатга учради. Кўплаб майда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, хионийлар кидарийлар ва эфталийлар каби кўчманчи қабилаларнинг бостириб кириши ҳамда қадимги ижтимоий формациянинг емирилиши, иқтисодиёт, моддий ва маънавий маданиятнинг муайян даражада тушкунликка юз тутиши Марказий Осиёдаги қадимги давлатларнинг барҳам топишига олиб келади. Шундай қилиб, милоднинг IV – V асрларига келиб Марказий Осиё ҳудудларида Хоразм, Хионийлар, Кидарийлар ва Эфталийлар каби қатор феодал давлатлар вужудга келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 130 йиллик (XIX асрнинг 60-йилларидан – 1991 йилгача) айниқса сўнгги бир неча авлод наздида давлат, давлатчилик тушунчалари батамом унут бўлган эди. Мустақиллик туфайли 1991 йилнинг 31 августидаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида" Олий Кенгаш қарори, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нақадар тарихий аҳамиятга эга эканлигини юртимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳеч қачон унутмайди, албатта. Истиқлол – миллий давлатчиликнинг тикланишини, халқимизнинг ўтмишини, ижтимоий-сиёсий тараққиётини ҳеч бир мафкуравий ақидаларсиз ўрганиш ва ёритиш имкониятларини берди.

**Ибодулла ҚЎНҒИРОВ,**
**тарих фанлари номзоди,**
**доцент.**

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

# ҲАМКОРЛИКДА КУРАШЯПМИЗ

**Бугунги кунда одам савдоси дунёдаги энг глобал муаммо бўлиб қолмоқда. Бу жиноят олинадиган даромад бўйича гиёҳвандлик моддалари ва қурол-яроғ билан савдо қилишдан кейин учинчи ўринда туради. Маълумотларга кўра, йилига жаҳонда 2,5 миллиондан зиёд киши ушбу уюшган жиноятчиликдан жабр кўраяпти. Республикамизда ҳам «чет элга ишга юбораман» деб, баъзи ишонувчи шахсларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдираётган фирибгарлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Самарқанд вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ одамлар савдосига қарши курашиш бўлими томонидан ҳам жамиятдаги ана шу иллатга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир.**

– Фирибгарларга «ўлжа» бўлиб, кейин аттанг, деб қолганларнинг кўзи кеч очиляпти, – дейди Самарқанд вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ одамлар савдосига қарши курашиш бўлими ЎМИБ катта тезкор вакили, майор Хайрулло Бобоқулов. – Таассуфки, юртдошларимиз орасида ўзга давлатларни орзу қилувчи, мўмай даромад топишни хомхаёл қилганлар ҳам топилади. Бундайлар эса пул учун ҳар қандай қабиҳликдан ҳам тап тортмайдиган шахсларнинг тузоғига осонликча илинмоқда. Аввалига «ҳожатбарорлар» уларнинг ишончига кириб, «холис» хизмат қилиб, ҳужжатларини тўғрилаб, ҳатто самолётга чипта ҳам олиб беришади. Аммо манзилга етиб боргач, уларнинг паспортини тортиб олиб, қулликка ёки фоҳишаликка мажбур қилади. Ёш, ҳали ўнг гулидан бир гули очилмаган қизларни фаҳш ишларга ёки ўз ҳамюртини қул қилиб сотиб юборган кишини ким деб аташ мумкин?

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, фош этиш учун бўлим ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида бир қанча одамфурушларнинг қилмишлари фош қилинди. Жумладан, Пайариқ туманида яшовчи Қ. Дилором ўз жияни С. Зебони Туркияга сотувчи сифатида ишлашга юбораман, деб алдаб БАА-га фоҳишалик қилишга юбораётган пайтда қўлга олинди.

Шунингдек, бўлим ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Самарқанд шаҳрилик Р. Жамила одамларни ишга ёллаш билан шуғулланиб юрганлиги учун ушланди. У Каттақўрғон тумани Ингичка шаҳарчасида яшовчи С. Рамз ҳамда Ғ. Соҳибни Қозоғистонда яхши маош тўланадиган иш бор, деб алдаб Алмати шаҳрига олиб бориб, фуқаролик паспортларини тортиб олади. Уларнинг энига жулдур кийимларни кийдириб, тиланчилик қилиш учун ногиронлик аравачасига ўтказади. «Тиланчилар» ҳар кунлик топган пулларини Р.Жамилага топшириб туришади. Овқатланиши учун арзимас пул олишади. Кунларнинг бирида С. Рамз ногиронлик аравачасида ўтириш жонига тегиб ўрнидан турганида унинг ногирон эмаслигини кўрган киши бу ҳақда полицияга айтади. Олиб борилган суриштирувлар натижасида уларни ким бундай ишга мажбур қилгани ошкор бўлади. Тез орада бели оғримай мўмай пул топиш учун ҳеч нарсадан, ҳаттоки ўз ватандошларини хўрликка маҳкум қилган Р. Жамила қўлга олинди.

Шунингдек, бўлим ходимлари жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди идоралари билан баҳамжиҳатликда салбий ҳолатларга қарши ҳамкорликда курашишмоқда. Вилоят таълим муассасалари, жамоат ташкилотларида ўтказилаётган давра суҳбатларида ҳам одам савдоси, унинг аянчли оқибатлари, жиноят қурбонларига маънавий ва ҳуқуқий кўмак бериш масаласига алоҳида эътибор берилаётир. Вилоят ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда профилактика хизматлари билан ҳамкорликда яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетаётган шахслар қаерга, нима мақсадда, ким билан кетаётганлиги аниқланмоқда ва кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинмоқда.

Дарҳақиқат, «Қинғир ишнинг қийиғи, қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деганларидек, одам савдоси орқали бойлик орттирмоқчи бўлганларнинг қилмишига тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида чек қўйилиши алдов қурбонларига кейинги ҳаётини ўйлаб кўришлари учун имконият яратади. Бундай жирканч савдо қурбонларига керакли кўмак бериш, келгусида жиноятга шерик бўлиб қолмаслик учун етарли йўл-йўриқ кўрсатиш барчанинг инсонийлик бурчидир. Одам савдосига қарши курашиш фақатгина ҳуқуқ-тартибот ходимлари ёки ваколатли вазирлик, ташкилотлар иши эмас, бу барчамизнинг ишимиз. Чунки, бу иллат жамиятимизнинг тараққиётига раҳна солувчи муаммо ҳисобланади.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Самарқанд вилояти.*

ТЕРГОВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

# АЁЛ ДЕЙИШГА ОР ҚИЛАМАН

**Мамлакатимизнинг обод, фаровон бўлишида аёлларнинг алоҳида ҳиссаси бор, албатта. Давлат идоралари, саноат корхоналари, таълим-тарбия, тиббиёт муассасалари, қўйинг-чи, ҳар бир жабҳада эркаклар билан бир қаторда меҳнат қилиб, юрт равнақи учун қўлидан келганча ҳисса қўшишга интилаётган аёллар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо нопок йўллар билан бойлик орттириш, айниқса, кимларнидир разолат ботқоғига итариб юбориш ҳисобига кун кечиришни афзал билиб, бу йўлда ҳар қандай жирканчликлардан қайтмаётган аёлларни кўриб нафратланиб кетасан киши.**

Жиззах вилояти Бахмал туманилик Санталат Ҳожиқулова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва Сирдарё туманида яшовчи Сожида Юсуповани тергов қиларканман, уларга қилган жиноятларининг бошқаларга қандай таъсир кўрсатишини эслатиб турдим. Улар эса «кўзимизга фарзандлар ёки бошқаларнинг болалари эмас, жарақ-жарақ пул кўринди» дейишдан уялишмади.

Улар улгуржи бозордан мева-сабзавот маҳсулотларини кўтарага олиб, чаканалаб сотиб юришган. Топаётган пуллари рўзғорни тебратиш ва бошқа харажатларни қоплаган, албатта. Бироқ бунга қаноат қилмаган бу икки аёл гиёҳвандлик моддасини сотиш пайига тушган.

Албатта, оғуни ҳеч ким текинга бермайди. Санталат болаларининг ризқини қийиб, уч юз минг сўм йиғади. Бироқ самарқандлик «сотувчи» 150 грамм опийни нақд етти юз минг сўмга сотишини айтади. Санталат акасининг ёнига бориб: «Сурхондарёдан арзон картошка келяпти тўрт юз минг сўм керак», дейди. Синглисининг сўзига ишонган ака тўй тараддудида юрганлигига қарамай, жигарим бошқаларга ялинмасин, дея пулни беради.

Санталат келишилган вақтда Жиззах шаҳрининг чекка ҳудудида харидор билан учрашади. Исмини «Шодиёр» деб таништирган йигит пулни санаб олиб, қора елим халтачадаги оғуни аёлга беради.

Бу пайтда Санталатни Бахт шаҳрида дугонаси Сожида кутарди. У аллақачон харидор топиб, пулини ҳам келишиб қўйганди. Агар Санталат 150 грамм опийни етказиб келса, харидор 750 АҚШ долларини нақд санарди. Ниҳоят Санталат етиб келади. Сожида уни кўриб, севиниб кетади. Ахир бир-икки соатда 50 доллар ишласа ёмонми? Аммо Сирдарё тумани ички ишлар бўлими ходимлари аёлларнинг жиноий ишидан аллақачон хабар топганди. Сожида оғуни пуллаётган пайтда далилий ашё билан қўлга олинди. Аввалига аёллар ўзларини айбсиз кўрсатмоқчи бўлдилар. Бу ишдан бехабарман дея кўз ёш қилган Санталат ички ишлар ходимлари томонидан келтирилган далиллар, холис гувоҳлар ва заҳри қотилни кўргач, айбини тан олди.

Айбдорлар жазосиз қолмайди, албатта. Оиласи, фарзандлари кўз тикиб турган аёлларнинг бу қилмишини қандай изоҳлаш мумкин? Дунёда ҳар йили миллионлаб кишилар оғу туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмаётгани сир эмас. Ана шу ажал уруғини сочаётганлар орасида аёл кишининг ҳам борлиги жуда ачинарли.

**Шаҳло НОРҚЎЗИЕВА,**
**капитан.**
*Сирдарё вилояти.*

ИШОНЧЛИ ҚЎМАКЧИЛАРИМИЗ



# КУЮНЧАКЛИК УНГА ХОС ОДАТ

**Тошкент туманида бўлганимизда Келес шаҳар милиция бўлинмаси бошлиғи, капитан Элмурод СУЛТОНОВ билан суҳбатлашиб қолдик.**

– Ҳудуддаги Ифтихор маҳалласи посбонлар сардори Абдулла ака Султоновни 10 йилдан бери биламан, – деди Э. Султонов. – У кишининг фидойилиги, энг кичик муаммога ҳам жиддий ёндашиши, қаерда бўлса маҳалланинг, маҳалладошларини ўйлаши кўпчилик ўртасида обрў топишига олиб келди. Қайси бир хонадондагилар уни ака, қайси биридагилар ука, бошқа бир оиладагилар эса ўғлим деб эъзозлади, ҳурмат қилади.

Асли Андижон вилояти Хўжаобод туманида таваллуд топган Абдулла Султоновнинг болалиги одатдагидек кечди. Мактабда яхши ўқир, бир нечта тенгдоши билан каратэ тўгарагига қатнашарди. Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги билим юртида таълим олаётганда ҳам спорт турлари билан машғул бўлди. Шу туфайли жисмонан соғлом бўлиб вояга етди.

– Бир куни йўлда кетаётсам, – хотирлайди Абдулла ака. – Бир йигит икки кишига зўр-базўр бас келиб, олишаяпти. Дарҳол унга ёрдам беришга шошилдим. Биргалашиб иккаласини ерга ётқиздик-да, қўлларини орқага қайирдик. Кейин ички ишлар бўлимига олиб бордик. Мен ёрдам берган инсон ҳозир истеъфодаги майор Улуғбек ака Мираюпов эди. Ўша воқеадан кейин тинчлик, осойишталикни сақлашга мендек йигитлар кераклигини айтиб, бирга ишлашни таклиф қилдилар. Бажонидил рози бўлдим. Унга бўй бермаётган кишилар қидирувдаги жиноятчилар бўлиб, Улуғбек ака уларни қўлга олишга уринаётган экан.

1999 йилдан бошлаб Тошкент тумани Ифтихор маҳалласида посбонлар сардори бўлиб фаолият юритаётган Абдулла Султонов ҳалиҳануз устозлари, подполковник Ғайбулла Раҳматуллаев, истеъфодаги майор Улуғбек Мираюпов, майор Зуфаржон Норматовдан йўл-йўриқлар, маслаҳатлар олиб туради.

Абдулла аканинг саъй-ҳаракати билан диний-экстремистик оқимга билиб-билмай қўшилиб қолган айрим шахслар аниқланди. Маҳалла профилактика инспектори, катта лейтенант Асқар Ҳасанов билан бирга уларнинг хонадонида бўлиб, мунтазам тушунтириш ишлари олиб борди. Натижада Х. Дилшод, Р. Фарҳод, М. Қаҳрамон ҳозирда оиласи бағрида тинч-тотув яшамоқда. Бироқ сергакликни ўзига одат қилиб олган Абдулла ака улар билан тез-тез суҳбатлашади, керак бўлса, ёрдамини аямайди.

Маҳаллада тунги навбатчилик ташкил этилишида ҳам посбонлар сардорининг ўрни катта. Маҳалла посбонлари тунда ҳудудга кимлар, қандай мақсадда келаётгани, қайси хонадонда муаммо борлигини аниқлашади. Шундан сўнг тўпланган маълумотлар профилактика инспектори билан таҳлил қилиниб, тегишли чоралар кўрилади.

– Илгари Келес шаҳридаги бозорчанинг олдида ахлатлар уюми бўларди. Абдулла Султонов елиб-югуриб шу жой тозаланишига эришди. Ўрнига 4 минг тупга яқин турли мевали дарахтларнинг ниҳоли ўтказилди. Кексаларимиз бу маҳалла жонкуярини дуо қилишади, – деди майор Зуфаржон Норматов.

– Абдуллажон сира тиниб-тинчимайди, – деди маҳаллада яшовчи Лола Тиллаева. – У ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши, чиниқиши учун спорт клуби очди, қизларнинг волейбол ўйнашига имконият яратди. Маҳалла болалари-ку стадиондан бери келишмайди. Туну кун ҳали маҳаллада, ҳали боғчада, ҳали мактаб ёки бозорда юрганини кўрган маҳалладошлар Абдуллажонага соғлиқ, умрига барака тилашади. Унга ҳавас қилиб неварамнинг исмини Абдуллажон қўйдим.

Маҳалла посбонлари сардорининг фидойилиги, жонкуярлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Шу боис ҳам у Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

**Гули Нигор АВАЗОВА.**

***Суратда:** посбон Абдулла Султонов (ўнгда) маҳалла фаоллари билан.*

**А. КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

**Ҳаёт биз ўйлагандан кўра юз чандон, минг чандон мураккаб. Бу дунёда бизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг афзали, мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ёнимиздаги яқинларимиз билан ҳисоблашган ҳолда турмуш кечиришимиздир. Тўғри, балки бунда бой-бадавлат бўлмасмиз, бироқ кўнглимиз тўқ, оиламиз тинч, меҳримиз мўл бўлади. Аслида бахт деганлари ҳам шу-да! Билсангиз агар, инсон учун кўп нарса керак эмас. Қорни тўқ, усти бут, тан-жони соғ бўлса кифоя. Энг катта бойлик мана шу. Бахт калити аталмиш бу бойликни асраш ўз қўлимиздадир. Уни авайлаш учун эса бир-биримизни севишимиз, эҳтиёт қилишимиз, кўнглимизга қараб яшашимиз шарт. Акс ҳолда Неъмат акага ўхшаб неварали бўлганимизда ҳам ўзлигимизни йўқотиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Неъмат ака ким дейсизми? Келинг, бир бошдан ҳикоя қилайлик.**

# БИТТА ГАПДАН ҚОЛГАНИДА...

Ўша куни Неъмат ака хонадонига ташриф буюрган укасининг хотини Лобархон билан саломлашди-ю, кўчага отланди. «Хотинларнинг ичида менга нима бор? Улфатларим билан бир отамлашиб келай» деди у. Улфатчилик ҳам поёнига етиб, уйга қайтар пайт келди. Бироз кайфи борлигиданми кўнгли чоғ эди. Шунинг учун бўлса керак, уйда йиғлаётган невараси Нодирбекни қулига олди.

— Тойчоғим менинг, нима бўлди, а?

Шу пайт телефон жиринглади.

— Каромат, телефонга қара, — буюрди у турмуш ўртоғига.

— Алло, — деди гўшакни кўтарган аёл. Бирдан унинг қовоғи осилиб, асабийлашиб кетди:

— Нима? Ҳой ярамас, нималар деяпсан ўзи? Кимлигингни билиб қолсам ўлдираман, хўпми!

— Нега телефонда бунақа оҳангда гапиряпсан? — хотинига ўшқирди Неъмат ака.

— Кўрмайсизми ўзини, қандайдир бир қиз менга ўдағайлади. Ҳақорат ҳам қилди, шекилли. Яшшамагур, кимлигини билиб олай, унга кўрсатиб қўяман.

Каромат опа шундай дея ўғли Нуруллога қўнғироқ қилди:

— Телефон рақамимизни қайси бетайинга берган эдинг, а? Бекордан-бекорга ҳақорат қилавердими?

— Асабийлашманг, ая. Ундан кўра телефон рақамини айтинг, ўзим аниқлик киритаман.

Каромат опа телефондаги рақамларни ўғлига айтди. Бу пайтда Неъмат ака хотинига юзланди:

— Аслида ҳамма айб сенда. Кимга бўлса шаллақичилик қилаверасанми? Уйда ҳам бақирасан, телефонда ҳам. Нуруллонинг ёмон қизларга илакишиб қолишига ҳам сен сабабчисан, хўпми!

Бу гапдан Каромат опанинг баттар жаҳли чиқди:

— Ҳа, бу дунёда нимаики ёмонлик бўлса, мен айбдорман. Нима, сиз осмондан тушганмисиз? Мен ўғлимни ёмон йўлга киргизиб юборганимда, сиз қаёқда эдингиз? Бир гапни гапиришдан аввал, бундоқ ўзингизга ҳам разм солволинг.

Шу пайт яна телефон жиринглади.

— Нима? — қичқирди ўғли Нуруллога.

— Ая, ахир бу амакимнинг қизи Санобар экан-ку. У ҳақорат ҳам қилмабди, сизга бақирмабди ҳам. Телефонимиз яхши ишламаяпти, шекилли.

— Нима, Санобар эканми?

— Аям сизларникига кетганди, кеч бўлиб қолганига хавотир олиб қўнғироқ қилгандим, деяпти.

— Аяси аллақачон уйига кетган, бизникида ётиб қолармиди.

— Кўрдингми, — бояги кайфиятда юзланди яна Неъмат ака. — Энди қалайсан? Суриштирмай-нетмай бир қизни гуноҳкор қилиб қўйдинг-ку.

— Э, боринг, — жеркиб берди Каромат опа.

— Қаёққа бораман? — бўш келмади Неъмат ака ҳам. — Сен бақирсанг бўлади-ю, менга мумкин эмасми? Сен нима десанг эшитишимиз керагу, биз тилимизни тишлаб юрайликми? Ҳозир зўравонлик қандай бўлишини кўрсатиб қўяман.

Неъмат ака битта гапдан қолмаган хотинини ураверди-ураверди. Бу можаро нима билан тугаганини билмайди. У жаҳл билан уйга кириб, ётиб олди. Орадан икки кун ўтса ҳамки, турмуш ўртоғи кўринмади.

— Онанг қани? — аранг сўради ўғли Нуруллодан.

— Онам бувимларникига кетиб қолди. Икки кун шифохонада ётди, хабар ҳам олмадингиз. Ҳамма жойи кўкариб кетган.

Каромат опа турмуш ўртоғидан астойдил аразлаган экан, ички ишлар бўлимига мурожаат этиб, эрини тартибга чақириб қўйишларини сўради. Икир-чикир гаплар туфайли оиладаги муҳит янада чигаллашди. Болалари, келини, набираси, энг муҳими, қариндошлар, қуда-анда, маҳалла-кўй олдида юзи шувут бўлган эр-хотиннинг боши эгилди. Оиланинг устунлари шу даражага бориб етишса, уларнинг фарзандларидан нимани кутиш мумкин?! Эр-хотин бир-бирини айбдор қилиб, сабабларни ахтаришдан кўра, ақл билан иш юритишлари лозим. Ана шундагина оила ўз мақомига эга бўлади.

**Борис КЛЕЙМАН.**

*Андижон вилояти.*

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...

# ИККОВЛОННИНГ «САРГУЗАШТ»ЛАРИ

**Ёшлик – бебошлик, дейишади. Айникса, ўсмирлик пайтида билиб-билмай босилган қадам бир умр инсон ҳаётида ўчмас доғ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ахир шўхлик билан жиноятнинг ораси унча узоқ эмас. Битта ножўя босилган кадам ўсмирни суднинг қора курсисига етаклаши тайин.**

Бухоро шаҳрилик вояга етмаган А. Иброҳим ва Д. Розиқ ҳам суднинг қора курсисига ўтирадиган бўлишди. Улар бор-йўғи 14 ва 15 ёшда, ўрта мактаб ўқувчилари. Икковлон ўзаро тил бириктириб, хонадонларга ғайриқонуний равишда кириб, ўзгаларнинг 6 млн сўмликдан ортиқ мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш жиноятини содир этишган. Улар дастлаб Бухоро шаҳридаги хонадонлардан бирига девор орқали кириб, ичкаридан тилла тақинчоқлар ва 100 АҚШ долларини ўмариб, воқеа жойидан яширинишган.

Хўш, дарсда ўтириши керак бўлган йигитчалар нима учун бундай дайдиб юришибди? Нега улар катталар, мактаб, маҳалла эътиборидан четда қолишди? Биз, катталар уларга эътиборлироқ бўлганимизда улар бу йўлга киришмас эди. Ўсмирларни кўпроқ жамоат ишларига жалб этиш, турли тўгарак ва машғулотларда иштирокини таъминлаш ишларини талаб даражасида деб бўлмайди. Ўғриликка қўл уриб, мўмай даромадга эришган вояга етмаганлар хатти-ҳаракати буни қарангки, ҳеч кимда шубҳа уйғотмаган. Уларнинг қилмиши фош бўлмаган. Жиноятчилар бундан руҳланиб, кўнглига ёққан ишни қилиб, ўзлари истаганча юраверишган. Пуллар тугаб, чўнтак бўшаб қолганда эса «ҳунар»ларини ишга солишган. Ўзларини «шер» билган йигитчалар ҳеч иккиланмай аввал ўғриликка тушган хонадонга яна «ташриф» буюришади. Бу гал уй йўлагидаги сандиқ ичида бўлган 420 минг сўм накд пулларни олиб, воқеа жойидан жуфтакни ростлашган. Бироқ бу гал уларнинг «саргузашт»ларига ички ишлар ходимлари нуқта қўйишди...

Биз, катталар, қўни-қўшни, жамоат ташкилотлари мутасаддилари ёшларимизга кўпроқ эътибор берайлик. Улар келажагимиз пойдевори. Ёшларни қўллаш, уларга мададкор бўлиш, маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатиш бурчимиз эканлигини унутмайлик.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**

*Бухоро вилояти.*

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

***Сир эмаски, ҳозирги кунда гиёҳвандлик балоси бутун дунё аҳлини жиддий ташвишлантираётган муаммолардан бирига айланди. Кузатишлар гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг олдини олишда нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки атрофдаги инсонларнинг ҳам ҳушёрлиги ва сергаклиги нечоғли зарур эканлигини кўрсатмоқда. Чунки, ҳар қандай саъй-ҳаракат умум ишига айлангандагина бу борада самарали натижаларга эришиш мумкин.***

# НАДОМАТДАН НЕ НАФ?

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг очиқ суд мажлисида уч нафар фуқарога жиноий қилмишига яраша жазо тайинланди. Қора курсида ўтирганлар Бахтиёр Икрамов, Аваз Орипжонов ва Жаҳонгир Миракбаров айни навқирон, тоғни урса талқон қиладиган ёшда. Бироқ улар ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт ва оиласи равнақига ҳисса қўшишдан кўра, кайфу сафо, охири тубсиз жарлик бўлган хатарли йўлни танлашди. Ачинарлиси шундаки, Бахтиёр ва Аваз аввал ҳам судланган, республикамизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати ифодаси ўлароқ қабул қилинган амнистия тўғрисидаги актга кўра муддатидан аввал озодликка чиқарилган эди. Бироқ бу кимсалар ўзларига берилган имкониятдан тўғри хулоса чиқариб олмай, яна жиноятга қўл уришди.

Озодликка чиққанига икки йилдан ошса ҳамки, Бахтиёр на бирор ишнинг бошини тутди, на оила қуриб, ҳаётини изга солиш пайида бўлди. Ҳалол меҳнатта бўйни ёр бермаган йигит уззукун бекорчиликдан турли режалар ўйлаб топар, бел оғритмай мўмай пул топиш ишқи унга бир зум ҳам тинчлик бермасди. Ўйлаб-ўйлаб ниҳоят, бир қарорга келгандек бўлди — яхшиси гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан шуғулланади. Бу ишнинг ортидан бойиб кетса, ажаб эмас. Чунки, оғунинг домига илинган кимса борбудини сотиб бўлса ҳамки, уни истеъмол қилади.

Бахтиёр Меҳмон исмли шахсдан сотиш мақсадида кўп миқдорда героин моддасини олди. Заҳри қотилни эринмай оз-оздан олиб, қоғозларга урар экан, хаёлнинг учқур отига мингач са самоларга парвоз қилди: «Буларни сотиб, яхшигина пул ишлаб олсам бўлади. Омадим чопиб қолса, енг ичида шу ишни бажариб юраверaман. Терга ботиб, ишлагандан кўра шуниси маъқул». Буни қарангки, худди ҳид олгандек шу куниёқ таниши Аваз қўнғироқ қилиб, унда «дори» бор-йўқлигини сўради.

— Албатта бор. Белни бақувват қилиб, эртага кеч соат еттиларни мўлжаллаб келаверинг, — деди Бахтиёр.

У Авазга иккита ўрамдаги героинни 26 минг сўмга пуллади. Аваз «дори»ни олди-ю, уйига етиб боришга ҳам тоқат қилолмади. Йўлда дуч келган биринчи дорихонага кириб, шприц сотиб олди-да кўздан панароқ жойга ўтиб, билагига игна санчди. Эрталаб яна кайф қилишни кўнгли тусаб қолди. Ўрнидан тура солиб, дорихона томон отланди. Авазнинг бежо хатти-ҳаракатлари ҳудудда «Қорадори» тадбири утказаётган ички ишлар ходимларининг синчков назаридан четда қолмади. Гувоҳлар иштирокида тинтув қилинганда унинг ёнидан сотиб олган оғунинг қолгани чиқди. Аваз ички ишлар ходимларини оғуфурушнинг олдига бошлаб борганда, у яна бошқа бир ҳамтовоғи Жаҳонгирга икки урамдаги героинни эндигина пуллаб турган экан.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида Бахтиёр гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан шуғулланмагани, уларни ўзи истеъмол қилиш мақсадида олганини айтиб, сувдан қуруқ чиқишга уринди. Жаҳонгир эса қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди ва кекса онаси борлиги, вафот этган укасининг оиласини боқиш ҳам унинг зиммасида эканини айтиб, суддан ўзига нисбатан енгил жазо тайинлашни сўради. Пешона деворга теккандан кейин айтилган бу таҳлит сўзларни эшитиб, ҳайрон қоласан киши. Ахир; бу ҳақда авварок ўйлаш лозим эмасмиди? Ишқилиб, қўл ураётган иши жиноят эканини била туриб, ундан қайтмаган кишиларнинг пушаймонлиги бу сафар чин дилданмикин?

**Рустам ИСОҚОВ, капитан.**

*Тошкент шаҳри.*

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

# ҚУРЪА ТАШЛАНДИ – РАҚИБЛАР АНИҚ

Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти Дубай шаҳрида Осиё чемпионлар лигаси мусобақасига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Мусобақада қатнашадиган ўттиз икки жамоа саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда гуруҳ ва нимчорак финали йўлида кураш олиб боради.

Қуръа натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг энг кучли икки жамоаси – «Бунёдкор» ва «Пахтакор» ўртача савиядаги гуруҳларга тушишди. Демак, «Пахтакор» «А» гуруҳида Саудия Арабистони чемпиони – «Ал-Ҳилол», Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Аҳли» ҳамда Эроннинг «Саба Баттери» жамоалари билан беллашса, «Бунёдкор» «Д» гуруҳида «Ал-Шабаб» (БАА), Эрон чемпионатининг бронза медали совриндори «Сепахон» ва «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони) жамоаларига қарши тўп суради.

Ўз гуруҳида дастлабки икки поғонани эгаллаган жамоалар чемпионлар лигасининг плей-офф босқичига йўлланма олади. «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари баҳсларни 11 март куни бошлайди.

Шунингдек, нимчорак финал баҳслари учун ҳам қуръа ташланди. Унга кўра, «А» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган жамоа «Д» гуруҳи ғолиби билан нимчорак финалда тўп суради. Агар беллашувлар якунида «Пахтакор» гуруҳда иккинчи ўринни эгалласа ва «Бунёдкор» «Д» гуруҳи ғолибига айланса, жамоалар ўзаро тўқнаш келадилар. 1/8 финал фақат бир ўйиндан иборат ва у гуруҳ ғолиби майдонида бўлиб ўтади.

## ГУРУҲЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ:

**«А» гуруҳи**

1. «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони)
2. **«Пахтакор» (Ўзбекистон)**
3. «Ал-Аҳли» (БАА)
4. «Саба Баттери» (Эрон)

**«В» гуруҳи**

1. «Персеполис» (Эрон)
2. «Ал-Шабаб» (Саудия Арабистони)
3. «Ал-Гарафа» (Қатар)
4. Саралаш – 1

**«С» гуруҳи**

1. «Ал-Жазира» (БАА)
2. «Истиқлол» (Эрон)
3. «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони)
4. «Умм Салал» (Қатар)

**«Д» гуруҳи**

1. **«Бунёдкор» (Ўзбекистон)**
2. «Ал-Шабаб» (БАА)
3. «Сепахон» (Эрон)
4. «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони)

**«Е» гуруҳи**

1. «Ульсан Хендэ» (Жанубий Корея)
2. «Ньюкасл Жетс» (Австралия)
3. «Бэйпзин Гуан» (Хитой)
4. «Нагоя Грампус» (Япония)

**«F» гуруҳи**

1. «Гамба Осака» (Япония)
2. «Сеул» (Жанубий Корея)
3. «Сривиджая» (Индонезия)
4. «Шаньдун Лунен» (Хитой)

**«G» гуруҳи**

1. «Шанхай Шэньхуа» (Хитой)
2. «Кашима Антлерс» (Япония)
3. «Сувон Самсунг» (Жанубий Корея)
4. Саралаш – 2

**«H» гуруҳи**

1. «Централ Кост Маринерс» (Австралия)
2. «Тяньпзинь Теда» (Хитой)
3. «Кавасаки Фронтале» (Япония)
4. «Похан Стилерз» (Жанубий Корея)

**А. ФАЙЗИЕВ.**

# ЭРМАТОВНИ ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТДИ

**Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси 2008 йилнинг энг яхши ҳакамлари рўйхатини эълон қилди.**



Жаҳоннинг энг кучли 25 нафар ҳаками орасида ҳамюртимиз Равшан Эрматовнинг борлиги қувонарли ҳолдир. Таъкидлаш жоизки, Равшан Эрматов 25 кучли ҳакам рўйхатига киритилган осиёлик ягона мутахассис бўлди. Эътиборлиси, мазкур рўйхатдан жой олган юртдошимиз энг ёш ҳакам ҳисобланади. 31 ёшли ФИФА рефериси ўтган йилда Осиё футбол конфедерацияси томонидан ҳам қитъанинг энг яхши ҳакамлари, деб эътироф этилганди.

**Ф. АЗИЗОВ.**

# ЁШЛАРИМИЗ «ДЎСТЛИК» ТУРНИРИДА

**Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Мисрда бўладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 10-20 январь кунлари Қатарда Осиё, Европа ва Африка қитъаси мамлакатлари футболчилари иштирокидаги анъанавий "Дўстлик" халқаро турнирида қатнашади.**

Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари "А" гуруҳида Қатар, Малайзия ҳамда Беларусь терма жамоалари билан куч синашади. Ҳамюртларимиз 10 январь куни дастлабки учрашувни Беларусь вакилларига қарши ўтказади. Икки кундан сўнг Малайзия вакиллари билан беллашади. Гуруҳнинг Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги учрашуви 14 январга белгиланган.

"Дўстлик" халқаро турнирининг "В" гуруҳидан Япония, Тунис, Бирлашган Араб Амирликлари ва Сербия терма жамоалари жой олган.

2008 йили Осиё чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "Дўстлик" халқаро турнирида учинчи ўринни эгаллаган эди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) томонидан италиялик ҳакам Роберто Розетти «Йилнинг энг яхши ҳакамиу» деб топилди. 2008 йилда Европа чемпионатининг финал баҳсини бошқарган Розетти 83 мамлакат футбол экспертлари ўртасида ўтказилган сўровномада 204 очко овоз олишга муваффақ бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Любош Михел (Словакия) ҳамда Франк де Блеккере (Бельгия) эгаллади.

## ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

Россиялик гроссмейстер Пётр Свиллер Норвегияда ўтказилган тезкор шахмат бўйича «Aker Chess Challenge» турнирда ғолиб бўлди. Финал баҳсида Пётр Норвегия вакили Магнус Карлсенни 1,5:0,5 ҳисобида мағлуб этди. Учинчи ўрин америкалик шахматчи Хикару Накамурага насиб этди.

## КАТТА КЛИЧКОНИНГ РАҚИБИ



Ўта оғир вазн тоифадаги украиналик чарм қўлқоп устаси Виталий Кличко навбатдаги жангини кубалик Хуан Карлос Гомесга қарши ўтказадиган бўлди. WBC (Халқаро бокс кенгаши) камари соҳибини аниқлаб берувчи мазкур жанг 2009 йил 21 март куни Германиянинг Штуттарт шаҳрида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

## «ЮТА ДЖАЗ» ИЛДАМЛАМОҚДА

Миллий баскетбол ассоциациясининг анъанавий чемпионатида «Юта Джаз» «Голден Стейт Уорриорс» жамоасини 119:114 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мазкур беллашувда Дерон Уильямс 25 очко билан жамоасининг ғалабасини таъминлади. Ҳозирда чемпионатда «Юта Джаз» 20 та ўйинда ғалаба қозонган ҳамда 15 маротаба мағлубиятга учраган.

## КАНАДАЛИК ЁШЛАР ЯНА ЧЕМПИОН

Канада ёшлар жамоаси хоккей бўйича жаҳон чемпионати ғолиби бўлишди. Ҳал қилувчи финал беллашувида канадалик хоккейчилар Швеция ёшларини 5:1 ҳисобида доғда қолдирди. Бу билан Канада ёшлар жамоаси беш маротаба чемпион деган номга сазовор бўлди. Чемпионатнинг бронза медалини Россия ёшлари қўлга киритди.


## ЭЪЛОН

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1992 йил 3 февралда **Джалалова Фаргона Джамаловна** номига берилган ФВ серияли №983438 рақамли олий маълумот тўғрисидаги диплом йўқолганлиги учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ


СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН

# «ЧАНА ТОРТИШ СЕНИНГ ГАЛИНГ»



**Янги йилни янги орзу-умидлар ила қарши олган мухлисларимиз ўтган йилда «Бунисига нима дейсиз?» деган савол билан бирга бериб борилган ҳар бир ҳазил-суратни изоҳлашда баҳоликудрат иштирок этишди. Бунинг учун миннатдормиз. Бу йилда ҳам уларни ана шундай кўтаринки кайфият тарк этмаслигини ҳамда бир-биридан қизиқарли, табассумга чорловчи изоҳлар йўллашларини тилаган ҳолда навбатдаги изоҳлар билан таништирамиз.**

**Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси 2-АМБ 4-отряд милиционери, сафдор Раҳмат Ҳайитбоев** изоҳи ўзига хос:

*Узр энди сигирим,*
*Буғулар кетди қочиб,*
*Энди эрир ёғларинг,*
*Семирдинг ем еб ётиб.*

**Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 39-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилнода Жўраева**нинг билдирган фикри қуйидагича:

Говишим шошилайлик, янги йил ҳам кириб келди, Совғаларни тезда тарқатайлик.

**Республика ИИВ НIIX ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальони ходими Абдулҳамид Зиёев:**

*Сигир деган жонивор,*
*Келмоқда биз томон,*
*Қиш эса қаттиқ совуқ,*
*Изғирин эсар ҳамон,*
дебди.

**Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХО 4-ҲЁХҚ инспектори, кичик сержант Илҳом Бозоров** изоҳи билан танишинг:

*Сигир: Йилинг келди сигиржон деб,*
*Қийнаверманг бобожон.*
*Қорбобо: Чана тортиш сенинг галинг,*
*Ноз қилмагин сигиржон.*

Республика ИИВ ЁХОТМ 1-босқич 102-гуруҳи курсанти Дилёр Қорабагишовнинг ижоди қуйидагича:

*Қорбобо, Қорқиз борар,*
*Эргашарди кучуги,*
*Чанасини тортарди,*
*Ёлғиз ола сигири.*

Яна бир доимий мухлисимиз **Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ 4-ҲЁХО инспектори, катта лейтенант Аъзам Равшанов** сигир номидан шундай дебди:

*Бу йил менинг йилимдир,*
*Барчангизга хуш келсин,*
*Юртимизда тотувлик,*
*Тинчлик барқарор бўлсин.*

Шунингдек, **Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси 3-АМБ 6-отряд милиционери, катта сержант И. Турғунов, Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси Шўртан 1-АМБ милиционери, сафдор Н. Раушанов, тошкентлик Н. Шамсиддинов, наманганлик О. Элбоев, ғузорлик Ф. Панжиев**га йўллаган изоҳлари учун ташаккур билдирамиз.




**Изоҳларингизни мактуб ёки 231-48-41, 231-30-40 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.**

## Генерал-майор Шуҳрат Ниязович НИЯЗОВ



Бешафқат ўлим Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғи, генерал-майор Шуҳрат Ниязович Ниязовни 60 ёшида орамиздан олиб кетди.

Шуҳрат Ниязов 1949 йил 14 июлда Тошкент вилояти Зангиота туманида туғилди. У 1970 йилда собиқ Иттифоқ ИИВ Саратов олий ҳарбий билим юртини, 1980 йилда эса М. Фрунзе номидаги ҳарбий академияни тамомлади.

Ш. Ниязов мустақил хизмат фаолиятини ИИВ Ички қўшинларида взвод командири лавозимидан бошлаб, кейинчалик рота, батальон командири лавозимларида давом эттирди. Сўнгра, полк, бригада командири ўринбосари, Ички қўшинлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – штаб бошлиғи каби раҳбарлик лавозимларида самарали ва сидқидилдан хизмат қилди.

Унинг билими, малакаси ва ҳарбий соҳадаги бой амалий тажрибаси инобатга олиниб, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғи лавозимига тайинланди. Унинг раҳбарлиги даврида билим даргоҳида ўқув жараёнини такомиллаштириш, она-Ватанимизга малакали ҳарбий офицер кадрлар тайёрлаб бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўз умрининг 40 йилдан ортиқ даврини элу юрт осойишталиги ва тинчлигини сақлашга бағишлаган Шуҳрат Ниязов қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, ўзини масъулиятли ходим, севган касбининг етук мутахассиси, талабчан, ташаббускор раҳбар сифатида намоён қила олди. Унинг кўп йиллик хизматлари ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди.

Ш. Ниязов 1990 йилда «Жасорат» медали, 1998 йилда II даражали «Шон-шараф» ордени билан, 2004 йилда эса «Меҳнат шуҳрати» ордени ва кўплаб давлат мукофотлари билан тақдирланди. Энг муҳими, эл-юрт меҳрига, дўсту-биродарлари ҳурматига сазовор бўлди.

Ажойиб инсон, сафдошимиз, генерал-майор Шуҳрат Ниязович Ниязовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.**

### ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

**Қий-чув бошланди. Тумонат одам у ёқдан, бу ёққа жон ҳолатда югуриб, ёнаётган кишига ёрдам беролмай қараб турарди. Бир томонда занжирни узиб юборгудай бўлиб ташланаётган ит ғайритабиий овозда тинмай ирилларди. Кимнингдир: «ахир, бу – Султонали-ку!» деган ҳайқириғи эшитилди...**

# СЎНГГИ ЧОРА

... Султонали онасининг ўлимидан кейин уйига сиғмай қолди. Гарчи Махфират хола етмиш ёшида ҳаётдан кўз юмган бўлса ҳам Султонали бу мусибатни кўтара олмади. Бунга етарлича сабаб бор эди. Волидаси умрининг сўнгги уч йилини қон йиғлаб ўтказди. Вайсақи келинининг озорларидан куйиб, адо бўлди. Султонали ҳарчанд уринмасин, хотинига бас келолмади. У ҳеч қачон турмуш ўртоғига қаттиқ гапирмаган, ёмон сўз айтиб кўнглини оғритмаган эди. Унинг меҳрибонлигини бўшангликка йўйган Норхол тўйдан кейин кўп ўтмай, оила тизгинини ўз қўлига олди. Махфират хола кўз очиб кўрган фарзанди – Султоналига қиз ташлашда адашиб, номуносиб хотин олиб бергани учун умрининг охиригача ўзини гуноҳкор ҳис қилиб ўтди...

Онасининг маъракалари ўтганидан кейин Султонали оилада кераксиз матоҳга айланиб қолди. Фарзандлари аввалдан хотинининг чизган чизиғидан чиқмасди, энди бўлса оталарини одам ўрнида ҳам кўрмай қўйишди. Султонали юрагини эзаётган дарднинг изтиробига чидай олмай ичкиликка ружу қўйди. Эрининг бу одати Норхолнинг тилини икки қарич ўстирди. Кўча-кўйда, тўй-ҳашамларда куни-қўшниларига Султоналини ёмонлайдиган бўлди. «Ўн саккиз йил онасининг ҳархашаларига чидаб келдим, уйдаги маймашани ташқарига чиқармадим. Шунда ҳам шумкампир нолигани нолиган эди. Мана, ёлғиз боласининг ҳолини кўринглар, пиянистага айланди-қолди. Менинг жонимга тўзим берсин, буларнинг асли уруғи тоза эмасди», деганча ўзини оқ, эрини қора кўрсатишга зўр бериб уринарди.

Султонали бу гапларга парво қилмас, энди унинг учун ҳаётнинг қизиғи ҳам қолмаганди. У ишдан маст бўлиб келганда ичидаги дардини Олапарга тўкиб солар, вафодор дўстининг бўйнидан силаб, йиғларди. Онаси кучукчани олиб келганда ҳали кўзи очилмаганди. Ўшанда ҳам Норхол қайнонасига: «ўзингизнинг боққанингиз каммиди, кучукка нима бор? Бир ками кўчада қолган итларни боқишим қолувмиди?» деб заҳрини сочганди. Махфират хола келинининг эътирозига қарамай кучукчага «Олапар» деб ном бериб, меҳр билан катта қилди. Ит яхши-ёмоннинг фарқига боради деганлари рост экан. Бу оилада Олапар меҳрибон хола ва Султоналининг кўрганда думини ликиллатиб, фақат уларга пешвоз чиқарди. Норхолнинг овозини эшитса ёки қорасини кўрса шу ондаёқ ҳовли бурчагидаги уйчасига кириб кетиб, меҳрибонлари чақиргунча бовурини захга босиб ётаверарди. Ана энди Султонали ҳам баъзан Олапарнинг ёнида қоладиган бўлди.

Топмеҳр хотин эрини уйга киритиш у ёқда турсин, маст ҳолича ухлаб қолганида кўрпача ёки иссиқроқ нарса билан устини ёпиб қўйишни ўзига раво кўрмасди, фарзандларига ҳам рухсат бермасди. Султонали тонгтача содиқ дўстининг ёнида ётиб қолар, Олапар эса эрталабгача бугун гавдаси билан хўжайинини совуқдан сақлашга уринарди.

Эрининг бу қилиғи Норхол учун айни муддао бўлди. У маҳаллада «Султонали жинни бўлиб қолди» деган гап тарқатди. Бу ҳам етмагандек ишхонасига бориб бошлиғига ёмонлади. Ўша куни корхона раҳбари олдидан юзи қизариб чиққан Султонали туман марказидаги чойхоналардан бирига кириб, тўйгунича арoқ ичди. У уйига келганида хотини телевизор кўраётган эди. Ўша куни умрида биринчи марта хотинига зарда қилди.

– Сен хотин эмас, чаёнсан. Қайси юз билан бу сериални кўраяпсан? Бу сериални кўз билан кўриш эмас, юрак билан ҳис қилиш керак. Сенда ундай юрак йўқ. Онамга кун бермадинг, чидадим, мени пиянистa дединг яна чидадим, ишхонамга бориб ўз эрингни жинни деб айтишга қандай ҳаддинг сиғди?! Пиянистa бўлсам ҳам фарзандларингнинг отаси эдимку? Ойлик маошимни охирги тийинигача қўлингга келтириб бераётган бўлсам яна нима керак сенга?..

Султонали қолган гапларни айтолмади. Хотини уни уйдан итариб чиқарди-да, қўшнилар эшитсин деган ниятда бор овози билан бақира бошлади:

– Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим, бу эрнинг дастидан. Сиз ҳам одамларга ўхшаб ичмай келсангиз бўлмайдимий?! Шу зормандани ичмасангиз бошимда кўтариб юрардим. Эл ичида шарманда қилдингизку мени. Бу қандай кўргилик, бошқа эркаклар бола-чақасининг олдида, менинг эрим эса ичиб кўча-кўйда сандирақлаб юрибди. Бу ҳам етмагандек ит билан сўзлашаяпти. Султонали жинни бўлиб қолибди, одамлар!

Кейин овозини пастлатиб, Султоналига юзланди.

– Совинимга кир ювмабсан, ҳали. Чаён қандай бўлишини энди кўрасан.

– Кўриб бўлганман, – деди Султонали бўғзини тўлдириб келаётган аламни зўрға босиб. – Сенинг заҳринг чаённикидан ўн чандон ортиқроқ экан. Мени тирик мурдага айлантирдинг. Энди бу ҳаётда яшагилигим қолмади.

Норхол: «билганингни қил, ўлсанг кафанлигинг мендан», деди-да, фарзандларининг қўлидан тутиб уйга кириб кетди. Султонали ўрнидан туриб Олапарнинг ёнига борди. Унинг пешонасидан силаб: «яхши қол, вафодор дўстим», деди-да тандирайвонга ўтди. У ердан гугурт ва зарурат учун олиб қўйилган идишдаги бензинни кўтариб, ҳовлига борди. Дераза орқали ҳаракатини кузатиб турган хотинининг кўз ўнгида бензинни бошидан қуйди. Бир дона гугурт чўпини олиб, Норхолга юзланди:

– Умримни ўтда ёқдинг, жисмимни ҳам жизғанак бўлишини кўриб қўй!

– Ироданг етмайди, – деди Норхол ва дераза пардасини тушириб қўйди. Олапар хўжайинининг қарори қатъийлигини сезди чоғи, бор кучи билан бўйнидаги занжирни узиб ташлашга, соҳибини қутқаришга ҳаракат қиларди. Султонали ёниб турган гугурт чўпини боши узра кўтарди. На хотини, на фарзандлари дераза пардасини очиб қарашмади. Қайтанга телевизор овозини янада баландлатишди. Бир ёнда оиласи, фарзандлари, бошқа ёқда хўжайини томон талпинаётган Олапарнинг ғайритабиий ноласи Султоналининг: «Эҳ, Норхол шунчалар ҳам бемеҳрмисан?» деган сўзларига қоришиб кетди. У кўзларини чирт юмди-да гугурт чўпини боши узра ташлади.

Бир зумда Султоналининг жисмини олов қоплади. Қий-чувдан ҳовли оломонга тўлди. Бундай даҳшатли манзарани аввал кўрмаган одамлар ҳовлининг у бошидан, бу бошига югураётган икки оёқли оловни қандай тўхтатишни билолмасдилар. Вақт ўтган сайин оловнинг ёниши кучайиб борарди. Олапар эса турган ерида сакраб хўжайини томон талпинарди. Шунда қўшнилардан бири Олапарни бўшатиб юборди. У ўқдек учиб бориб ўзини ёнаётган соҳибига урди. Султонали ерга йиқилди. Шундан кейин одамлар унинг устига ҳўл матоларни ёпиб, оловни ўчиришди. Норхол яна мастонлик қилиб: «Нималар қилиб қўйдингиз, бегим? Фарзандларингизни кимга ташлаб кетдингиз?», деганча уввос тортиб, қоп-қора кўмирга айланган эрининг устига ўзини ташлади. Султоналининг жони тоғдан экан. У ҳеч нарсани сезмаса-да, эрталабгача билинар-билинмас нафас олиб ётди. Хотини Норхолнинг виждони қийналдими ёки қўшниларидан уялдими субҳидамда Султоналининг куйиб кетган қўлларини ушлаб: «Мени кечиринг, тавба қилдим! Фарзандларингиздан рози бўлинг!» деди. Шундан кейингина Султоналининг нафас олиши тўхтади...

Олапар ҳам тонгтача айвонда думини ликкиллатиб ўтирди. Соҳибининг вафот этганини сезгач эса уйчасига кириб кетди. У шу ётишда етти кун ош-овқат емай бовирини захга босиб ётаверди. Норхол ҳам, фарзандлари ҳам уни овқатлантира олишмади. Султоналининг етти кунлик маъракасига йиғилган қишлоқ аҳли яна бир ҳайратли воқеанинг гувоҳига айландилар. Олапар хўжайини хотирасига бағишланган дуодан кейин уйчасидан чиқди-да, Султонали йиқилган жойга бориб чўзилди ва бошқа кўзини очмади.

Бу ҳол йиғилганларнинг барчасига қаттиқ таъсир қилди. Улар турмуш ўртоғига бир итчалик вафо кўрсата олмаган аёлга лаънат айтиб, ҳовлидан бош эгиб чиқиб кетдилар. Шундан буён бу хонадонга ҳеч ким қадамини босмайди.

**Бекмурод УСМОНОВ.**
*Хоразм вилояти.*

---

Республика ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти раҳбарияти ва шахсий таркиби билим юрти бошлиғи, генерал-майор
**Шуҳрат НИЯЗОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғи, генерал-майор
**Шуҳрат НИЯЗОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник
**Рўзимурод ШАРИПОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИВ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Ўқув курси бошлиғи, подполковник И. Ниязовга отаси
**Шуҳрат НИЯЗОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши, бошқарма ШТБИХ катта инспектори, майор Фазлиддин Тўхтаевга падари бузруквори
**РАМАЗОН отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ИИВ ЁХББ Навоий кон-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник
**Рўзимурод ШАРИПОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ҲОРДИҚ

*Дам олиш саҳифаси*

ТУЙҒУЛАР

## ҚОР НУҚРАЛАРИГА ИНҒАН ЎЙЛАР

Борлиққа майин, юмшоқ қор ёғмоқда. Ҳадемай чарх уриб, ўйноқлаб учиб, она заминга оҳиста қўнаётган қор теварак-атрофни оппоқ либосга буркайди. Ўз-ўзидан ғуборлар тарқалиб, вужудингга ёқимли енгиллик ўрмалайди. Тўйиб-тўйиб нафас олганинг сайин мусаффо ҳаводан ҳузурланаверасан. Қушдек енгиллик туясану гўё қанот чиқариб учаётгандек оёқларинг илдам одимлайверади. Болаларнинг қийқиришиб, шўхшодон ўйнаётганларини кўриб, беихтиёр ҳавас билан уларга боқасан. Юзингга табассум югуради. Қани энди болаликка қайтсангу мана шу бахтли онлардан қайта баҳраманд бўлолсанг.

Айтганча, бахт ҳақида. Бахт мана шу болалардек беғубор кулиб, табиатнинг ҳар бир неъматидан роҳатланиб, ҳайратланиб, борлиқ билан бир бутунлигингни ҳис қилиб яшаш эмасми? Эҳтимол, дилимиздаги ғашлик, учрайдиган кўнгилсизликларимиз мана шу уйғунликка беписандлигимиздандир. Балки покиза туйғуларимизни икир-чикирлар, майда-чуйдаларга ўраб, унинг рангини ўзгартириб юборганимизда ёки ҳайратланишни унутиб қўйганимизда эмасмикан?! Ҳар тонгимиз, кунимизга шукроналар айтиб, қордек оқ, оппоқ туйғуларгагина юрагимиздан жой ажратиб, бошқаларга ҳам шуни тилаб яшаш бахт аслида.

**М. ИБРАГИМОВА.**



*«Ҳозир Қорбобо келади»*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат-лавҳа.**

ҲИКОЯТ

## ДУНЁ ТУРГУНЧА ЭСЛАЙДИЛАР

Нақл қиладиларки, Мусо алайҳиссалом чўпон бўлиб, ҳали ваҳий келмаган пайтларда қўй боқиб юраркан. Бир куни бир қўзичоқ сурувдан ажралиб қолади. Мусо уни сурувга қўшмоқчи бўлади. Қўзичоқ саҳрода қўйлардан анча узоқлашади. Мусо алайҳиссалом унинг орқасидан қувиб, икки фарсанг юргач, тутиб олади. Раҳми келиб дейди : «Эй бечора, нега қочасан ва кимдан қўрқасан?»

Уни кўтариб келади. Қўзичоқ сурувни кўриб, нотинчланади ва юраги тез-тез ура бошлайди. Мусо жониворни елкасидан тушириб, сурувга қўшади.

Аллоҳ таоло ўз фаришталарига дейди:

— Қаранглар, менинг бандам бу тилсиз қўзичоққа қандай фазилат кўрсатди? Шунча қўзичоқдан ранж тортган бўлса ҳам, озор бермай, менинг иззатим учун уни кечирди, шу туфайли мен унга мартаба бериб, ўзимга калим қиламан ва у пайғамбарим бўлади, унга китоб нозил қиламан. Уни одамлар дунё тургунча эслайдилар.

## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Польшанинг Вроцлав шаҳрида яшовчи журналистлар Марек Обшорни ва Дариуш Литерал 2001 йилда радиомарафон ўтказиб, жаҳон рекордини янгилашган. Улар тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган радиомарафонда тўхтовсиз 93 соату 10 дақиқа тинмай гапиришган. Шунча вақт ўтгач «эзма»ларни шифокор тўхтатишга мажбур бўлган. Негаки, ҳар иккисининг қон босими ошиб кетган эди.

Аввалги рекорд эса инглиз журналистларига тегишли бўлиб, улар 67 соат давомида тўхтовсиз эшиттириш олиб боришган.

* * *



**Уяли телефонда гаплашиш бўйича рекорд ўрнатган шахс Саудия Арабистонида яшайди. У тўхтовсиз 7 соату 51 дақиқа суҳбатлашган. Дарвоқе, ҳар бир рекорднинг ўзига яраша нохуш томонлари ҳам бор экан. Бу сергаплиги учун унга "атиги" 370 минг АҚШ долларилик ҳисоб варақаси келган.**

* * *

Канаданинг Альберт вилоятида автомобиллар учун энг йирик тўхташ жойи мавжуд. Унга бир йўла 20 мингта машина сиғади. Бундан ташқари, яна 10 минг машинага мўлжалланган қўшимча жойи ҳам бор.

* * *

**Европада энг қизиқувчан халқ бу — испанлар экан. Улар турли автомат ўйинларига бир йилда ўртача 560 АҚШ доллари сарфлаши аниқланган. Автомат ўйинларига бунчалик берилишнинг сабаби — ютуқ 14 миллион АҚШ долларини ташкил этиши, боз устига, мазкур ютуқдан ҳеч қандай солиқ олинмаслиги экан.**



ЎҚИНГ, БУ ҚИЗИҚ !

## ТОШ АСРИДАГИ ЖАРРОҲЛИК

Франция ва Германия давлатлари оралиғидаги Энсем деган жойда бир гуруҳ немис ва француз археологлари эрамиздан аввалги V минг йилликка даҳлдор ғаройиб топилмага дуч келишди. У одамнинг бош суяги бўлиб, ғаройиблиги шундаки, бош суяк трепанация (суякни пармалаб тешиб, касал жойини даволаш) қилинган эди. Мутахассислар бундай жарроҳлик амалга оширилганидан сўнг бемор узоқ умр кўрганини аниқлашган.

Инсоният ҳали ёзувни билмаган тош асрида тиббиёт бундай юксак чўққига кўтарилгани олимларни ҳайратга солмоқда.

## ЧАПАҚАЙЛАР ВА ИСТЕЪДОД

Одатда чап қўлда ёзадиган, овқат ейдиган, ҳамма ўнг қўлда бажарадиган юмушларни шу қўли билан бажарадиган одамларни "чапақай" деймиз. Ҳа, айтгандек, баъзилар ўнг оёқ бажарадиган ҳаракатларни чап оёқларида бажаришади.

Буни қарангки, орамизда икки қўли бирдек "ишлайдиган" одамлар ҳам бор экан. Олимларнинг фикрича, иккиуч авлод олдинги чапақайлик хусусияти қайта-қайта такрорланиши мумкин ҳолатдир. Шунингдек, икки ўнақай отаонадан чапақай фарзанд туғилиши эҳтимоли 2 фоиз, ота ёки она чапақай бўлган оилада 20 фоиз, ота-онанинг иккиси ҳам чапақай бўлганида эса 70 фоизни ташкил этаркан.

Маълумки, айрим халқларнинг урф-одати, хурофий тушунчалари бўйича чапақайлик ғайритабиий ҳодиса саналиб, уларга нисбатан салбий фикрлар билдирилган. Бироқ вақт ўтиши билан бу қарашлар ўзгариб борган. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, дунёдаги машҳур шахсларнинг 85 фоизини туғма чапақайлар ташкил этади. Ўткир зеҳн, тезкор ва мантиқий хулоса, чексиз шижоат – буларнинг барини исталган чапақайдан топиш мумкин.

БИЛАСИЗМИ!

## БИР ҚУТИ СИГАРЕТ...

● **Бир кунда бир қути сигарет чекадиган одам бир йилда ярим чашка қатрон ичган ҳисобланади.**

● Ўрта ёшдаги одамнинг жамики соч толалари умумий узунлиги умри давомида қирқилмаса 725 километрни ташкил этади.

● **Одам жилмайганда 17 та мушаги «ишлайди».**

● Одам танасидаги бактерияларнинг умумий оғирлиги 2 килограммни ташкил этади.

● **Одам туғилганда унинг миясида 14 миллиард тўқима мавжуд бўлади. 25 ёшдан кейин уларнинг сони кунига 100 мингтагача камая боради. Бир варақ китоб ўқиш билан киши 70 дона тўқиманинг «умрига зомин бўлади».**

● Ўнг ўпка чапига нисбатан кўпроқ ҳаво олади.

● **Одам кўзи 10 млн рангни фарқлай олади.**

● Одам оғзида 40 мингдан зиёд бактерия яшайди.

● **Аёллар эркакларга нисбатан 2 баробар кўпроқ киприк қоқишади.**

● Одамнинг энг мустаҳкам мушаги тилидир.

● **Одам 2000га яқин таъм рецепторига эга.**

● Янги туғилган чақалоқларда 300 дона суяклар тартиби бўлиб, кейинчалик улар сони 206 тага тушиб қолади.

● **Одам танасидаги ёғлардан 7 дона совун олса бўлади.**

● Одам юраги бир йилда ўртача 36800000 марта уради.

● **Юрак қонни 10 метргача пуркаш босимига эга.**

● Эркаклар аёлларга нисбатан 10 баробар камроқ дальтонизм (ранг фарқламаслик) касаллиги билан оғрийди.

● **Ҳаворанг кўзли одамлар бошқаларга қараганда оғриқни кўпроқ ҳис этади.**

● Умри давомида одам териси 1000 марта янгиланади.

● **Деворга бош уриш билан одам соатига 150 калория қувват йўқотади.**

● Одамда 2 миллион дона тер бези мавжуд. Бир литр тер ажратиш билан ўрта ёшдаги одам 540 калория куч йўқотади.

● **Булемия – иштаҳани жиловлай олмаслик касаллиги.**

● **Одам мияси бир кунда дунёдаги жамики телефонлардан-да кўпроқ электр импульсин амалга оширади.**

● Тумовни келтириб чиқарувчи 100 дан зиёд турли вируслар мавжуд.

● **Одам бурни умри давомида ўсиб боради.**

● Тил излари бармоқники каби такрорланмасдир.

● **Тана ҳароратининг 80 фоизи бошдан чиқиб кетади.**

● Аксарият одамлар 60 ёшдан кейин таъм сезиш қобилиятининг 50 фоизини йўқотади.

● **Хона чангларининг 70 фоизини одам танасидан тушган ўлик бактериялар ташкил этади.**

● Ўрта ёшдаги одам боши 3,6 килограмм тош босади.

● **Умри давомида одам 2 та катта бассейнни тўлдирадиган сўлак ишлаб чиқаради.**

● Одам миясининг 80 фоизини сув ташкил этади.

● **Одам тиши ўз-ўзини қайта тиклай олмайдиган ягона аъзодир.**

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**

Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**

Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.

**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-6702. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 56827 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**